

т/р	Магистрлик диссертациониси иш бўлимлари	Бажарилиш муддати
	Кириш	
	I-БОБ Иктисодиётни модернизациялаш шароитида аҳоли бандлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг урни ва унинг назарий асослари.	1.03.2014
	1.1Иктисодиётни модернизациялаш шароитида аҳоли бандлигини назарий асослари.	17.04.2014
	1.2Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий мазмуни.	13.05.2014
	1.3Аҳоли бандлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг урни.	12.06,2014
	II-БОБ Самарканд вилоятининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиши ва унинг аҳоли бандлигига таъсири.	10,07,2014
	2.1Самарканд вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳолати.	8,08,2014
	2.2Вилоятда аҳоли бандлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни урни.	9,09,2014
	2.3Самарканд вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш тенденциялари.	10,10,2014
	III-БОБ Самарканд вилоятида аҳоли бандлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни урни ва уни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.	11,11,2014
	3.1Самарканд вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги муоммо ва ечимлари.	01,11,2014
	3.2Самарканд вилоятида аҳоли бандлигини таъминлаш муоммолари ва уларни ечишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни урни.	02,02,2015
	3.3Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривож асосида аҳоли бандлигини оширишнинг нисбий йўллари.	01,03,2015

	3.4Вилоятда кичик бизнес корхоналари оркали аҳоли хавфсизлигини таъминлаш йуллари.	08,04,2015
	Хулоса ва таклифлар	09,05,2015
	Иловалар	09,06,2015

Топшириқ берилган сана:

Тамомланган диссертация ишини топшириш муддати:

Диссертация иши раҳбари:

и.ф.д., доцент. Д.Х.Асланова

Топшириқни оловчи:

Л.Ш. Батирова

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

Батирова Латофат Шухратовна

**“Самарқанд вилоятида аҳоли бандлигини ошириш йуллари.
(Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари мисолида)**

5A230102 “Иқтисодиёт (хизматлар соҳаси)”

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯ

Иш кўриб чиқилди ва
ҳимояга тавсия этилди.
“Иқтисодиёт” кафедраси
мудирив.б., и.ф.н.,
доцент Ш.А.Султонов

Илмий раҳбар:
и.ф.н. доцент Д.Х.Асланова

_____ «___» _____ 2015 й.

САМАРҚАНД – 2015

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРАҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Факультет: “Магистратура” бўлими

Магистратура талабаси: Батирова Латофат Шухратовна

Кафедра: “Иқтисодиёт”

Илмий раҳбар: и.ф.н.доц.Д.Х.Асланова

Ўқув йили: 2013 – 2015 ўқув йили

Мутахассислиги: 230102 - Иқтисодиёт

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АННОТАЦИЯСИ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов таъкидлаб ўтганидек, “2014 йилда мамлакатимизда (вилоятимизда) жами 950 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этилганини катта мамнуният билан қайд этишимиз лозим. Бу янги ташкил қилинган умумий иш ўринларининг 604 мингдан зиёди ёки 75 фоизи кичик бизнес соҳаси ва фермер хўжаликларига, соҳасига тўғри келади.

Аҳоли даромади ва фаровонлигини ошириш борасида ҳам сифат жиҳатидан чуқур ўзгаришлар юз бермоқда. Аҳолининг иш ҳақи ва умуман, пул даромадлари барқарор ошиб бормоқда, унинг харид қobiliяти муттасил ўсмоқда, фуқароларимиз истеъмол қиладиган маҳсулотлар таркибининг сифати ортмоқда”¹.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгач, ўзининг муносиб келажагини таъминлашни ва жаҳоннинг энг илғор мамлакатлари қаторидан

¹ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қиладди. “Халқ сўзи” газетаси. 2014 йил 22 январь, №16 (5183).

жой олишни зарурат қилиб олди. Шу боис, Ўзбекистон ҳукумати мамлакатда сиёсий, иқтисодий, маънавий ислохотлар амалга ошириш учун, аҳоли иш билан бандлигини йўлга қўйишнинг назарий ва амалий механизмларини яратади.

Иш билан бандлик ижтимоий тотувлик ва барқарорликка эришувнинг, жамият иқтисодий ривожининг муҳим омилidir. Ўтиш даврида иш билан бандлик соҳасидаги ҳукуратимизнинг инсон омилига қаратилган стратегиясида меҳнатга қодир ҳар бир инсон ўз қобилиятларини ўстириш ва ўз меҳнат тарзини таъминлаши учун шароитлар яратиши назарда тутилади.

Зеро, Президент И.А. Каримов таъкидлаб ўтганидек, “Аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда ҳам жиддий сифат ўзгаришлари кўзга ташланмоқда. Биз учун ўта долзарб бўлган бу масалани ечишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш билан бирга, хизмат кўрсатиш соҳаси ва касаначиликнинг турли шаклларини кенг жорий этиш, қишлоқ жойларда чорвачиликни ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. ... Албатта, иш ўринлари сонини кўпайтиришда кичик бизнес, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ва кенгайтириш муҳим ўрин тутди¹”.

Ҳозирги шароитда иқтисодий ўсиш барқарорлашувини таъминлашда бир қатор муаммоларни ечиш тақозо этилади. Масалан, устувор ривожланаётган тармоқларда тармоқлар тузилмавий таркиби ўзгармоқда, иқтисодий ривожланиши суръатлари ишлаб чиқаришда банд бўлган ортиқча ишчи кучи ва ходимларни бошқа ишларга жалб этиш вазифалари кучаяди. Бу эса, мамлакат, тармоқлар, ҳудудлар миқёсидаги иш билан бандликда жиддий ўзгаришлар амалга оширишни, даставвал эса, бундай ўзгаришларни назарий жиҳатдан асосланган ҳолда жорий қилиш талаб қилинади.

Бугунги иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизация қилиш шароитида мамлакатимизнинг кўп миллионли меҳнат ресурсларни оқилона

¹ Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А. Каримов. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. -566. 24-25-бетлар.

иш билан бандлигини таъминлаш зарурияти туғилмоқда. Шу сабабли аҳоли иш билан бандлигини таъминлашнинг ҳудудий хусусиятларини ва уни такомиллаштириш муаммосини назарий ҳамда амалий жиҳатдан ўрганиш ва таҳлил қилиш долзарб муаммо ҳисобланади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакат меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, иш билан бандлик, ишсизлик муаммоларини ўрганиш, истиқболини белгилаш аҳамияти, услублари ва афзалликлари, бандликнинг жамият тараққиётидаги ўрни ва роли классик иқтисодчи-олимлар А.Смит, Д.Рикардо, К.Макконелл, А.Маршалл, А.Оукен, И.Фишер, Д.Кейнс, П.Самуэльсон асарларида кенг ёритилган. Ўтиш даврида аҳоли бандлигининг ўзига хос хусусиятлари, аҳоли турмуш даражасини яхшилашнинг амалий ва назарий муаммолари ҳамда башоратлаш усулларини МДХ мамлакатлари иқтисодчи олимлари Р.Агабекян, Г.Авагян, Н.Волгина, Ю.Одегов, Л.Костин, А.Жуков, В.Куликова, В.Плакса ва бошқалар томонидан ўрганилган. Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Қ.Абдурахмонов, Г.Саидова, С.Ғуломов, О.Ата-Мирзаев, Р.Убайдуллаева, Ш.Холмўминов, Л.Максакова, Н.Зокирова, Д.Рахимовалар томонидан ҳам ушбу муаммолар тадқиқ этилган.

Магистрлик диссертациясининг мақсади —иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида аҳолини иш билан бандлигини таъминлашнинг ҳудудий хусусиятлари ва унинг ҳолатини таҳлил қилиш асосида аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича назарий ва илмий асосланган таклиф ва тавсияномаларни ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун **магистрлик диссертацияси олдида қуйидаги асосий вазифалар** қўйилади:

- Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аҳоли бандлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг урни ва унинг назарий асосларини урганиш ;

- Иқтисодийни модернизациялаш шароитида аҳоли бандлигининг назарий асосларини ёритиш;
- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий мазмунини очиб бериш;
- Аҳоли бандлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг урнини курсатиб бериш;
- Самарканд вилоятининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиши ҳолати ва тенденциялари;
- Самарканд вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳолати.
- Самарканд вилоятида аҳоли бандлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни урни ва уни ривожлантиришнинг асосий йуналишлари.
- Самарканд вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги муоммо ва уларнинг ечимлари.
- Самарканд вилоятида аҳоли бандлигини таъминлаш муоммолари ва уларни ечишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни урни.
- Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривож асосида аҳоли бандлигини оширишнинг йуллари.

Тадқиқот объекти ва предмети –бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодийни эркинлаштириш шароитларида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашнинг ҳудудий хусусиятлари ва уни такомиллаштириш тизими ҳисобланади. **Тадқиқот предмети** - аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича иқтисодий муносабатларни ўрганишдан иборат.

Илмий ишнинг назарий ва услубий асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов асарлари ҳамда меҳнат бозори ва аҳоли иш билан бандлиги, ишсизлик муаммолари бўйича ватанимиз ва хориж иқтисодчи олимларининг илмий ишлари ташкил этади.

Мазкур тадқиқотнинг асосини ушбу муаммолар бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Давлат Статистика қўмитасининг маълумотлари ташкил этади.

Магистрлик диссертациясининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

-Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аҳоли бандлигининг назарий асослари ёритиб берилди;

- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий мазмунини очиб берилди;

- Аҳоли бандлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг урни курсатиб берилди;

-Самарканд вилоятининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиши ҳолати ва тенденциялари аниқланди;

- Самарканд вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳолати аниқланди.

-Самарканд вилоятида аҳоли бандлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни урни ва уни ривожлантиришнинг асосий йуналишлари курсатилди.

- Самарканд вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги муоммолари аниқланди ва уларнинг ечимлари курсатиб берилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация ишининг илмий-амалий тавсиялари ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асоси сифатида аҳолини иш билан бандлигини таъминлашда кейинчалик тадқиқ этиш учун назарий асос сифатида қўлланилиши мумкин. Диссертация аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш муаммоларини ўрганиш жараёнини тўлдиради, шунингдек, унда меҳнатга лаёқатли аҳолидан фойдаланишни яхшилаш вазифаларини ҳал этишга оид аниқ таклифлар ишлаб чиқилди.

Ушбу диссертациянинг илмий-амалий тавсияларидан Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларида, шунингдек, иқтисодиётнинг самарадорлигини ошириш мақсадларида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаларида, туман бандликка кўмаклашиш марказларида фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари, тадқиқот натижалари олий ўқув юртларида «Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси», «Меҳнат бозори иқтисодиёти» каби фанларни ўқитиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Магистрлик диссертациясининг таркибий тузилиши. Ишнинг таркиби, унинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ: кириш, мавзунинг асосий мазмуни ва моҳиятини ифодаловчи саккизта саволлардан иборат учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Магистрлик диссертациясининг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, унинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, назарий – услубий асослари, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти ёритиб берилган.

Магистрлик диссертациясининг биринчи бобида, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аҳолини иш билан бандлигини таъминлашнинг назарий асослари ёритиб берилган.

Магистрлик диссертациясининг иккинчи бобида, Самарканд вилоятининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиши ва

унинг аҳоли бандлигига таъсирининг асосий мезонлари ва кўрсаткичлари кўрсатиб берилган.

Магистрлик диссертациясининг учинчи бобида Самарканд вилоятида аҳоли бандлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни урни ва уни ривожлантиришнинг асосий йуналишлари ёритиб берилган.

Магистрлик диссертациясининг якуний, яъни хулоса ва таклифлар қисмида тадқиқот натижалари умумлаштирилиб, тегишли хулосалар олинган ва ушбу соҳани ривожлантириш бўйича бажарилиши лозим бўлган вазифалар юзасидан фикр – мулоҳазалар билдирилган ҳамда амалий аҳамиятга эга бўлган бир қатор таклифлар берилган.

ANNOTATION

In peoples profit and abundantness rising many changes are happened from the quality. Peoples salary and money profit are rising steadily, its buying ability is rising too, our people used products structures quality is rising moren more too.

In society whatever branch it would not be, all attention is concentrated on bussness of people, development of prosperity and increasing of income. In this article was highlighted ethods of increasing of income and development of prosperity, provision of busyness of people in Samarkand region.

Илмий раҳбар

(имзо)

Магистратура талабаси

(имзо)

**I.БОВ. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аҳоли
бандлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг
ўрни ва унинг назарий асослари.**

**1.1 Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аҳоли бандлигини
назарий асослари.**

Иқтисодиётни модернизация қилиш даврида давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати фақат одамларнинг манфаатларини ишончли равишда ҳимоя қилишдангина иборат бўлмасдан, балки меҳнатга яроқли аҳолини иш билан бандлигини таъминлашни ҳам ўз ичига олади. Айниқса, аҳолининг ўсиши юқори суръатлар билан бораётган ва ўзига хос аҳоли таркибига эга бўлган бизнинг республикада иш билан бандлик масаласи энг муҳим муаммолардан бири ҳисобланади.

Аҳолини иш билан таъминлаш унинг такрор ишлаб чиқариши учун зарур шартдир. Чунки кишиларнинг турмуш даражаси жамиятнинг кадрлар танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, ишга жойлаштириш, ишсизларни моддий жиҳатдан қўллаб - қувватлаш учун сарф қиладиган чиқимлар аҳолини иш билан таъминланишига боғлиқдир. Иш билан бандлик инсон ижтимоий камолатининг энг муҳим томонларидан бирини очиб берадики, бу унинг меҳнат соҳасидаги ва меҳнат билан боғлиқ бўлган этиёжларини қондиришга алоқадордир.

Президентимиз И.Каримов таъкидлаб ўтганларидек: “Аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал этишда ҳам жиддий сифат ўзгаришлари кўзга ташланмоқда”¹

Аҳолини иш билан бандлиги уларнинг иш жойлари қаердалигидан қатъий назар, ижтимоий фойдали меҳнатда қатнашиши юзасидан ўзаро киришадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлардир. Иш билан бандлик

¹Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009, 24-бет.

муносабатлари, меҳнатга лаёқатли одамларнинг қанчаси ва қайдаражада ижтимоий фойдали меҳнатда қатнашишини кўрсатади.

Бироқ аҳолини иш билан бандлик тоифаси фақат иқтисодий компоненти билан чекланмайди. Иш билан бандлик, аввало, ижтимоий муносабатлардир, яъни одамларнинг жамият ичидаги муносабатларидир, шу боис қандайдир азалий, бевосита юзага келган ҳодиса сифатидаги ижтимоийлик уларнинг асосий хусусияти ҳисобланади.

Аҳолини иш билан бандлик тушунчасини фуқаронинг ўз шахсий ва жамоат эҳтиёжини қондирадиган ҳамда даромад келтирадиган фаолияти деб тушуниш мумкин. Иш билан бандликни ижтимоий, иқтисодий ва демографик жараёнлар тизимида меҳнат ресурсларини етиштиришнинг табиий асоси сифатида қараш лозим.

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш» тўғрисидаги Қонунининг 2-моддасида қайд этилганидаек: «Иш билан таъминлаш – фуқароларнинг қонун ҳужжатларига зид келмайдиган, ўз шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган, уларга иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган фаолиятдир».¹

Унумли ва ижодий меҳнат қилишга бўлган ўз қобилиятларини тасарруф этиш ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган ҳар қандай фаолият, шу жумладан ҳақ тўланадиган ишни бажаришга алоқаси бўлмаган фаолият билан шуғулланиш мутлақ ҳуқуқий фуқароларга тегишлидир².

Мажбурий меҳнат, яъни бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали иш бажаришга мажбурлаш тақиқланади, қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Кишиларнинг ихтиёрий равишда иш билан банд бўлмаслиги уларни жавобгарликка тортиши учун асос бўла олмайди.

¹Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонунига шарҳлар. – Т.: “Шарқ”, 2004, 19 бет.

² Мамараймов Қ. «Қишлоқ аҳолиси иш билан бандлиги» Бозор, пул ва кредит 2009, октябрь, 70-бет

Иш билан бандликни ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сифатида қўйидагича таърифлаш мумкин: иш билан бандлик фуқароларнинг қонун ҳужжатларига зид қилмайдиган ўз шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган, уларга иш ҳақи ёки меҳнат даромади келтирадиган фаолиятдир².

Иқтисодиётнинг сифат жиҳатидан олдингисидан фарқ қилувчи ҳар бир ривожланиш босқичи учун иш билан таъминлашнинг муайян модели (концепцияси) мос келади, чунки унинг асосий хусусиятлари жамият фаолиятининг муҳим жараёнларини очиб беради.

Тажриба шуни кўрсатадики, жамият муаммолари ичида инсоннинг шахсини, талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олмасдан ҳал қилишга уриниш омадсизликка маҳкум этади. Шунинг учун авваллари олимлар иш билан бандлик муаммоларини кўриб чиқаётганларида асосан, унинг иқтисодий жиҳатларига эътибор берган бўлсалар, кейинги пайтда иш билан бандликнинг ижтимоий жиҳатлари тўғрисида тобора кўпроқ гапираётганлиги бежиз эмас.

Аҳолининг иш билан бандлик концепцияси — жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муайян босқичидаги иш билан таъминланишнинг хусусиятини очиб берадиган қарашлар, тасаввурлар тизимидир.

Бундай назарий тушунчалар марказига уни ривожлантиришнинг ижтимоий бозор типдаги давлат учун хос бўлган объектив жараёнларини ҳисобга олувчи иш билан таъминланишнинг шаклланиши қўйилади. Бу ўз навбатида муайян давр мобайнидаги қўйилган мақсадларга эришишнинг реал имкониятлари билан чекланмайди. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш» тўғрисидаги қонунга мувофиқ қўйидагилар иш билан таъминланган деб ҳисобланади:

² Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти (дарслик). –Т.: “Mehnat”, 2009, 274-б.

- ёлланиб ишлаётган, шу жумладан ишни тўлиқсиз иш вақтида ҳақ эвазига бажараётган, шунингдек ҳақ тўланадиган бошқа ишга, шу жумладан вақтинчалик ишга эга бўлган фуқаролар;

- бетоблиги, меҳнат таътилида, касбга қайта тайёрлашда, малака оширишда эканлиги, ишлаб чиқаришнинг тўхтатиб қўйилганлиги муносабати билан, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ вақтинча иш жойи сақланиб турадиган бошқа ҳолларда вақтинча иш жойида бўлмаган фуқаролар;

- ўзини иш билан мустақил таъминлаётган фуқаролар, шу жумладан юридик шахс ташкил қилмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган фуқаролар, кооперативларнинг аъзолари, фермерлар ва уларнинг ишлаб чиқаришда қатнашаётган оила аъзолари;

- қуролли Кучларда, Миллий хавфсизлик хизмати ва ички ишлар органлари ва қўшинларида хизматни ўтаётган шунингдек муқобил хизматни ўтаётган фуқаролар;

- таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олаётган фуқаролар;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият олиб бораётган жамоат бирлашмалари ва диний муассасаларда ишлаётган фуқаролар¹.

Ҳозирги вақтда иш билан банд аҳолига барча ёлланиб ишлаётган ходимлар, ўқувчилар, харбий хизматчилар билан бир қаторда ўзини ўзи мустақил равишда иш билан таъминлайдиган фуқаролар ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган фуқаролар киритилган.

Шунингдек, фойда ёки оилавий даромад олиш учун иш билан банд бўлганлар тоифасига киради.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига мувофиқ қўйидаги сабабларга кўра вақтинчалик иш жойида бўлмаган

¹ Абдурахмонов Қ.Х. ва бошқалар. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. Т.: Ўқитувчи, 2004. 82-б.

фуқароларнинг иш жойи сақланиб қолади ва улар иш билан таъминланган деб ҳисобланадилар:

- давлат ва жамоат вазифаларини бажараётган вақтда;
- иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажарганда;
- жамият манфаатларига доир ҳаракатлар қилганда.

Ўзини иш билан мустақил таъминлайдиган фуқаролар тоифасига қўйидагилар киради:

- тадбиркорлар;
- фермерлар ва уларнинг ишлаб чиқаришда иштирок этаётган оила аъзолари;
- деҳқон хўжалигининг ишлаб чиқаришда қатнашаётган оила аъзолари;
- кооперативларнинг аъзолари;
- ёзувчилар, рассомлар ва бошқалар.

Иқтисодий жиҳатдан фаол бўлган аҳоли учун, шу жумладан ишсизлар учун иш билан таъминлаш мақомини белгилаб олиш муҳимдир. Одатда беш мақом бор.

1. Ёлланма ходимлар – булар корхона раҳбарияти билан меҳнат фаолияти шартлари тўғрисида тузилган ёзма контракт (шартнома) ёки оғзаки битим бўйича ишлайдиган шахслар бўлиб, улар ана шу фаолият учун ёлланиш вақтида келишиб олинган иш ҳақини оладилар.

2. Якка тартиб асосида ишлайдиганлар – мустақил равишда фаолият олиб борадиган, ўзларига даромад келтираётган иш билан шуғулланадиган, фақат қисқа муддатга ёлланма ходимлардан фойдаланадиган ёки фойдаланмайдиган шахслар.


3. Иш берувчилар – ўзининг ҳиссадорлик жамиятини, хўжалик ширкати ва ҳоказони бошқарадиган ёки бунинг учун давлат томонидан

вакил қилинган шахслар. Иш беручи ўз функцияларини ёлланма бошқарувчига тўлиқ ёки қисман топшириб қўйиш, корхонанинг муваффақиятли ишлаши учун жавобгарликни ўзида олиб қолиш мумкин.

4. Оилавий корхоналарнинг ҳақ тўланмайдиган ходимлари – қариндошга тегишли бўлган оилавий корхонада ҳақ олмасдан ишлайдиган ходимлардир.

5. Иш билан таъминлаш мақоми бўйича таснифлашга тўғри келмайдиган шахслар – илгари ўзларига даромад келтирадиган меҳнат фаолияти таъминланишнинг бирон – бир мақомига мос келмайдиган шахслар ҳам киритилади.

Президентимиз аҳоли бандлигини таъминлашнинг асосий йўналишларини белгилаб берди ва қуйдаги расм ва жадвал орқали бу ҳақда маълумотга эга буламиз.(3.3.1-расм)(3.3.1-жадвал)



«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонун 1992 йил 13 январда қабул қилинган бўлиб, унга 1998 йил 1 майда баъзи ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди. қонунда аҳолининг иш билан бандлигининг

асосий принципи ифодалаб берилган, бу тамойиллар иш билан бандлик муносабатларига бозор хусусиятидан келиб чиқади ва у бир неча тамойиллар билан ифодаланади. Биринчи тамойил фуқароларнинг умумий ва ижодий меҳнат қилишга бўлган ўз қобилиятларидан фойдаланишдан иборат фавқулодда ҳуқуқидир. Меҳнат қилишга мажбур этишга (қандай шаклда бўлмасин) йўл қўйилмайди. Фақат қонунда алоҳида белгиланган ҳоллар бундан мустаснодир¹.

Шундай қилиб, республикаимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида умуминсоний кадриятларни мустаҳкамлаш учун муайян қадам қўйилган бўлиб, бу кадриятлар орасида энг муҳими **меҳнатнинг ихтиёрийлигидир**. Эндиликда ижтимоий меҳнатда иштирок этиш керак эмаслигини танлашдан иборат устувор ҳуқуқ инсоннинг ўзига тегишлидир.

Миллий иқтисодиётда, аҳолини меҳнат билан таъминлаш эндиликда амалда ижтимоий фойдали фаолиятининг бирдан-бир соҳаси ҳисобланмайди. Меҳнатнинг умумийлиги ҳуқуқий бурч сифатида мустаҳкамланган вақтда у ана шундай эди. Меҳнат соҳаси ижтимоий фойдали иш билан бандликнинг ўқиш, уй-рўзғор ишлари, болаларни тарбиялаш ва ҳоказолар каби тенг ҳуқуқли ва ҳамма учун қулай соҳалардан бирига айланмоқда. Ихтиёрий иш билан бандликка барҳам бериш сабаби битта – у ҳам бўлса, тирикчилик воситаларининг ғайриқонуний манбаидир.

Ўзининг меҳнатга бўлган қобилиятидан фойдаланишдан иборат фавқулодда ҳуқуқ тамойили инсоннинг ўзига мақул бўлган жойда ўзи хоҳлаган вақт мобайнида ишлаш ҳуқуқини назарда тутди. Ҳар ким ўзи учун қулай вақт ва иш билан бандлик усулини мустақил танлаши мумкин. Жинси, ёши, миллати ва бошқа белгилардан қатъи назар, ҳаммага доимий, қисман, вақтинча, аҳён-аҳёнда бўладиган иш билан бандлик, ўриндошлик билан ишлаш иш вақтини ташкил этишишнинг мослашувчан графикларига хосдир. Касб танлашдаги ҳуқуқнинг чекланмаганлиги ва иқтисодиёт соҳаларидан

¹ Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти (дарслик). –Т.: “Mehnat”, 2009, 276-б.

бирида меҳнат қилиш ҳуқуқи ҳам муҳим ҳисобланади (бунга якка тартибда меҳнат қилиш ҳам кириши мумкин).

Фавқулодда танлаш ҳуқуқи ҳақида гапирилганда бу ҳуқуқни жамиятда ҳар кимнинг у ёки бу иш билан бандлик тури ёки касбга бўлган эҳтиёжини қондириш мажбурияти билан тенглаштириш тўғри бўлмайди. Жамият барчага ўз қобилиятларини рўёбга чиқариш учун тенг ҳуқуқий шарт – шароитлар яратиб бериши керак. Масалан, агар бирор киши тадбиркор бўлмоқчи экан, жамият унинг учун ҳуқуқий шарт – шароитлар бериши лозим, лекин бу киши тадбиркор бўлиш-бўлмаслиги унинг шахсий фазилатларига боғлиқдир.

Бундай иш билан бандликнинг иккинчи тамойили – фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқини рўёбга чиқариш учун давлатнинг шарт-шароитлар яратиб бериш кераклиги ойдин бўлади. Иш билан бандлик сиёсатига уни қаттиқ тартибга солишдан воз кечиш, ижтимоий соҳада меҳнат қилишнинг мажбурий эмаслиги, ижтимоий фойдали меҳнат қилишнинг ҳар қандай соҳасини танлаш эркинлиги ва ихтиёрийлиги орқали инсон манфаатлари ва эҳтиёжларини намоён бўлишига ёрдам бериш асос қилиб олинган.

Давлатнинг иш билан бандликка кўмаклашиш тамойили асосида меҳнат қилиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш учун шарт – шароитлар яратиб бериши ижтимоий ишлаб чиқаришнинг иқтисодий жиҳатдан эркин иштирокчилари иқтисодий хулқ-атвориға бевосита усуллар билан тузатиш киритишдан иборатдир. Бунда давлатнинг иш билан бандликка бевосита таъсир кўрсатиш чоралари рағбатлантирувчи тадбирларининг устуворлигига асосланади. Бу ўринда меҳнаткашларнинг тадбиркорлар ва ҳудудларнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларини ҳамда эркинликларини бузадиган воситалар бўлмаслиги керак. Иш билан бандликка таъсир кўрсатишнинг ўзини очиб бериш асосида уни (бандликни) исталган йўналишда шакллантириш жараёнини бевосита тўғри йўлга солиш ётади. Иш билан бандликка кўмаклашиш тамойили ижтимоий меҳнат муносабатлари субъектларининг тараққиёт йўналишларини ишлаб чиқишда ва уни тартибга

солишда фаол ва манфаатдорлик билан иштирок этишларидан ҳам иборатдир. Бу субъектлар ёлланма ходимлар, иш берувчилар бўлиб улар касаба уюшмаларига, ассоциациялар ва иттифоқларга бирлашганлар.

Бу кучларнинг иш билан бандликни ривожлантиришда яқиндан ўзаро ёрдам беришлари иш билан бандликнинг ҳолатига фаол таъсир кўрсатиб, унинг сифат жиҳатларининг ҳар томонлама яхшиланишига ёрдам беради. Бундай жиҳатларга иш билан банд аҳолининг маълумот ва касб-малака таркиби, унинг тармоқ ва демографик тузилиши, юқори ижтимоий иқтисодий ҳаракатчанлик, рақобатдошлик ва шу кабилар кириди.

Унумли (продуктив) иш билан бандлик даражаси – бу аҳолининг ижтимоий ишлаб чиқаришдаги бандлигидир.

Ижтимоий-фойдали иш билан бандлик – фақат ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлганлар эмас, балки ҳарбий хизматчилар, ўқувчилар (меҳнатга лаёқатли ёшдаги), уй хўжалигини юритиш, болалар ва касал қариндошларга қараш билан банд бўлган кишилар сони билан аниқланади.

Иш билан тўла бандлик – бу жамиятнинг шундай ҳолатидирки, унда ишлашни хоҳловчиларнинг ҳаммаси ҳақ тўланадиган ишга эга бўлади, цикли ишсизлик бўлмайди, аммо унинг фрикцион ва тузилмавий (структуралӣ) ишсизлик билан белгиланадиган табиий даражаси сақланади.

Иш билан самарали бандлик икки нуқтаи назардан: иқтисодий - инсон ресурсидан оқилонароқ фойдаланиш ва ижтимоий-меҳнат кишиси манфаатларига тўлароқ мувофиқ келиш нуқтаи назаридан ифодаланади. Шундай қилиб, агар иш билан тўла бандлик бандликни миқдорий томондан акс эттирса, иш билан самарали бандлик – сифат томонидан акс эттиради.

Меҳнат бозорида талаб билан таклиф ўртасидаги номувозанат доимо тўла ва самарали бандлик шартларидан четга чиқишни англатади. Агар таклиф талабдан ортиқ бўлса, бу ошкора ишсизликни, талаб таклифдан устун бўлса, яширин ишсизлик борлигини англатади.

Ўтиш иқтисодиёти шароитида иккиламчи иш билан бандлик ва ўзини-ўзи банд қилиш категорияларини ҳам англаш зарур бўлади.

Иккиламчи иш билан бандлик бу иш кунини айна ўша, яқин ёки янги иш жойларида (бошқа корхонада, яқка меҳнат фаолияти шаклида ва бошқалар) нормал давомийлик чегарасидан узайтиришни англатади.

Ўзини ўзи иш билан банд қилиш даромад манбаи бўладиган фаолиятни мустақил излаш, турли даражадаги давлат қўллаб-қувватлаши ёрдамида доимий ёки вақтинча даромад олиш учун янги иш жойларини ташкил этишни англатади. Ўзини ўзи иш билан банд қилиш кўп ҳолларда кичик бизнес сифатида намоён бўлади.

Иш билан бандлик даражаси – белгиланган вақтга ишга эга бўлган ишчи кучи сонининг фоизидир. Иқтисодиётнинг сифат жиҳатидан олдингисидан фарқ қилувчи ҳар бир ривожланиш босқичи учун иш билан таъминлашнинг муайян модели (концепцияси) мос келади, чунки унинг асосий хусусиятлари жамият фаолиятининг муҳим жараёнларини очиб беради.

Меҳнат вақт хусусиятига эга, у бўлинади ва дам олиш билан алмашилиб туради. Меҳнат – ишчи кучини ишлаб чиқишда ишлатиш жарёнидир. Иш билан бандлик инсоннинг меҳнат қилиш муносабати билан ва меҳнат соҳасидаги эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ ҳолда кечадиган ижтимоий ривожланишнинг муҳим томонларидан биридир. Меҳнатдан фарқли улароқ, иш билан бандликни одамларнинг аниқ иш жойидаги амалий фаолиятига тенглаштириб бўлмайди. Иш билан бандлик меҳнатга лаёқатли одамларнинг иш билан қандай таъминланганлигини кўрсатади. Бошқача қилиб айтганда, одамни иш билан банд ҳисоблаш учун у бирон-бир жамоанинг аъзоси бўлиши ёки ўз ишини яратиши керак.

1.2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий мазмуни.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг хусусий ҳолати сифатида ўзига хос аниқ чекланишлар, тавсифномаси ва кўплаб таърифларга эгадир.

Кичик тадбиркорлик сектори турли мамлакатлар иқтисодиётида ниҳоятда муҳим вазифани бажармоқда. Биринчидан, ушбу сектор бозор шароитида зарур тезкорликни таъминлайди, ишлаб чиқаришдаги чуқур ихтисослашув ва тармоқлашган кооперацияни яратади, буларсиз, юксак самарадорликни тасаввур қилиб бўлмайди. Иккинчидан, у истеъмолчилик соҳасида вужудга келадиган «туйнукни» тезда тўлдиришга қодир бўлибгина қолмай, энг замонавий машина - ускуналар ва технологиядан фойдаланиб, сарфланган сармоянинг ўрнини жуда тез қоплай олади. Учинчидан, майда бизнес бозор учун зарур бўлган рақобатчилик муҳитини, тез пайдо бўлиб, йўқолиб кетадиган турли хил шаклларни яратиб беради, у бир зумда ўзгариб турадиган бозор талабига жавоб беришга тайёр бўлиш қобилиятига эга. Тўртинчидан, афтидан бу энг муҳими бўлса керак, - у шундай тадбиркорлик муҳити ва руҳини яратадики, энг аввало ишлаб чиқарувчиларнинг шахсий манфаатдорлиги ва ташаббуси асосига кўрилган бирорта ҳам бозор иқтисодиёти буларсиз кун кўра олмайди.

Иқтисодиёт фанида эса тадбиркорлик фаолиятига доир дастлабки тадқиқотлар XVIII асрда **Р. Контильон, А. Тюрго, Ф. Кене, А. Смит ва Ж.Б. Сеи** асарларида амалга оширила бошланди. Бирок ҳозирга қадар жамоатчилик фикрида “тадбиркорлик” тушунчасининг куп маънолилиги сақланиб қолмоқда. Илмий адабиётда ушбу тушунча хақида купинча бу ғавқулодда ходисанинг иқтисодий, ташкилий ва рухий тавсифлари (турли-туман қарашлар) туплашидан иборат ҳар хил тасаввурлар мавжуд.

Хорижий адабиётларда бизнес таърифини куп турлари мавжуддир. Инсон ҷамиятининг бутун ривожланиш тарихи у ёки бу жихатдан доимо бизнес билан боғлиқ бўлган.

Дастлабки боскичларда тадбиркорликнинг энг мухим аломати бирон бир шахс-тадбиркор фаолиятининг фойдали ёки зарарлигини белгиловчи ноаниклик омили хисобланган. Тадбиркорликнинг ижтимоий - иктисодий вазифаси турли бозорларда талаб билан таклиф орасида мувозанат урнатишга доир таккомиллик фаолиятидан иборат деб тан олинган.

Кейинчалик “сармоя эгаси” ва “Тадбиркор” тушунчалари бир-биридан фарклана бошланди. Тадбиркор сармоянинг муомалада юритишни, купайиб боришини таъминлайди ва бу борада у венчур сармоядор, яъни жалб килинган молиявий маблагларни усталик билан тасарруф этувчи шахс сифатида ишни юритиб юборишга уз гоёлари, билими ва куникмаларини татбиқ килиб, куп фойда олиш максадида уша маблагларни таваккали ишларга сарфлайди.

Ўзбекистонда ва МДХда бизнес хақидаги мақолалар, адабиётлар 60-йилларнинг урталарида пайдо булди. Хусусий мулкчилик эса уша даврда бизнинг мафкурамиз учун бутунлай ёд нарса эди. Лекин бизда бизнесни фан тариқасида урганиш факатгина 90-йилларнинг бошларида бозор муносабатларига аста-секин утиш билан бошланади.

“Бизнес” - сузи инглизча суз булиб, у тадбиркорлик фаолияти еки бошқача суз билан айтганда кишиларни фойда олишга каратилган тадбиркорлик фаолиятидир.

Хорижий адабиётларда бизнес таърифини куп турлари мавжуддир. Инсон жамиятининг бутун ривожланиш тарихи у ёки бу жихатдан доимо бизнес билан боглик булган.

Бизнесмен (тадбиркорлик) сузи биринчи маротаба Англия иктисодиетида XVIIIасрда пайдо булиб, у “Мулк эгаси” деган маънони билдиради. Жумладан, Адам Смит тадбиркорни мулк эгаси сифатида таърифлаб, уни фойда олиш учун кандайдир тижорат гоёсини амалга ошириш максадида иктисодий таваккалчиликка борадиган кишидир, - деб таъкидлайди. Тадбиркорни узи, уз ишини режалаштиради, ишлаб чиқаришни

ташкил этади, махсулотни сотади ва олган даромадига узи хужайинлик килади.

Бизнес- бу аввало ишлаб чиқаришни ташкил этиш, иқтисодий фаолият ва муносабатлар, ҳаётни узи сунгра эса пул ишлаш демакдир. Бизнес- бу хорижий суздир. У бутун дунё бўйича тарқалгандир, ундан барча мамлакатларда фойдаланидилар. Ўзбек тилида эса бизнес сузи тадбиркорлик, бизнесмен эса тадбиркор демакдир. Ўзбекча суз хорижий сузга тугри келади, лекин унга қушимча маъно ҳам беради. Бу сузларни ортида “иш” яъни иш билан шугулланиш еки корхона ташкил қилиш этади. Шундай қилиб, бизнес - бу корхона ташкил қилиш демакдир (саноат корхонаси, савдо дукони, хизмат курсатиш корхонаси, аудиторлик контораси, адвокат идораси, банк ва х.к.). Демак, биз бу йук нарсадан пул қилиш эмас, балки мураккаб ишлаб чиқаришни еки хизмат курсатишни ташкил этиш демакдир. Тадбиркорлик - бу доимо уз ишининг фидоийси, билимдонидир. Тадбиркорлик учун уқиш керак, нафакат дастлабки пайтларда, балки тадбиркор бир умир уқиши, изланишда бўлиши керак.

Тадбиркор нималарни билиши ва қилиши керак? У энг аввало, тадбиркорлик фаолиятини қандай амалга оширишни, қандай шароитда амалий ҳаракат қилишни, тадбиркор олдида учрайдиган тусикларни ҳал қилиш йулларини ва қандай ютуқларга эришишни билиши керак. Тадбиркор - ишлаб чиқаришни ташкил этишни, ҳамда махсулотни сотишни билиши керак. У бозор муносабатлари шароитида юзага келадиган аниқ шароитларни баҳолашни ва тугри йул танлашни билиши керак. Ҳеч ким, ҳеч қачон тадбиркорга нима қилишни ургатмай ва огир пайтларда ёрдамга келмайди. Ҳар бир тадбиркор фақат уз қучига, билимига ва заковатига ишониши ва суяниши лозим.

Тадбиркорлик фаолиятини акциядорлик мулки шаклида ҳам, жамоа мулки шаклида ҳам, хусусий (якка) мулк шаклида ҳам амалга ошириш мумкин. Бирок акциядорлик мулки шакли ва жамоа мулки шакли доирасида уни ташаббус курсатиш, қарорлар қабул қилиш ва уз фаолияти учун

жавобгарлик масалаларида ходимлар ва менежерларга хусусий мулк эгаси имкониятлари канчалик даражада берилишига боғлиқ равишда амалга ошириш мумкин. Аммо ҳаёт бу жамиятларни кичиклаштиришни тақозо қилади, шу мақсадда унга қирувчи айрим таркибий биргаликларга катта мустақиллик берилди. Натижада Ўзбекистонда, Ўзбекистон Республикаси, Ўзбекистон Бирлашув каби тармоқлар бўйича 13 мингга яқин хусусий корхоналар ташкил этилди.

1995-1999 йилларда кичик ва хусусий корхоналар ташкил қилишга энг катта аҳамият берилди. Ижтимоий йуналтирилган бозор иқтисодиетига утиш даврига Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаб утганидек, “...кишлоқ жойларида ихчам ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этиш, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш ҳисобига аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш сиёсатини фаол амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда бу сиёсатни амалга оширишда асосан тадбиркорликни ривожлантиришни такозо этади.

Шундай қилиб, кичик ва хусусий тадбиркорлик ва у билан боғлиқ бўлган барча нарсалар замонавий ижтимоий ишлаб чиқариш ташкилий тузилмасининг муҳим ва таркибий унсурини ташкил этади. Бунини ривожланган капиталистик мамлакатларда аллақачон тушуниб етишган. Шунинг учун ҳам иқтисодиётда кичик бизнесга муҳим ўрин ажратилиб, давлат томонидан жиддий мадад кўрсатилмоқда. Кичик ва хусусий тадбиркорлик илмий - техника тараққиётини жадаллаштириш, саноатнинг илғор тармоқларида янги технологияларга ўтиш шароитида ўз ўрнини топди. Бундай тадбиркорлик янги ахборот технологиялари билан, янги ғоялар ва ишлаб чиқаришни модернизациялаш билан ишлашни таъминловчи бутун тизимнинг узвий унсурини ташкил этади. Кичик корхоналар таваккалчилик ошган шароитда ишлаб чиқаришнинг мақбул шакли ҳамдир.

Ривожланган бозор иқтисодиётига эга бўлган қатор мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда ҳам бозорга ўтиш босқичининг ўзидаёқ тадбиркорликни давлат томонидан ҳимоя қилиш ва

кўллаб-қувватлаш тизимини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Унинг асосий мақсади ҳам давлат давлат ҳамда маҳаллий бошқарув даражаларида зарур ҳуқуқий ҳўжалик, ташкилий, моддий, молиявий ва ижтимоий, психологик шарт-шароитлар ва механизмларни барпо этишдан иборат бўлиши лозим ва буларнинг барчаси эса аҳоли бандлигини таъминлаш, фаровонлигини юксалтириш ва даромадларини оширишга қаратилгандир. Шундай экан, юқоридаги факторларни ўз ичига олувчи Ўзбекистондаги кичик бизнес ва тадбиркорлик муҳитини ўрганиш ва унинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш ушбу соҳани янада чуқурроқ ўрганиш имкониятини яратади.

Бугунги кунда кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишда асосий қонуний ҳужжат - 2009 йил 25 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни хизмат қилади. Ушбу Қонуннинг асосий вазифаси фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши ва манфаатдорлиги учун кафолатлар ҳамда шароитлар яратишдан, уларнинг ишчанлик фаоллигини оширишдан, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

Ушбу Қонуннинг 3-моддасига кўра, “Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) - тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган таваккал қилиб ва ўз мулккий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият” деб кўрсатилган. Демак, ушбу таърифга асосан, тадбиркорликда 4та асосий тушунча муҳим ўрин эгаллайди, яъни - таваккалчилик, мулккий жавобгарлик, даромад олиш ва қонунда ман этилмаган ташаббускор фаолиятдир.

Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик субъектлари деб, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахсларга айтилади. Кичик тадбиркорлик

субъектларига эса, якка тартибдаги тадбиркорлар, микрофирмалар, кичик корхоналар киради.

Якка тартибдаги тадбиркорлик - юридик шахс ташкил этмагани ҳолда жисмоний шахс томонидан тадбиркорлик фаолиятининг амалга оширилиши назарда тутилади. Якка тартибдаги тадбиркорлик якка тартибдаги тадбиркор томонидан ходимларни ёллаш, ҳуқуқсиз, мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида мустақил равишда амалга оширилади. Якка тартибдаги тадбиркорликни амалга ошириш учун эр-хотиндан бири эр-хотиннинг биргаликдаги мол-мулкидан фойдаланадиган ҳолларда, агар қонунларда, никоҳ шартномаси ёки эр-хотин ўртасидаги ўзга келишувда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, эр (хотин)нинг розилиги талаб қилинади.

Микрофирмаларга:

- ишлаб чиқариш тармоқларида банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан йигирма киши;
- хизмат кўрсатиш соҳасида ва бошқа ноишлаб чиқариш тармоқларида, банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан ўн киши;
- улгуржи ва чакана савдо ҳамда умумий овқатланиш тармоқларида, банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан беш киши бўлган корхоналар киради.

Кичик корхоналарга эса:

- енгил ва озиқ-овқат саноатидаги, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочсозлик, мебель саноати ҳамда қурилиш материаллари саноатида, банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан юз киши;
- машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва қайта ишлаш, қурилиш ҳамда бошқа саноат, ишлаб чиқариш соҳаларида, банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан эллик киши;

— фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳалари (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларида, банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан йигирма беш киши бўлган корхоналар киради.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантириш мақсадида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар ушбу секторнинг миллий иқтисодиётдаги ўрнини янада мустаҳкамлаш ҳамда самарадорлигини оширишга йўналтирилмоқда. Ушбу ислохотлар қуйидаги чора-тадбирларни ўз ичига олади:

— тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш тизимини осонлаштириш ва рўйхатга олиш муддати ҳамда харажатларини камайтириш;

—тадбиркорлик субъектларининг маълум бир фаолият билан шуғулланишлари учун бериладиган рухсатнома ва лицензиялар олиш тизимини такомиллаштириш;

— кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш, яъни солиқ юкини камайтириш ва солиқ тўлашнинг соддалаштирилган тизимини жорий қилиш;

— кичик бизнес субъектларини текшириш борасида олиб борилаётган ислохотлар;


— молиявий институтлар в акичик бизнес субъектларининг ўзаро муносабатлари;

— кичик бизнес субъектларинингташқииктисодийоперацияларида (экспорт ва импорт) фаолиштирокэтишинитаъминлаш;

— кичиккорхоналардакадрларсиёсатинитакомиллаштириш;

Тадбиркорлик бошида маълум бир соҳа фаолият кўрсатиш имконини белгилаш учун керак бўлса, сўнгра бундай ресурсларнинг янги муносабатлари тадбиркор учун ўта зарур бўлиб қолади. Кўриниб турибдики,

реал ҳолатда тадбиркорликнинг объектида ресурслар комбинацияси амалга оширилади ва биз унинг қуйидаги турлари қуриб чиқамиз (1.2.1- расм).



1.2.2-расм. Тадбиркорлик турлари

Тадбиркорлик фаолияти қуйидаги функцияларни бажаради (1.2-расм).

Тадбиркорлик турли шаклларда амалга оширилади ва бизнинг фикримизча уларни қуйидагича таснифлаш мумкин (1.3-расм).



1.2.3-расм. Тадбиркорлик функциялари

Хусусий тадбиркорларнинг самарали фаолият юритишлари учун эса етарли ҳуқуқий, иқтисодий шароитни вужудга келтириш мақсадида 2009 йил 11 декабрда Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди ва у қуйидаги йўналишларда белгиланди.



Ушбу йўналишлар оркали тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш механизмини осонлаштириш мақсадида «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 20 августда Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган. Унга кўра, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда розилик берувчи ташкилотлар сони кескин қисқартирилди. Уларни давлат рўйхатидан ўтказадиган ташкилот, яъни туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузурида Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари ташкил этилди. Республика бўйича ташкил этилган 210 та инспекция 2003 йил 1 октябрдан ўз фаолиятини бошлади. Улар тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш билан бир вақтда уларни солиқ ва статистика органлари ҳисобига қўйишади,

штамп ва муҳр тайёрлашга рухсат беради, инженерлик коммуникациялари, яъни газ, энергия, сув, иссиқлик таъминоти, канализация, телефон алоқасига қўшилишга ҳамда уй-жойни корхона учун объектга айлантиришга, тадбиркорлик объектларини қуриш ва реконструкция қилишга рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштиради.

Бизнесни бошлашга имкон яратувчи, рўйхатга олиш, ундан кейинги жараёнларни янада соддалаштириш ва енгиллаштиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 24 майда қабул қилган “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш бўйича хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида”ги Қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ушбу қарорга кўра, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг соддалаштирилган регламенти, аниқ муддат ва дақиқа (соат)лари кўрсатилган схемаси амалга оширилмоқда. Рўйхатдан ўтиш муддати 7 иш кунидан 2 иш кунига қисқартирилди.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва уни амалга ошириш аҳамиятли ҳисобланади. Дарҳақиқат, тадбиркор ўз маблағларини хизмат кўрсатиш соҳаси (ишлаб чиқариш)га киритар экан, даромадларини ошириш билан бирга жамиятнинг бошқа аъзолари ҳам иш ҳамда даромад билан таъминланишига моддий негиз яратади эндиликда тадбиркорлик субъектлари рўйхатдан ўтганидан кейинги фаолиятини тартибга солишга доир ҳуқуқий асосни такомиллаштириш, Ўзстандарт, Ўзгеодезкадастр ва шу каби тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан муносабатларни тартибга солиш, бажарилган ишлар учун тўловлар миқдорини камайтириш ҳамда қатъий шкаласини белгилаш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, тадбиркорлик субъект-ларини қўллаб-қувватловчи Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Фермер хўжаликлари уюшмаси, айниқса, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика

мувофиқлаштирувчи кенгаши ва унинг жойлардаги бўлинмалари тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлашлари, уларнинг мониторингини юритишлари ҳамда юзага келган муаммоларнинг сабабларини аниқлаб, уларни ҳал қилиш учун тегишли ҳуқуқий, меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиб, ҳукуматга ёки Ишбилармон тадбиркорлар ҳаракати - Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг Олий Мажлисидаги фракциясига тақдим этишлари мақсадга мувофиқдир.

Фикримизча, эркин тадбиркорлик учун қулай шароит яратиш мақсадида тадбиркорлик корхоналари раҳбарларининг ҳуқуқшунос маслаҳатчилари, адвокатлари ҳам бўлишини таъминлаш, уларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга ўргатадиган, ҳуқуқий билим ҳамда малакаларини оширишлари учун ўқув марказлари ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Фермер хўжаликлари уюшмаси, «Тадбиркор аёл» уюшмасининг жойлардаги бўлинмаларида адвокатлар штатини ташкил этиш ҳамда уларга аъзо тадбиркорларга имтиёзли нархларда хизмат кўрсатишларини таъминлаш лозим.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига банк хизматини такомиллаштириш учун қуйидагиларни амалга ошириши мақсадга мувофиқдир:

— тадбиркорлик субъектларининг ҳисоб рақамидан турли тўловлар учун рухсатсиз пулни чигириб олишни қатъиян ман этиш. Ҳар қандай тўловлар учун пул ўтказиш фақат унинг эгасининг рухсати ёки суд қарори билан амалга оширилиши керак;

— тадбиркорларга улар банкда очган ҳамма ҳисоб рақамидан қонунда ман қилинмаган исталган турдаги тўловлар учун фойдаланишга рухсат бериш;

— тадбиркорлик субъектлари ўз маблағидан хўжалик фаолиятида нақд пул ёки пул ўтказиш кўринишида тенг фойдаланишга имкон берувчи тартиб ўрнатилиши лозим. Нақд пулсиз операциялар ўтказишнинг афзаллигини таъминловчи тизим ва тартиб шакллантирилиши мақсадга мувофиқдир;

— тижорат банклари ўз мижозлари ҳақида солиққа тортиш идораларига маълумот етказишдан озод қилинишлари лозим. Тўланмаган солиқ ва бирор иш юзасидан текширув олиб борилаётган ишлар бундан мустасно бўлиши керак;

— микрокредитлаш устувор равишда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун берилиши керак. Ана шунда улар ёрдам олувчилардан ўзини ўзи боқувчи ва солиқ тўловчига айланади.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi шароитида хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини аҳоли бандлигини таъминлаш ва ҳаёт даражасини оширишнинг энг муҳим омили сифатида янада жадал ривожлантириш — устувор вазифа қилиб белгиланган. Бу борада Президент И.А.Каримов “Бизнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатимизда кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қандай катта аҳамият берилаётганини яна бир бор такрорлашнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман. Фақат эътиборингизни шунга қаратмоқчиманки, кичик бизнеснинг ихчам ва ҳаракатчанлиги, бозор конъюнктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослаша олиши уни жаҳон иқтисодий инқироzi даврида янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадини ошириш борасида энг қулай ва мақбул воситага айлантиради”.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги иқтисодий фаолият жараёнлари ва унинг натижаларини акс эттирувчи кўрсаткичларда кичик бизнес улушининг юқори бўлишига ҳам боғлиқ эканлиги шубҳасиздир. Кам харажат ҳисобига янги иш ўринлари яратиш имконияти, йирик бизнес кириб бора олмайдиган бозор сегментларини эгаллай олиш қобилияти, айниқса, хизмат кўрсатиш соҳасида ва унча катта бўлмаган маҳаллий ресурс базаларини ўзлаштиришда жуда қулай ташкилий шакл эканлиги кичик бизнесни ривожлантиришнинг аҳамияти беқиёслигини кўрсатади.

1.3. Аҳоли бандлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг урни.

Ўзбекистонда изчиллик билан амалга оширилаётган кенг қамровли иқтисодий ислохотларнинг бош мақсади кучли, рақобатбардош миллий иқтисодиётни шакллантириш ва шунинг ҳисобига аҳоли турмуш фаровонлигини доимий, бир маромда юксалтириб боришга эришишдан иборат. Бундай улкан вазифани бажаришда замонавий бозор механизмларига таянадиган, кенг иқтисодий эркинлик ва реал имкониятларга эга бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларнинг самарадорлигини ошириш муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистонинг келажаги, унинг жаҳон иқтисодий интеграцияси ва халқаро меҳнат тақсимоотида тутган ўрни, мамлакатда ишлаб чиқарилган таварлар ва хизматларнинг дунё бозоридаги рақобатбардошлиги, аҳолининг турмуш фаровонлиги кўп жиҳатдан кичик ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг ҳолати ҳамда ривожланиш даражаси билан узвий боғлиқ.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлат ва жамият ривожининг етакчи омили, асосий таянчига айланади. Ушбу соҳанинг бевосита таъсири остида ЯИМ ҳажми, аҳолининг турмуш даражаси ва сифати, унинг иш ҳақи ва даромадлари ва бошқа энг муҳим макроиқтисодий кўрсаткичлар шаклланади ва ривожланади. У ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришда, аҳолини иш билан таъминлашда ҳамда жамиятнинг ижтимоий - сиёсий таянчи ва пойдевори бўлган ўрта синфни шакллантиришда асосий рол ўйнайди. Шунингдек, бу соҳа ҳозирда жамият ижтимоий ва сиёсий барқарорлигининг кафолати ва таянчига, мамлакатни тараққиёт йўлида фаол ҳаракатлантирувчи кучга айланиб бормоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланганлик даражаси мамлакат ижтимоий-иқтисодий юксалишининг бош мезонига айланиб бормоқда.

Мазкур соҳанинг иқтисодиётдаги аҳамияти унинг ички бозорда рақобат муҳитини кучайтириш, йирик корхоналар учун маҳсулот ва хизматлар

етказиб бериш, янги иш ўринларини яратиш ва иккиламчи бандликни таъминлаш, бозор тизимининг мослашувчанлигини ошириш, илмий - техникавий тараққиётни жадаллаштириш, ресурсларни ишлаб чиқаришга сафарбар этиш, солиқ тушумлари ҳажмининг ўсишини таъминлаш, аҳоли даромадлари даражасини барқарорлаштириш каби муҳим йўналишлар билан белгиланади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бозор муносабатлари шароитида юзага келадиган кескин рақобат курашини ҳамда бозор конъюктурасининг тез - тез ўзгариб туриши натижасида юзага келадиган зиддиятлар ва қийинчиликларни нисбатан кам талофотлар билан ҳал этади, бозор мувозанатини сақлашда муҳим рол ўйнайди, баҳолар механизмининг самарали амал қилишини таъминлайди.

Тадбиркорлик хусусида ривожланган мамлакатлар илғор тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, олдинги даврларда бу мамлакатларда кўпроқ эътибор йирик бизнесга қаратилганлигини ва айнан шу сектор миллий иқтисодиётда ҳал қилувчи рол ўйнаганлигини кўришимиз мумкин. XX асрнинг 30 йилларида, аниқроғи, буюк депрессиядан кейинги йилларда Ғарбий Европа мамлакатлари, АҚШ, Японияда йирик корхоналарга, йирик ишлаб чиқаришга эътибор кучайиб кетди.

XX асрнинг охири чорагидан бошлаб дунё малакатларида кичик ва ўрта корхоналарнинг миллий иқтисодиётдаги мавқеини мустаҳкамлашга қаратилган ҳаракатлар бошланиб кетди. Бизнинг фикримизча, глобаллашув ва халқаро интеграция жараёнлари кучайиб бориши шароитида кичик ва ўрта бизнес субъектларининг миллий иқтисодиётдаги мавқеининг тобора мустаҳкамланиб бориши бир неча омиллар билан изоҳланади. Биринчи навбатда, жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида истеъмолчилар маҳсулот, хизмат сифати кўрсаткичларини қадрлайдилар. Бундай шароитда қатъий ишлаб чиқариш таркибига эга бўлган йирик корхоналарга қараганда бозор муҳитига ҳамда унинг инжиқликларига тез мослашувчан кичик ва ўрта корхоналар истеъмолчилар эҳтиёж ва талабларга мос товарлар ва хизматларни нисбатан қисқа муддатда, оператив тарзда ишлаб чиқарадилар.

Бундан ташқари, фан - техника тараққиётининг ҳозирги босқичи ишлаб чиқаришнинг ихтисослашувини кенгайтириш, корхона ишлаб чиқариш ҳажмини бозордаги вазиятга мувофиқ оқилона, тез ва кўп йўқотишларсиз камайтириш ёки кўпайтиришга, турли хилдаги товарлар ва хизматларни таклиф этиб, танлов учун қулай шароитлар яратиб бериш билан бирга, кичик корхоналарни ишлаб чиқаришнинг унча йирик бўлмаган ҳажмига мувофиқ келувчи замонавий техника билан таъминлашга имкон яратди. Ҳозирги замонда истеъмолчиларнинг дунёқараши ҳам, товарлар ва (хизматлар)нинг сифат кўрсаткичларига кескин ўзгарди. Бугунги кунда истеъмолчи бир қолипда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сотиб олишни ёқтирмайди, яъни талабнинг табақалашуви ва истеъмолнинг индивидуаллашуви кучайиб бораёпти. Ҳозирги шароитда кичик ва ўрта бизнес бутун иқтисодиёт ривожланишининг муҳим омилига айланди. Ушбу секторнинг миллий иқтисодиётда тутган юқори мавқеи замонавий, барқарор ривожланиб боровчи иқтисодиётнинг ўзига хос муҳим хусусияти, самарали ижтимоий-иқтисодий тизим шаклланганлигининг муҳим белгиси.

Кичик тадбиркорликнинг афзалликлари хусусида мамлакат Президенти И.А.Каримов бундан анча йил муқаддам шундай фикр билдирган: “Кичик ва ўрта бизнес йирик ишлаб чиқарувчиларга нисбатан капитал маблағ сарфини кам талаб қилиш, ихчамлиги, зарур тамойилларга тез мослаша олиши туфайли ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулотлар турларини тез ўзгартира олиш, ишлаб чиқариш қувватларини жадал модернизация қилиш имкониятига эга. Шу тариқа кичик бизнес бозор конъюктурасининг ўзгарувчан талабларига ҳамда вақти - вақти билан бўлиб турадиган иқтисодий инқирозларга тез мослаша олади”³.

Кичик ва ўрта бизнеснинг иқтисодиётдаги роли ва тутган ўрнига баҳо беришда, энг аввало, иқтисодий тараққиёт учун муҳим аҳамиятга эга бўлган миқдорий кўрсаткичларга асосий эътиборни қаратмоқ керак. Бундай кўрсаткичлар жумласига кичик ва ўрта бизнеснинг ялпи ички маҳсулот,

³ Каримов И.А. “Ўзимиз, фарзандларимиз учун...” // Халқ сўзи ., 2013 йил 17 сентябрь

жами иш билан банд бўлганлар, капитал қўйилмалар, экспорт ва бошқалардаги улушини киритиш мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида кичик ва ўрта бизнес жамиятда сиёсий ва иқтисодий барқарорликни таъминловчи ўрта синфнинг шакллантиришда ҳам муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистонда ҳам кичик ва хусусий бизнеснинг ривожланиши макроиқтисодий барқарорликка эришишда ва ижтимоий тараққиёт муаммоларини ҳал этишда муҳим ўрин тутади. Бу борада кичик ва ўрта бизнеснинг аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган истеъмол товарларини қўпайтириш ва четдан мол келтиришни камайтириш, йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этиш ва мамлакатимиз миллий иқтисодиётини барқарор ўстиришнинг асосий йўналишларидан бирига айланди.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик йирик бизнесга нисбатан асосий қатор устунликларга эга. Улар қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, фан-техника тараққиётининг ривожланиши билан янги маҳсулот ва хизматлар бозорларда пайдо бўлади. Бундай маҳсулот ва хизматлар аввалига бозорда катта бўлмайди. Бунинг оқибатида оммавий ишлаб чиқаришнинг пасайиши ва кичик ҳажмли, ҳаттоки донабай ишлаб чиқаришнинг қўпайиш тенденциялари кучаяди. Бундай шароитда корхоналар ишлаб чиқариш оқилона ҳажмининг пасайиши бошланади. Бу эса истеъмол бозоридаги талаб ва таклиф даражаси ўртасидаги фарқни камайтириб, мувозанатни барқарорларштиришга олиб келади. Бироқ йирик корхоналарнинг яккахукмронлиги ва бозор талабининг ўзгариб туриши шароитида бу вазифани бажариш анча мушкуллашади. Шу паллада миллий иқтисодиётни ҳаракатлантирувчи ва мослашувчанлигини оширувчи бўғини-бу кичик корхоналар сонини қўпайтириш ҳамда тадбиркорлик фаолияти ва ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтиришдир.

Иккинчидан, кичик бизнес корхоналари ташкилий тузилишининг соддалиги. Қарор қабул қилиш ва уларнинг ижрочиларига етказиш йирик бизнес корхоналарда жуда кўп вақтни талаб этади. Бу асосан, корхонанинг

янги махсулот турини ишлаб чиқаришни жорий қилишида муҳим аҳамиятга эга, яъни кичик корхоналар ички ва ташқи бозор конъюктурасига мослашувчанлиги, жаҳон истеъмол талабларига мос махсулотлар таклиф қилиш имкониятларига эгаллиги.

Учинчидан, кичик ва хусусий тадбиркорлик молиявий маблағлар танқислиги шароитида сарфланган инвестицияларни тезда қоплаш нуқтаи назаридан ҳам аҳамиятлидир. Шунингдек, техникавий янгиликларнинг кашф этилиши ва амалга тадбиқ этиш жараёнининг тезлиги.

Тўртинчидан, республикамизда бандликни ошириш, янги иш ўринларини яратиш ва қўшимча иш ҳақи олиш имконини яратиш орқали жамиятдаги ижтимоий мувозанатни сақлаш аҳамияти жихатидан кичик тадбиркорлик ва хусусий бизнес катта устунликларга эгаллиги.

Шу мавзуга бағишланган адабиётларда кичик тадбиркорликнинг миллий иқтисодиётда юқорида қайд этилмаган бошқа айрим аҳамияти ва устунликлари (бошқарувнинг оддийлиги, маҳаллий хомашё ва ишлаб чиқариш чиқиндиларидан унумли фойдаланиш, экологик муҳитга катта зиён етказмаслиги) хусусида ҳам анча фойдали фикр мулоҳазалар мавжуд бўлиб, улар ушбу секторни жадал ривожлантириш ғоясининг асосида ётади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка хос катта афзалликлари билан бир қаторда, унинг муайян камчилик ва нуқсонлари ҳам мавжудлигини эътироф этиш лозим. Булар қаторига кичик ва ўрта бизнес субъектлари молиявий имкониятларининг заифлиги, хўжалик фаолиятида хавф-хатарнинг ҳамда таваккалчилик даражасининг юқорилиги ва бунинг натижасида фаолият давомийлигининг ноаниқлиги, субъект эгаларида худбинлик (эгоизм) хиссиётининг кучлилиги амалдаги ҳуқуқий-меъёрий нормаларнинг тез-тез бузилиб туриши ва хоказолар.

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритишнинг муҳим шаклларида бири бўлган кичик ва хусусий тадбиркорликка хос камчилик ва нуқсонларнинг кўпчилиги давлатнинг тартибга солиш фаолияти ёрдамида бартараф этилади. Масалан, танг аҳволдаги субъектларга турли хил молиявий имтиёзлар ва қўллаб-

кувватлаш чораларини қўллаш йўли билан уларнинг молиявий заифлиги муаммолари муайян даражада бартараф этилади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси ҳам айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик миллий иқтисодиётнинг муваффақиятли ривожланишига (яъни ички маҳсулот ишлаб чиқариш, иш жойлари яратиш, меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш, бандлик даражасини ошириш, уларнинг реал даромадларини кўпайтириш ва турмуш фаровонлигини яхшилашда микромолиялаш, бошқа бир қатор ижтимоий ва иқтисодий масалаларни ҳал қилиш) бевосита таъсир кўрсатаётганлигини исботламоқда. Хўжалик юритишнинг ушбу шакли аҳолини қашшоқликдан халос этиш, меҳнатга лаёқатли, уддабурон аҳоли қатламини ишга жалб қилиш орқали ўз ғоя ва фикрларини руёбга чиқариш билан даромад олиш манбаларини кенгайтириш замирида аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилашнинг омилкор воситасига айланган. Юқоридаги фикрларимизнинг далили сифатида ривожланган мамлакатлар айрим статистик маълумотларини келтириш мақсадга мувофиқ. Европа Иттифоқидаги мамлакатларда кичик ва ўрта бизнеснинг яъни ички маҳсулотдаги улуши (ЯИМ) 50-60 фоизни, умумий бандликда 54-78 фоизни ва жами корхоналар сони таркибида 97-99 фоизни ташкил қилади⁴. Демак, ушбу мамлакатларда кичик ва ўрта бизнес иқтисодиётда етакчи ўрин тутди, унинг асосини ташкил этади, жамиятнинг ижтимоий иқтисодий фаол субъекти, хўжалик юритишнинг самарали шакли сифатида намоён бўлади.

Мустақиллик йилларида, айниқса кейинги йилларда, Ўзбекистонда кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш муаммоларига жиддий эътибор қаратилиб, бу соҳада мавжуд имкониятлар изчиллик билан руёбга чиқарилмоқда. Ушбу соҳани ҳар томонлама ва комплекс ривожлантириш, унинг яъни ички маҳсулотдаги салмоғини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш учун янги иш жойларини яратишни таъминлашга Ўзбекистон Президенти катта эътибор

⁴Лапуста М.Г. Малое предпринимательство: Учебник.-М.:ИНФРА-М, 2008.-С.567.

бермоқда. Президент белгилаб берган маррага мувофиқ, мамлакатда яратилиши лозим бўлган янги иш ўринларининг аксарият қисми айнан шу соҳага тўғри келиши лозим: «...Аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида 950 мингдан ортиқ иш ўринлари, улардан 600 мингдан ортигини кичик ва хусусий тадбиркорлик соҳасида очиш мўлжалланмоқда»⁵. Демак, йил давомида яратилган жами янги иш ўринларидан ярмидан зиёдроғи, яъни 63,2 фоизни кичик ва хусусий тадбиркорлик соҳаси улушига тўғри келди.

Қишлоқда кам харажат ҳисобига янги иш ўринлари яратиш имконияти, объектив сабабларга кўра йирик бизнес кириб бора олмайдиган бозор сегментларини эгаллай олиш қобилияти, айниқса, хизмат кўрсатиш соҳасида ва унча катта бўлмаган маҳаллий ресурс базаларини ўзлаштиришда, умуман хўжалик юритишда жуда қулай ташкилий шакл эканлиги кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг аҳамияти беқиёсслигини, айнан уни ривожлантириш имкониятлари кенглигини кўрсатади. Шу сабабли ҳам кичик тадбиркорликни жадал ривожлантириш масаласи маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, шунингдек, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш масалалари билан ҳам чамбарчас боғланган.

Ривожланган Ғарб давлатлари учун қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳолининг иқтисодиётда банд аҳоли умумий сонидаги улушининг жуда юқори бўлиши ва келажақда унинг пасайиши оқибатида айнан қишлоқ жойларида аҳоли бандлиги ва ишсизлиги муаммоларининг кескинлашуви хавфи характерли ҳол эмас. Бундан ташқари, Ғарб мамлакатларида шаҳар аҳолиси билан қишлоқ аҳолиси турмуш даражасида кескин тофовутлар бўлмаганлиги сабабли, қишлоқ аҳолисининг бандлиги ва меҳнат даромадларини кўпайтириш асосида унинг даромадларини ошириш ва

⁵ И.А.Каримов. 2014 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йилнинг асосий якунлари ва 2015 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маъруза. Халқ сўзи, 2015 й. 21 январ.

турмуш даражасидаги шаҳарга нисбатан тафовутларни бартараф этиш муаммоси ҳам ўринли эмас.

Ўзбекистонда кечаётган демографик жараёнлар, меҳнат бозорининг ёшлар ҳисобидан узлуксиз тарзда кенгайиб бораётганлиги, меҳнат ҳисобидан олинадиган даромадлар ва иш ҳақини аҳолининг кенг қатламлари турмуш даражасини ўстиришнинг асосий манбаига айлантириш зарурияти, шунингдек, қишлоқ хўжалигида ортиқча банд бўлганларни қисқартириш жараёни давом этаётганлиги аграр меҳнат бозорида ишчи кучига талаб ва унинг таклифи ўртасидаги номутаносибликни янада кескинлаштирмоқда. Ижтимоий йўналтирилган, аҳоли кенг қатламлари манфаатлари ва интилишларига мос келадиган бозор иқтисодиётини шакллантириш шароитида ушбу долзарб муаммони ҳал этишнинг ягона бўлмаса ҳам, лекин энг самарали йўли – қишлоқ жойларда кичик ва хусусий тадбиркорликни жадал суръатлар билан ривожлантириш, уларнинг янги иш ўринларини яратиш, имкон қадар кўпроқ аҳолини иш билан таъминлашдан иборат.

Мамлакатимизда иш билан банд аҳолининг 75,0 фоиздан ортиғи айнан хусусий тадбиркорлик улушига тўғри келган айни бир паллада, шаҳарларда ушбу кўрсаткич, қишлоқ жойларига нисбатан анча юқорилиги, айнан қишлоқ жойларда аҳоли бандлиги муаммоларини ҳал этишда ушбу сектор имкониятлари ҳали кенг эканлигидан далолат бўради. Кичик ва хусусий тадбиркорликда мужассамлашган барча имкониятларни тўла рўёбга чиқариш мақсадида унга эътиборни янада кучайтириш, жумладан фаолият юритиш учун қўшимча қулайлик ва шарт – шароитлар яратиш, самарали рағбатлантириш чора - тадбирларини қўллаш зарур.

Иқтисодий соҳадаги адабиёт саҳифаларида Республикада кичик ва ўрта бизнеснинг ҳолати ва унинг ривожланишидаги салбий тенденциялар ва уларнинг сабаблари (кичик ва ўрта бизнес субъектларининг иқтисодий фаолиятини маъмурий ва бюрократик бўғинларининг ортиқча аралашуви, иқтисодий эркинликнинг чекланганлиги, улар фаолиятини тартибга солувчи

меъёрий- ҳуқуқий негизнинг номукамаллиги, рақобат муҳитининг етарли даражада ривожланмаганлиги ва бошқа айрим сабаблар) тўғрисида анча фойдали ва диққатга сазовор фикрлар билдирилган. Шу фикрларнинг эътиборга моликлигини ва амалий аҳамиятини эътироф этган ҳолда, шуни таъкидлаш лозимки, қишлоқ жойларда ушбу секторни ривожлантириш истиқболлари кўп жиҳатдан уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш билан узвий боғлиқ.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз ҳукумати томонидан кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб - қувватлаш борасида изчил равишда турли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мазкур соҳанинг ривожланишига янги имкониятлар ва янги шарт - шароитларни вужудга келтирмоқда. Айниқса Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан 2011 йилнинг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилиниши мамлакатимизда ушбу секторнинг иқтисодиётдаги мавқеини мустаҳкамлаш, ижтимоий муаммоларни ҳал этишдаги ролини янада оширишда муҳим босқич бўлди. Бу хусусда 2010 йил 14 декабрдаги Президент И.А.Каримовнинг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва оширишнинг ташкилий чоралари ҳақидаги Ф-3539-сонли Фармойишида: кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун янада қўлай муҳит яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтиришга йуналтирилган норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молия-хужалик фаолиятига давлат ва назорат тузилмаларининг аралашувини кескин камайтириш; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш тартибини соддалаштириш ва фаолият юритишнинг моддий-техник шарт-шароитларини таъминлаш; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига солиқ ва бошқа тўловлар борасида енгилликлар яратиш; хисобот топшириш тизимини

такомиллаштириш; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш механизмни янада такомиллаштириш; кичик бизнесни ривожлантиришга хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, уларнинг ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги иштирокини кенгайтириш; илғор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кенг йўл очиб бериш; кичик бизнес субъектларига тақдим этилаётган имтиёз ва қулай шароитлар тизимини янада ривожлантириш каби устувор йўналишлар белгилаб берилган эди.

Кейинги йилларда замонавий бозор иқтисодиёти асосида ривожланаётган бир қатор мамлакатларда йирик корхоналар ўзларининг ички бўлинмалари бажарган аввалги кўп функцияларидан воз кечиши ва бу функцияларни кичик корхоналарга боскичма-боскич бериш жараёни кузатилмоқда. Айнан шу сабабларга кўра йирик саноат корхоналарининг сони қисқариб, кичик корхоналар сони ўсиб бормоқда. Бу жараён бозор иқтисодиётининг динамик, ҳаракатчан, янгиликларга ҳозиржавоб, бозордаги талаб ва унинг ўзгаришига тез мослашувчан бўлишини таъминлайди. Шунга мувофиқ, Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар корхоналари билан рақобатбардошлик даражаси кўтарилишида энг муҳим омиллардан бири кичик корхоналар фаолиятини мустаҳкамлашга имкон берувчи қулай шарт-шароит яратиш орқали бозор муносабатларида соғлом рақобат муҳитини вужудга келтиришдан иборат. Кичик тадбиркорлик субъектлари учун муҳим муаммолардан бири моддий-техника ресурслари билан таъминланиш ҳисобланади. Ҳозирги даврда уларни моддий ҳам ашё ресурслари билан таъминлашда товар ҳам ашё биржаси, улгуржи савдо ташкилотларининг роли ортиб бормоқда.

Шу сабаб хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки кичик бизнес ва хусусий корхона субъектлари учун яратилаётган қонун қоидаларнинг барчаси уларнинг фойдалилигига дур.

II. Самарканд вилоятининг ижтимоий –иқтисодий ҳолати ва аҳоли бандлигига таъсири.

2.1. Самарканд вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳолати.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вилоятимиз иқтисодий тараққиёти ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Унинг ривожланиши нафақат ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳал қилувчи мавқени эгаллайди, балки бандлик масалаларини ҳал қилиш, аҳоли даромадларини кўпайтириш, миллий фаровонликни таъминлашда муҳим ўрин тутади. Дарҳақиқат, 2013-йилда вилоятимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси барқарор ривожланди. Хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ юкини янада камайитириш, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг 10 фоиздан 8 фоизга, 2014- йилдан бошлаб эса 7 фоизга туширилиши, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаларининг камайитирилиши ва аynи пайтда уни ҳисоблаш тартиблари такомиллаштирилиши тадбиркорлик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни изчил ривожлантириш учун кучли рағбатлантирувчи омиллар яратди. Натижада сўнгги олти йил мобайнида фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари сони 1,9 баробар кўпайди ва 2014- йили қарийб 400 мингтани ташкил этди. Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ички бозорни зарур товар ва хизматлар билан таъминлайдиган, иқтисодиётнинг таркибий негизини ҳамда мамлакат иқтисодий тараққиётини белгилаб берадиган энг муҳим сектор ҳисобланади. Бозор муносабатлари ривожланган мамлакатларда кичик бизнес соҳасида иш билан банд аҳолининг 50-70 % и, ҳатто 80 %га яқини фаолият юритади. Аynи вақтда вилоятимизда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги ролини янада оширишга муҳим эътибор қаратилмоқда шу боисдан вилоятимизда фаолият юритаётган корхоналар сони ҳам кундан кунга купайиб раvнак топмоқда ва биз бун

кичик бизнесни турли тармоклари фаолият юритаётган корхоналар мисоли оркали ҳам куришимиз мумкин.

Фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари сони^{*)}
(деҳқон ва фермер хужаликларисиз)
(2.1.1-жадвал)

	Жами		Шу жумладан			
	1.01.14	1.01.15	Кичиккорхоналар		Микрофирмалар	
			1.01.14	1.01.15	1.01.14	1.01.15
Жами.	12648	12860	2037	2033	10611	10827
шу жумладан тармоқлар:						
Саноат	2659	2879	168	175	2491	2704
Курилиш	1371	1388	106	123	1265	1265
Кишлоқхужалиги	1145	1143	61	63	1084	1080
Транспорт ваалока	354	375	81	85	273	290
бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари	1175	1101	38	19	1137	1082
Савдоваумумийовкатланиш	4250	4339	741	804	3509	3535
Мишийхизматнинг ноишлаб	189	189	11	9	178	180
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот.	784	741	398	333	386	408
Таълим, маданият, фан ва илмий хизмат кўрсатиш	587	570	422	403	165	167
бошқа ноишлаб чиқариш тармоқлари	134	135	11	19	123	116

Жадвал маълумотларидан куришиб турибдики 2014-2015 йилларда Самарканд вилоятида фаолият юритаётган корхоналар сони йилдан йилга купайиб бормокда. Масалан 2014 – йилда жами субъектлар сони 12648 та булган булса бу ҳолат 2015 – йилда бу ҳолат 12860 тага етган. Шундан кичик

^{*)} Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 октябрдаги 439-сонли қарорига асосан.

корхоналар сони 2014 –йилда 2037 тани ташкил этган булса 2015- йилда эса 2033 тани ташкил этган. Биз бундан куришимиз мумкинки 2015 –йилда корхоналар сони 3 тага кискарган. Микрофирмалар сони эса 2014-йилда 10611 та , 2015- йилда эса 10827 тага купайганини куришимиз мумкин. Шу жумладан тармоклар буйича куриб чикадиган булсак ушбу 2014 – йилда саноатда жами 2659, 2015-йилда 2879 та суьбект кад ростлаган. Шундан кичик корхоналар сони 2014-йилда 160 та 2015-йилда 175 та. Микрофирмаларда 2014-йилда 2791, 2015-йилда 2704 та микрофирмалар уз фаолятини бошлаган. Шу каторда курилишда жами 2014 –йилда 1371 та, 2015 – йилда 1388 та. Бундан кичик корхоналар учун 2014-йилда 106 та, 2015-йилда 123 та корхона фаолият юрита бошлаган.

Савдо ва умумий овкатланиш суьбектлари хакида гап кетганда бу ерда узгаришлар булган, 2014 – йилда жами суьбектлар сони 4250 тани ташкил этган булса бундай холат 2015 – йилга келиб 4339 тани ташкил этди. Шу жумладан кичик корхоналар сони 2014 – йилда 741 та , 2015-йилда 804 та, бундан микрофирмалар 2014-йилда 3509 та, 2015-йилда эса 3535 тани ташкил этганлини курсатиб бермокда ва шу билан бирга, Ўзбекистонда тадбиркорлик мухитини ҳозирги ҳолати ва бизнесни юрутиш шароитлари ҳали ҳамон эркин бозор иктисодиёти талаблари ва тамойилларига, умум қабул килинган халқаро нормаларга тулик жавоб берди деб айта олмаймиз.

Жаҳон тажрибасининг курсатишича, иктисодий ислохатларни амалга ошириш инвестицияларни амалиётга самарали татбик этиш билан таъминланади.

Тадбиркорлик мухитини янада такомиллаштириш, максимал даражада кулай инвестиция иклимини яратиш, шу асосда тадбиркорлик фаолятини юрутиш шароитларини тубдан яхшилаш ва аҳоли бандлигини ошириш асосий максадимиздир, шундан келиб чиккан ҳолда Самарканд вилоятидаги бази корхоналар ривожини учун хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарнинг асосий кўрсаткичларини куриб чиқамиз.

Хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарнинг асосий кўрсаткичларини

(2.2.2-жадвал)

	Ташки савдоайланмаси АКШ доллори	2014 й. январ-декабр га нисбат ан фоизда	Экспорт	2014 й. январ-декабр га нисбат ан фоизда	импорт	2014 й. январ-декабр га нисбат ан фоизда	Хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар		
							Рўйхатта олинганлар сони, бирлик	шу жумладан, фаолият кўрсатганлари, бирлик	Экспорт хажми
Жами	1063300,4	109,7	271087,8	105,3	792212,6	111,3	247	226	96482,1
Самарканд	402741,2	109,9	68310,4	94,5	334430,8	113,7	134	117	18895,6
Каттакурго н.ш	3448,5	3.4м	507,9	114.9	2940,6	5 м	4	3	-
Туманлар									
Ургут	52101,9	76.0	9672,8	69.2	42429,1	77.7	33	33	7601,4
Оқдарё	6138,2	2.3	74.2	2.7	6064,0	2.3	4	4	74.2
Булунгур	19458,1	120.0	6192,8	67.0	13265,3	190.3	2	2	6051,8
Иштихон	9603,9	2.1м	-	-	9603,9	2.1м	4	4	-
Жомбой	179862,3	105,1	12134,6	174,3	167727,7	102,1	18	17	6339,5
Тайлок	96228,3	127,9	32602,6	152,9	63625,7	118,1	7	7	29474,3
Кушработ	-	-	-	-	-	-	-	-	-
Паярик	722,4	22.3	-	-	722,4	22.8	2	2	-
Пастдаргом	29338,2	90.9	17182,4	96.3	12155,8	84.2	8	8	14331,1
Пахтачи	650,6	24м	305.0	117.6	345.6	21.6	1	1	
Самарканд	77449,0	131,7	19188,5	103,8	58260,5	144,5	24	22-	-
Нарпай	7730,3	6.4м	5624,5	310,7	2105,8	178,2	3	3-	-

Самарканд вилояти Статистика бош бошқармаси

Юкоридаги жадвал маълумотларидан куриниб турибдики 2014-йилда вилоятимизда фаолият юритаётган корхоналарнинг чет ел билан ишлаши ва хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарнинг умумий тахлили ушбу жадвалда уз аксини топган. Бундай холатлар эса Самарканд вилояти буйича Ташки савдоайланмаси. % да – жами 1063300,4%, Экспорт-271087,8%, импорт эса- 792212,6% да булган. Бундан Хорижий сармоя иштирокидаги корхоналардан рўйхатга олинганлар сони, бирликда 246 та, шу жумладан, фаолият кўрсатаётганлари, бирликда 226 та, бундан экспорт хажми эса 96482,1 та эканлигини курамиз. Жумладан туманларда ҳам шу катори корхоналар фаолият юритмокда биргина Пастдарғом туманида экспорт ва импорт хажми қуйидагича. Экспорт -17182,4, импорт -12155,8, Ташки савдоайланмаси эса % да 29338,2 % ни ташкил этиб келмокда. Тумандаги хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар сони эса рўйхатга олингани 8 та, фаолият курсатаётган корхоналар сони ҳам 8 та эканлигини кўрсатиб бермокда. Айнан шундай холат Пояриқ туманида ҳам кўрсатиб берилмокда. Бунда, Ташки савдоайланмаси - 722,4%, экспорт -0, импорт -0. Тумандаги хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар сони эса рўйхатга олингани – 2 та, фаолият кўрсатаётган корхоналар сони -2 та. Каттакўрғон шаҳрида Ташки савдоайланмаси - 3448,5%, экспорт-507,9%, импорт-2940,6 %. Шаҳардаги хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар сони эса рўйхатга олингани эса 4 та, фаолият кўрсатаётган корхоналар сони – 3 та. Бундан шундай қилиш мумкинки ушбу йилда Самарқанд вилоятида хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарнинг энг кўпи туманлар буйича Жомбой туманида жойлашган бўлиб унда Ташки савдоайланмаси - 179862,3%, экспорт - 12134,6%, импорт эса - 167727,7% ни ташкил этди. Хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар сони эса рўйхатга олингани эса - 18 та, фаолият кўрсатаётган корхоналар сони – 17 тани ташкил этиб келмокда.

Самарқанд вилоятида 2015 йил 1 январ холатига рўйхатдан ўтган хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар сони 247 тани шундан ҳозирги кунда фаолият кўрсатиб келаётган корхоналар 226 тани ва фаолият

кўрсатмаётган хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар 21 тани ташкил этмоқда. Жумладан: Самарқанд шаҳрида 17 та, Каттакўрғон шаҳрида 1 та, жомбой туманида 1 та ва Самарқанд туманида 2 та хорижий инвестиция иштирокидаги корхона фаолият кўрсатмасдан турибди.

Самарқанд шаҳридаги: “SAMARKAND ALEKO” (СТИП 201560255) Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси 1995 йилнинг 28-декабрида ташкил этилган. Корхонанинг асосий фаолияти қишлоқ хўжалиги ўсимликчилиги билан шуғулланишдан иборат. Корхона ҳозирги кунда тугатилиш жараёнида.

“VOSTOK MARKET” масъулияти чекланган жамият шаклидаги Россия хорижий корхонаси 1998 йилнинг 23-февралида ташкил этилган. Корхонанинг асосий фаолият тури улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланишдан иборат. Корхона ҳозирги кунда тугатилиш жараёнида.

“Самарқанд Екатеринбург” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси 1996 йилнинг 24-декабрида ташкил этилган. Корхонанинг асосий фаолияти полиграфия маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан иборат. Корхона Вазирлар Маҳкамасининг 327-сонли қарорига асосан тугатиш юзасидан махсус комиссияга таклиф киритилган.

“INNOVATION GROUP MOVARAUNAXR” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги Миср давлати хорижий корхонаси 2008 йилнинг 21-июлида ташкил этилган. Корхонанинг асосий фаолияти енгил автомобилларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатишдан иборат. Корхона низом фондини шакллантирилмаганлиги сабабли фаолиятини тўхтатган.

"SABINA EXPROD" масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхона 2005 йилнинг 16-августидан ташкил этилган. Корхонанинг асосий фаолияти озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланишдан иборат. Корхона ҳозирги кунда фаолият кўрсатмасдан келмоқда.

Шунингдек: "SOGDIANA AMIR TEKSTIL" Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси, "TRADING CRAFT" МЧЖ, "TRABXON TRANS", "SAMARQAND

HAVO YO'LLARI", "SINIRTASI" хусусий корхонаси, "BIZNES BAXT SERVIS", "SAM NUR DESEN", "FERRUM LOCO" МЧЖ, "VTS INFORMER", "REGISTON SIFAT SERVIS", "SIN YUAN INVEST SERVIS", "SAMARKAND SILVER KOREYA" маъсуляти чекланган жамияти шаклидаги корхоналар фаолият кўрсатмасдан келмоқда.

Каттакўрғон шаҳрида "AZIA PLAST INVEST " Ўзбекистон-Буюк Британия кўшма корхонаси Самарканд вилояти Каттакўрғон шаҳрида 14/06/2007 йил ташкил этилган. Ушбу кўшма корхона саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келган. Корхона ҳозирда фаолият кўрсатмасдан келмоқда.

Жомбой туманида "MODA ISTANBUL " Ўзбекистон-Туркия кўшма корхонаси Самарканд вилояти Жомбой туманида 29/02/2012 йил ташкил этилган. Ушбу кўшма корхона енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келган. Корхона ҳозирда фаолият кўрсатмасдан келмоқда.

Самарканд туманида "ПИРУЗ" Ўзбекистон-Эрон кўшма корхонаси Самарканд вилояти Самарканд туманида 30/09/1996 йил ташкил этилган. Ушбу кўшма корхона мебель маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келган. Корхона ҳозирда фаолият кўрсатмасдан келмоқда.

"AGROMIR SAMARKAND" Ўзбекистон-Буюк Британия кўшма корхонаси Самарканд вилояти Самарканд туманида 04.06.2008 йил ташкил этилган. Ушбу кўшма корхона консерва маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келган. Корхона ҳозирда фаолият кўрсатмасдан келмоқда.

Кичик бизнеснинг ҳаракатчанлиги эса, бозор конъюнктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжига нисбатан тез мослаша олиши уни жаҳон иқтисодий инқирози даврида янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадини ошириш борасида энг қулай ва мақбул воситага айлантиради. 2014-йилда кичик бизнесни янада қўллаб-қувватлаш вазифаси ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда, чунки кичик бизнес янги-янги

иш ўринларини яратиб, ҳозирги шароитда иш билан банд аҳоли даромадининг 71 фоиздан ортиғини ташкил этмоқда.

Бугунги кунда рақобатчи фирмалар маҳсулотлари сифати, нархи ҳам тахминан бир хил бўлган шароитда ўз рақибидан ўзиб кетиш учун ундан кўпроқ маълумотга эга бўлиши лозим. Республикада тадбиркорлик ва хусусий бизнесни ривожлантириш учун юзага келаётган ижтимоий-иқтисодий омиллар маълум вақт ҳамда махсус билимлар, тадбиркорлик асослари, хорижий ва мамлакатимиз тажрибаларини теран ва изчил ўрганишни талаб қилади.

Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар муҳим ижтимоий- иқтисодий феномен-тадбиркорлик ва хусусий бизнесга янгича назар билан қарашга мажбур қилади, бу фаолият учун мамлакатимизда қулай шарт-шароитлар яратилган. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонунида кўрсатилишича, тадбиркорлик фуқароларнинг фойда ёки шахсий даромад олишларига йўналтирилган, ўз номи билан, ўз таваккалчилиги ва ашёвий масъуллиги ёки юридик шахс номидан ва унинг ашёвий масъуллиги асосида амалга ошириладиган ташаббусли, мустақил фаолиятдир.

Шу билан бирга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳоли бандлиги даражасини оширишдаги роли ҳам аҳамиятлидир. Ҳақиқатан ҳам, тадбиркор ўз маблағларини ишлаб чиқариш соҳасига киритар экан, айти пайтда ўз даромадларини ошириш билан бирга жамият бошқа аъзоларининг ҳам иш ҳамда даромад билан таъминланишига моддий негиз яратди. Умуман, вилоят ЯХМ ишлаб чиқаришдаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг урни йилдан-йилга ошиб бормоқда.

2014 йил январь-декабр ҳолатига кичик тадбиркорлик (бизнес)

субъектларининг асосий кўрсаткичлари таҳлили

	Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг улуши								Кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг улуши							
	ЯХМ		Меҳнатда банд аҳолининг умумий сонидан		Экспортда		Импортда		ЯХМ		Меҳнатда банд аҳолининг умумий сонидан		Экспортда		Импортда	
	2013	2014	2013	2014	2013	2014	2013	2014	2013	2014	2013	2014	2013	2014	2013	2014
Жами	77,1	77,4	83,2	83,6	83,7	79,5	53,3	55,4	x	x	18,0	17,9	82,8	78,5	49,3	51,6
Шаҳарлар																
Самарканд ш	X	X	69,4	70,0	59,0	53,0	54,5	59,3	x	x	9,1	8,9	59,0	53,0	54,5	59,3
Каттақурғон	X	X	72,4	73,2	3,5	7,5	56,6	15,9	x	x	10,2	9,9	3,5	7,5	56,6	15,9
Туманлар																
Оқдарё	X	X	88,0	88,2	100,0	100,0	100,0	100,0	x	x	33,3	33,1	100,0	100,0	100,0	100,0
Булунғур	X	X	89,2	89,5	100,0	100,0	100,0	99,4	x	x	22,2	22,2	100,0	100,0	100,0	99,4
Жомбой	X	X	85,5	85,8	12,0	32,9	3,8	4,2	x	x	39,4	39,5	12,0	32,9	3,8	4,2
Иштихон	X	X	89,9	90,1	-	-	100,0	100,0	x	x	19,7	19,8	-	-	100,0	100,0
Каттақурғон	X	X	87,0	87,3	100,0	100,0	15,7	37,7	x	x	10,6	10,6	100,0	100,0	15,7	37,7
Кушработ	X	X	83,8	84,1	100,0	-	-	-	x	x	5,8	5,6	100,0	-	-	-
Паярик	X	X	80,4	80,8	100,0	-	100,0	100,0	x	x	25,0	24,9	100,0	-	100,0	100,0
Пастдарғом	X	X	93,9	94,0	93,0	84,4	100,0	99,5	x	x	37,9	38,0	93,0	84,4	100,0	99,5
Пахтачи	X	X	79,9	80,4	100,0	100,0	100,0	100,0	x	x	19,7	19,4	100,0	100,0	100,0	100,0
Самарканд	X	X	86,8	87,0	75,5	80,4	59,7	66,2	x	x	10,8	10,6	75,5	80,4	59,7	66,2
Нарпай	X	X	90,6	90,7	100,0	-	49,9	1,4	x	x	28,6	28,7	100,0	-	49,9	1,4
Нуробод	X	X	78,2	78,7	100,0	-	0,1	0,9	x	x	8,0	7,7	100,0	-	0,1	0,9
Тайлок	X	X	89,7	90,1	100,0	91,6	100,0	88,4	x	x	20,7	20,7	100,0	91,6	100,0	88,4
Ургут	x	X	89,9	90,2	100,0	100,0	100,0	100,0	x	x	12,8	12,8	100,0	100,0	100,0	100,0

2.2.3-жадвал маълумотларидан куришиб турибдики Самарканд вилоятида 2013-2014-йилларда кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасининг улуши таҳлил килинган. Шундан ЯХМ умумий улуши вилоят буйича 2013-йилда 77.1 %, 2014-йилда 77.4% ни ташкил этган. Туманларда эса бу ҳолат умуман такрорланмаган. Меҳнатда банд аҳолининг умумий сони жами вилоят буйича 83.2 % булиб, 2014-йилга келиб 83.6%га йетган. Уз навбатида туманлар буйича жомбой туманида 2013-йилда, 85.5%, 2014-йилда 85,8% ни банд аҳоли ташкил этди. Булунғур туманида эса 2013-йилда кичик бизнес корхоналарида бандлар 2013-йилда 89.2%, 2014-йилда эса 89.5%ни ташкил этди. Айнан шу туманда субъектлар улуши мисолида экспорт ҳажми 2013-йилда ҳам 2014-йилда ҳам 100%ни ташкил этди. Импорт эса 2013-йилда 100%, 2014-йилда 99.4 ни ташкил этди. Шу йилларда шу туманда кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг улуши 2013-йилда ҳам 2014-йилда ҳам ЯХМдаги улуши ҳеч қандай %ни курсатмаган. Поярик туманининг кичик тадбиркорлик субъектларида жами аҳолининг банд қисми 79.9%, 2014-йилда 80.4%ни ташкил этади. Бундай ҳолат экспорт ҳажмида 2013-йилда 100%, 2014-йилда %ни ташкил этмаган. Импортда эса икки йилда ҳам 100%ни ташкил этган. Унинг микрофирмалардаги улуши эса ЯХМ да % эгалламаган. Умуман олганда, вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларида туманлар буйича узгаришлар юз берган, бу йерда энг катта курсаткични Самарканд вилоятининг Пастдарғом туманида кенг куламли ишлар амалга оширилган яни барча туманлардан катта % улушида ишлар амалга оширилган.

Хитой давлатининг тахминига кура эса, иктисодиётнинг тулик модернизацияси 2030 йилга келиб тугайди, бунда асосий уринни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ташкил этади. “ CCNTime Warner Group» томонидан олиб борилган татқиқотлар натижасига кура , Сингапур давлати кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш буйича дунёда 5 уринни эгаллайди. Мазкур мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари мавжуд умумий корхоналар умумий сонининг 90

% ини ташкил этади ва хар йили улар томонидан аҳолини иш билан таъминлаш буйича узиш 6-7 % кутарилиб бормокда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғини янада ошириш учун, фикримизча, куйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолияти учун янада кенгироқ қулайликлар яратиш;
- қишлоқ жойларида фермер хўжаликларига инвестициялар жалб этиш, маҳсулотларни қайта ишлаш учун замонавий мини технологиялар олиб кириш, янги иш ўринлари барпо этиш соҳаларида қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тизимини ишлаб чиқиш;
- тадбиркорларга қонун йўли билан белгиланган кафолат ва имтиёзларни тушунтириш, уларнинг иқтисодий ва ҳукукий билимларини янада ошириш учун жойларда учрашувлар, ўқув семинарлари, малака ошириш курсларини ташкил қилиш кабиларни киритиш мумкин

Демак Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш иш жойларига талаб юқори бўлган давлатимиз учун энг кам харажат сарфлаб, янги иш ўринларини очиш, маҳаллий бозорларимизни маҳсулотлар билан тўлдириш, аҳоли даромадларини ўстириш ва давлат бюджетига солиқ тушумлари тушиши манбаларидан бири бўлиб қолар экан, дарҳақиқат, тадбиркорлар маблағларини ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасига киритар экан, даромадларини ошириш билан бирга жамиятнинг бошқа аъзолари ҳам иш ва даромад билан таъминланишига моддий негиз яратади. Мамлакатимизда ҳам вилоятимизда ҳам бу борадаги фаолият кенгайиб бормокда.

2.2.Вилоятда аҳоли бандлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни урни.

Мутахассисларнинг эътирофича, янги иш уринларини яратиш, аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш куп жихатдан янги ишлаб чиқариш объектлари ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ ва бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, соҳага тўлиқ эркинлик бериш, бу йўлда ғов бўлиб турган барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш энг муҳим устувор вазифадир. Барқарор иқтисодий ўсиш ва мамлакатимизнинг келажак истиқболи, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати кўп жихатдан ана шу устувор вазифанинг қандай ҳал этилишига боғлиқ.

Дастлабки ҳисоб китобларга кўра 2015 йилнинг 1 январ ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 3514,8 минг кишини ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2 фоизга ошган.

Умумий аҳолидан 1341,6 минг киши(38,2%) шаҳарларда, 2173,2 минг киши (61,8%) қишлоқ жойларида истиқомат қилади.

Вилоятда меҳнат ресурслари сони 2015,5 минг кишини ташкил этади. Меҳнат ёшидаги меҳнатга лаёқатли аҳоли 2007,5 минг кишини ташкил этиб, меҳнат ресурслардан иқтисодий фаол аҳоли 1485,1 минг кишини, иқтисодиётда банд аҳоли 1402,5 минг кишини ташкил этди.

2015 йилда ҳудудлар ва йўналишлар (тармоқлар) кесимидаги аҳолининг, айниқса биринчи марта меҳнат бозорига кириб келаётган ёшлар, банд бўлмаган шахслар, ишдан бўшатилаётган ходимларнинг, чет элдан қайтиб келаётган меҳнат мигрантларининг иш ўринларига бўлган эҳтиёжидан, шунингдек саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари, ҳизмат кўрсатиш соҳасини, кичик бизнесни ривожлантириш муносабати билан ишчи кучига талабни ҳисоблашдан келиб чиққан ҳолда белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2014-йил 13- ноябрдаги СҚ-454-II-сонли қарорига асосан мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш

борасида амалга оширилаётган туб ислохотлар Самарқанд вилоятида ҳам ўз самараларини бермоқда. Айниқса, иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш орқали аҳоли турмуш даражасининг муттасил ўсиб бориши таъминланмоқда ва биз бу ҳолатни мамлакат миқёсида янги иш билан таъминланган иқтисодий фаол аҳоли сони. (ёши буйича) (2.1.1-жадвали) орқали куриб чиқамиз.

(2.2.1-жадвали)

Мамлакатимизда янги иш билан таъминланган иқтисодий фаол аҳоли сони. (ёши буйича).

Йиллар.	2011	2012	2013	2014
Жами.	12286.6	12341.5	12830,1	13163,0
Аёллар	5648.1	5691.3	5829.5	6004.8
Эркаклар	6638.1	6850.2	7020.6	7138.2
Иқтисодийфаолаҳолинингумумийсонидан.				
Иқтисодиётдабандлар.	11628.4	1191.1	12223.8	12523.3
Аёллар	529.5.1	5416.6	5554.1	5723.7
Эркаклар.	6333.3	6502.5	6669.7	6799.6

Манба: СамарқандВилоят Иқтисодиёт бошқармаси

Демак жадвал маълумотларидан куришиб турибдики якин 4 йил мобайнида мамлакатимизда иқтисодий фаол аҳоли сони яхши тарафга ўзгариб иш билан банд аҳоли сони кўпайиб бормоқда, жумладан 2011- йилда жами банд аҳоли сони 12286.6 тани ташкил этган бўлса бу ҳолат 2012 – йилга келиб 12341.5 та аҳоли иш бандлигини кўрамиз, яна анна шундай ҳолат 2014 –йилда 2013 – йилга нисбаттан 332.9 тага кўпайганини кўришимиз мумкин. Шунданаёллар сони 2011 – йилда5648.1 та, эркаклар 6638.1 таниташкилқиларэкан. Вабухолат 2014 –йилда, аёллар6004.8 та,эркаклар сони эса7138.2талигиникўришимизмумкин. Шундайтахлилкилишимизмумкинки 2014 – йилда 2011-йилганисбаттаниқтисодиётда банд аёлваэркаклар сони, аёллар356.7тага, эркакларэса 499.9 та зиёди ишбилантаъминланган, шундан кичик бизнес корхоналарида ёлланиб ишлаётган банд аҳоли сони ёши буйича.

(2.2.1-жадвал)

**Мамлакатдаги корхона ва ташкилотларда ёлланиб ишловчиларнинг
жинси ва ёш гуруҳлари бўйича тақсимланиши.**

Йиллар	2011	2012	2013	2014
Жами	100.0	100.0	100.0	100.0
16-24	12.7	12.3	12.5	11.9
25-29	18.7	19.1	19.2	19.1
30-39	27.7	28.0	27.8	28.3
40-49	25.7	25.8	25.5	25.4
50-54	10.2	10.3	10.5	10.8
55 ёшваунданкатталар.	4.8	4.5	4.5	4.5

Манба: меҳнат ва бандлик.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўришимиз мумкинки, ёлланиб ишловчи ишчиларни жинси ва ёши бўйича тақсимладик. Бу ерда 2011- йилда жами аҳолининг 16-24 ёшгача бўлган ёшдаги аҳолининг иш билан бандлиги 12.7 % бўлганини кўришимиз мумкин айнан шу ҳолат 2012 – йилда 12.3, 2013-йилда 12.5, 2014-йилда 11.9 эканлигини кўрдик. Бу ҳолат эса 2011-йилга нисбаттан 2014-йилда 0.8 % га камлигини кўрсатиб бермоқда. 50 ва ундан катта ёшли кишиларнинг иш билан бандлик даражасини кўриб чиқадиган бўлсак бу жараён 2011-йилда 4.8. 2012 – йилда 4.5 2013-йил, 2014-йилда худдишундай 4.5 % лигини кўришимиз мумкин.

(2.2.2-жадвал)

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида банд аҳоли сони

	2011	2012	2013	2014

Убекистон Республикаси	654,3	749.6	763.6	762.4
Тошкент	173.9	192.2	196.8	197.3
Коракалпогистон	25.0	30.6	32.2	31.5
Самарканд	46.8	51.7	53.5	55.0
Андижон	54.4	65.9	67.0	66.1
Бухоро	38.2	43.4	38.8	37.3
Жиззах	20.7	23.4	23.7	23.8
Кашкадарё	42.2	52.6	51.8	50.3
Навоий	20.6	23.7	25.2	23.4
Тошкент район	58.9	65.8	69.1	70.3
Сурхандарё	29.5	32.2	32.3	38.1
Сирдарё	13.7	17.4	17.7	16.5
Хоразм	30.2	36.7	40.2	39.6
Фаргона	60.0	69.3	68.3	68.0

Манба статистика бошкармаси

Мамлакатимизда кичик бизнес корхоналарининг ривожланиши кундан кунга яхшиланиб бормоқда ва кейинги йилларда аҳолини иш билан бандлигини таъминлашга жиддий эътибор берилмоқда. Аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш биринчи навбатда, қишлоқ жойлари аҳолисининг фойдали меҳнат билан банд бўлишини, унинг меҳнат даромадига эга бўлиши, мамлакат учун унинг ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишда бандлигини, аҳолини яшаш шароитини ва турмуш сифатини яхшилашга олиб келади. Юқоридаги жадвалдан эса куришиб турибдики кичик бизнес корхоналаридаги банд аҳоли сони Тошкент шаҳрининг узида 2013 – йилда 196.5%, 2014 – йилга келиб эса 762.4 % аҳолининг бандлигини таъминланганлигини куришимиз мумкин. Яна шундай ҳолат Андижон вилоятида 2010- 54.4%, 2011-йилда 65.9%, 2013-йилда 67.0%, 2014-йилда эса 66.1%ни ташкил этганлигини куриб турибмиз. Айнан яна шундай ҳолат

Бухоро вилоятида 2011-йилда 38.2% бу ҳолат 2014 –йилда 37.3% аҳоли банд эканлигини курсатиб турибди. Бу эса 2014-йилда 2011-йилга нисбаттан 0.9 % га усганлигини курсатиб бермокда. Навои вилоятида 2011-йилда 20.6%, 2012-йилда 23.7%, 2013-25.7% , 2014-йилда эса 23.3% аҳоли кичик бизнес корхоналарида иш билан банд. Сурхандарёда 2011-йилда 29.5%, 2012-йилда 32.2 %, 2013-йилда ҳам бу ҳолат узгармаган 32.2%, 2014-йилда 38.1% яни 2012-2013-йилга нисбаттан 5.9 %га узгарган.

Меҳнатга қобилиятли аҳолининг оқилона иш билан бандлигини шакллантиришнинг асосий демографик манбаларидан бири – унинг иқтисодий фаол қисмини кенгайтиришдан иборат. Аҳолининг иқтисодий фаол қисми ўз ичига мулкчиликнинг турли хил ташкилий – ҳуқуқий ва иқтисодий шаклларига эга корхоналарда иш билан банд бўлган ёлланма ходимларни, мустақил шахслар ва тадбиркорларни, иш қидираётган (шу жумладан ишсиз) меҳнатга қобилиятли, иш билан банд бўлмаган аҳолини қамраб олади ва меҳнат шароитлари бўйича ишчиларни қаноатлантирадиган мавжуд иш жойлари ҳиссасининг ортиб бориши кадрлар қўнимсизлигини қисқаришига, ишчи-ходимларнинг меҳнат натижаларидан манфаатдорлигини ошишига ва умуман ишлаб чиқариш самарадорлиги юксалишига шароит яратади.

Вилоятда эса аҳоли демографик жараёнларини, меҳнат бозорига кириб келаётган аҳоли қатламларини мақсадли барқарор иш билан таъминлаш бўйича комплекс тадбирлар ишлаб чиқилган. 2010-2014 йилларда Самарқанд вилояти бўйича жами 468,4 мингта (2010 йилда - 92390 та, 2011 йилда – 93253 та, 2012 йилда - 93843 та, 2013 йилда – 94452 та, 2014 йилда – 94600 та) иш ўринлари яратилган бўлиб, 2014 йилга келиб 94,6 мингта иш ўринлари яратилди ёки 2010 йилга нисбатан яратилган иш ўринлари сони 2,2 мингтага ошди. 2013-2014 ўқув йилида касб-хунар коллежлари битирувчилардан 51811 нафарининг бандлиги таъминланди, 50520 нафари иш билан таъминланди, шундан бириктирилган корхоналарга 38888 нафар, бошқа корхоналарга 11632 нафар, ўз мутахассислиги бўйича 27913 нафар, олий таълим муассасаларига ўқишга кирганлар 1291 нафарни ташкил этади.

Шунга мувофиқ 19343 та иш ўрни, шунинг 8344 таси саноатда, 3921 таси хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида, 1858 таси қишлоқ хўжалигида (чорвачиликда, паррандачиликда, боғдорчиликда, балиқчиликда, асаларичиликда, сабзавотчиликда, ипакчиликда, узумчиликда) ташкил этилади. Ишламаётган корхоналарфаолиятини тиклаш ҳисобига 5220 та иш ўрни ташкил этилишини таъминлайди. Бундан ташқари кичик корхоналар ва микрофирмаларни жадал ривожлантириш, шунинг ҳисобига 26,3 минг кишининг, якка тадбиркорлик соҳаси 11777 кишининг, уй меҳнатининг барча шакллари, шу жумладан корхоналар билан меҳнат шартномалари бўйича кооперациялашган уй меҳнати, ҳунармандчилик ва оилавий тадбиркорликнинг ривожланиши 17509 нафар банд бўлмаганларнинг, фермер ва деҳқон хўжаликларида озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарларини ишлаб чиқариш асосан Ургут, Каттақўрғон, Иштихон, Нарпай, Пайариқ, Пахтачи, Пастдарғом, Самарқанд ва Нуробод туманларида ва бошқа туманларда 19,5 мингдан ортиқ кишини иш билан банд қилиш имконини беради. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва иқтисодий ислохотлар суръатини кузатганимизда эса бунга янада ишонч ҳосил қиламиз.

(2.2.3-жадвал)

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва иқтисодий ислохотлар суръатини 2014 йил январь-декабрь якунлари бўйича асосий кўрсаткичлари.

	Саноат				
	жами, млрд. сўм	2014 й. январ- декабрга нисбатан фоизда	истеъмол	Товарлари	Нодавлат секторнинг саноат маҳсулотидаги улуши, фоизда
			жами, млрд. сўм	2014 й. январ- декабрга нисбатан фоизда	
Жами	4357,2	115,7	2837,3	117,3	98,4
Шахарлар					
Самарқанд ш	1974,3	116,0	1639,4	115,9	96,5

Каттакургон.ш	104,0	111,8	85,5	106,2	100,0
Туманлар					
Окдарё	82,2	113,1	39,9	127,1	100,0
Булунгур	76,9	163,2	75,6	187,5	100,0
Жомбой	536,2	112,3	140,8	105,2	100,0
Иштихон	67,1	113,7	24,1	115,7	100,0
Каттакургон	103,2	113,5	51,9	118,2	100,0
Кушработ	16,8	118,2	14,1	123,2	100,0
Паярик	95,0	113,5	33,9	117,3	100,0
Пастдаргом	146,2	112,9	65,6	101,1	100,0
Пахтачи	61,2	113,4	18,9	113,7	100,0
Самарканд	302,6	116,9	200,5	172,0	100,0
Нарпай	143,5	113,2	72,1	105,9	100,0
Нуробод	16,1	118,9	13,2	116,7	100,0
Тайлок	142,4	115,8	106,9	130,3	100,0

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики ижтимоий – иқтисодий ривожланиш бўйича биргина 2014-йилнинг ўзида саноатда туманлар бўйича иқтисодий ислохат борасида туманлар бўйича қуйидагиларга эришилди. Бу ерда жами вилоят бўйича 4357,2 миллиард сўм бўлган бўлса, 2014-йил январ-декабр ҳолатига эса 115,7 % бўлгани кузатилмоқда. Шундан истеъмол товарлари 2837,3 млрд сум, Нодавлат секторнинг саноат маҳсулотидagi улуши 98,4 % га етганлиги кўрсатилмоқда. Шундан ажралган ҳолда туманларда. Паярикда 95,0 млрд сум, унинг саноатдаги истеъмол товарлари 33.9 млрд сўмлигини кўришимиз мумкин. Яна шундай Тайлоқ туманида жами 142.4 млрд сўм, истеъмол товарлари эса 106,9 млрд сўмлигини кўрамиз. Булунгурда жами 76.9, шундан саноатдаги истеъмол товалари 75.6 млрд сўмлигини кўриб чиқдик. Бундан хулоса чиқариш мумкинки ушбу йилда саноат тармоқлари бўйича тумунлараро Жомбой тумани энг катта

кўрсаткичларни кўрсатиб келмоқда. Пахтачи туманида саноат маҳсулотлари 61.2 мингга, истемол товарларининг жами 18.9 мингга етганлигини кузатиб боришимиз мумкин.

2015 йилда ташкил этиладиган иш ўринларига, шунингдек мавжуд бўш ва захира қилинадиган иш ўринларига касб-хунар коллежларининг 60,5 минг битирувчисини ишга жойлаштириш мўлжалланган. Меҳнат бозорида ишчи кучига талаб ва уни таклиф қилишнинг мувозанатини таъминлаш мақсадида 2016 йилга 94800 та ва 2017 йилга 95000 та иш ўринлари яратиш мўлжалланмоқда.

Шу сабабли ҳам кичик бизнесни жадал ривожлантириш масаласи маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва шунингдек, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш, янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадини оширишнинг муҳим воситасига айлантириш мақсадида уни қўллаб-қувватлаш кучайтирилмоқда ва қуйдаги (2.2-3-жадвал) маълумотларга кура вилоятимиздаги кичик бизнес корхоналарида яратилган иш ўринларини куриб чиқамиз.

(2.2-4-жадвал)

Вилоятдаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналаридаги иш билан банд аҳоли сони.

	2010 - йил	2011 – йил	2012 - йил	2013 -йил	2014 - йил	суьрати	
						2014 – йил 2010 -йил	2014- йил 2013-йил
Кичик тадбиркорликда бандлар	1 009,0	1 045,5	1 075,1	1 129,2	1 171,9	116,1	103,8
шу жумладан:							
кичик корхоналарда	56,9	49,8	38,6	66,8	66,8	117,4	100,0
микрофирмаларда	174,9	191,3	194,7	177,8	184,7	105,6	103,9
деҳқон хўжалигида	176,4	188,9	193,9	198,7	200,8	113,8	101,1

якка тартибдаги тадбиркорликда	600,8	615,5	647,9	685,9	719,6	119,8	104,9
патент асосида фаолият юритаётганлар	14,0	15,5	15,2	15,2	17,8	127,1	117,1
хунарманд шогирдлари	46,8	49,5	53,3	59,7	60,8	129,9	101,8
солиқ ва суғурта идораларида рўйхатда турмасдан	540,0	550,5	579,4	611,0	641,0	118,7	104,9
Ишга жойлаштиришга муҳтож аҳоли	78,4	74,2	74,6	76,2	82,6	105,4	108,4

Манба: меҳнат ва бандлик

Юкоридаги жадвал маълумотларидан куришиб турибдики кичик бизнес ва хусуусий тадбиркорлик буйича банд аҳоли сони кичик тадбиркорликда бандлар сони 2010-йилда 1 009,0 та, 2011-йилда 1 045,5 та, 2012-йилда 1 075,1 та, 2013-йилда 1 129,2 та, 2014-йилга келиб эса 1 171,9 тага етганини кўришимиз мумкин. Бу ҳолат эса 2010-йилга нисбаттан 2014-йилда 116,1 тага ўзгарганини кўрамиз. 2013-йилга нисбаттан эса 103,8 тага ўзгарган. Шу жумладан солиқ ва суғурта идораларида рўйхатда турмасдан фаолият кўрсатувчи тадбиркорлар 2010-йилда 540,0 та, 2011-йилда 550,5 та, 2012-йилда 579,4 та, 2013-йилда 611,0 та, 2014-йилда 641,0 та. якка тартибдаги тадбиркорликда 2010 –йилда 600,8 та, 2011-йилда 615,5 та, 2012-йилда 647,9 та, 2013-йилда 685,9 та, 2014-йилда эса 719,6 тага етди.

Экспорт салоҳияти ва аҳоли жон бошига асосий кўрсаткичлар вилоятнинг ҳудудий тасарруфидаги корхоналари томонидан 2014 йилда 153,0 млн доллар миқдорида экспорт амалга оширилиб, олдинги йилга нисбатан 121 фоизга ўсди ва бугунги кунда, вилоятда 3300 дан ортиқ саноат корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Шундан, 32 таси йирик корхоналар бўлиб, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми вилоят жами саноат ҳажмининг 51,3 фоизини ташкил қилади.

2008-2014 йиллар мобайнида дунёнинг етакчи компаниялари билан ҳамкорликда 100 дан ортиқ янги қўшма ва хорижий корхоналар ташкил этилиб, уларнинг сони 247 тага етди. Жумладан, Германиянинг “ЖВ МАН Авто”, “Лохманн тирзучт”, Япониянинг “ИСУЗУ”, Кореянинг “Ёонг ойн корпорейшин”, Россиянинг “Дака”, АҚШнинг “Дионис интернационал” каби йирик компаниялари билан қўшма корхоналар ташкил этилди. Яна бир муҳим масала бу - бундан етти йил олдин вилоятнинг саноат соҳаси, жумладан автомобилсозлик ва енгил саноат тармоқларини ривожлантириш режалаштирилган эди. Бунинг ёрқин мисоли этиб, ўтган етти йил мобайнида вилоят жами саноат ҳажмида автомобилсозлик саноатининг улушини 11,9 фоиздан 19,4 фоизга етганлигида яққол кўриш мумкин.

Жумладан, вилоятнинг Жомбой тумани ҳудудида 2010 йил лойиҳа қиймати 56,0 млрд. сўмлик янги турдаги юк автомобиллари ва уларга тиркамалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган “ЖВ МАН” қўшма корхонаси ҳамда “Узавто-трейлер” корхонаси фойдаланишга топширилди. Ушбу ташкил этилган корхоналарда бугунги кунда 590 дан ортиқ маҳаллий аҳоли доимий иш билан банд этилди.

Шунингдек, Самарқанд шаҳридаги “Сам авто” корхонасида охириги 3 йил давомида модернизация ишлари олиб борилди, натижада корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2008 йилга нисбатан 1,5 баробарга ошди. Бугунги кунда 5 турдаги автобус, 8 турдаги юк автомобиллари, 35 турдаги кузовлар ишлаб чиқарилмоқда. Корхонада иш ўринлари 2007 йилда 612 тани ташкил этган бўлса, бугунги кунда 1004 тага етказилди.

2014 йилда вилоят аҳолисининг ўртача пул даромадлари ўтган йилга нисбатан 112 фоизга (Республикада 110,4 фоиз) ўсди. Ўртача ойлик иш ҳақи 1 млн 40 минг сўм (Республикада 1 млн 367 минг сўм)ни ташкил этди.

Аҳоли пул даромадлари ўсиши билан биргаликда уларнинг турмуш шароитлари кундан-кунга яхшиланиб, узоқ вақт давомида фойдаланиладиган товарлар билан таъминланганлик даражаси ўсиб бормоқда.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида такидлаб ўтиш жоизки, кичик бизнесни ривожлантириш орқали ўз-ўзидан маълумки ЯИМ ҳажми, аҳоли бандлиги ошиб, ишсизликлар сони камаяди. Ушбу соҳанинг ривожланишига кумаклаштиш мақсадида иқтисодиётга жалб қилинаётган инвестицияларининг асосий қисмини соҳа тармоқларига йўналтирсак мақсадга мувофиқ булар эди.

2.3.Самарканд вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш тенденциялари.

Мамлакатимизда ижтимоий - иқтисодий сиёсатида изчиллик билан амалга оширилилаётган ислохатларнинг ва туб узгаришлардан кузланган бош мақсад – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари , ва бошқа барча соҳалар орқали аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ривожланган мамлакатлар курсаткичларига яқинлаштиришдан иборат.

Шундай қилиб, кичик ва хусусий тадбиркорлик ва у билан боғлиқ бўлган барча нарсалар замонавий ижтимоий ишлаб чиқариш ташкилий тузилмасининг муҳим ва таркибий унсурини ташкил этади. Буни ривожланган капиталистик мамлакатларда аллақачон тушуниб етишган. Шунинг учун ҳам иқтисодиётда кичик бизнесга муҳим ўрин ажратилиб, давлат томонидан жиддий мадад кўрсатилмоқда.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик илмий - техника тараққиётини жадаллаштириш, саноатнинг илғор тармоқларида янги технологияларга ўтиш шароитида ўз ўрнини топди. Бундай тадбиркорлик янги ахборот технологиялари билан, янги ғоялар ва ишлаб чиқаришни модернизациялаш билан ишлашни таъминловчи бутун тизимнинг узвий унсурини ташкил этади. Кичик корхоналар таваккалчилик ошган шароитда ишлаб чиқаришнинг мақбул шакли ҳамдир.

Ривожланган бозор иқтисодиётига эга бўлган қатор мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда ҳам бозорга ўтиш босқичининг ўзидаёқ тадбиркорликни давлат томонидан ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш тизимини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Унинг

асосий мақсади ҳам давлат ҳамда маҳаллий бошқарув даражаларида зарур ҳуқуқий ҳўжалик, ташкилий, моддий, молиявий ва ижтимоий, психологик шарт-шароитлар ва механизмларни барпо этишдан иборат бўлиши лозим ва буларнинг барчаси эса аҳоли бандлигини таъминлаш, фаровонлигини юксалтириш ва даромадларини оширишга қаратилгандир. Шундай экан, юқоридаги факторларни ўз ичига олувчи вилоятимизда кичик бизнес ва тадбиркорлик муҳитини ўрганиш ва унинг ўзига хос хусусиятларини очиқ бериш ушбу соҳани янада чуқурроқ ўрганиш имкониятини яратади.

(2.3.1-жадвал)

Туманлар ва шаҳарлар	Иқтисодий тармоқларда кичик бизнеснинг улуши.							
	Ялпи худудий маҳсулот	Саноат маҳсулотлари	Қишлоқ ҳўжалик ялпи маҳсулоти	Қурилиш ишлари	Чакана савдо айланмаси	Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш	Юк ташиш	Йўловчи ташиш
Вилоят бўйича	77,4	45,3	98,3	90,7	47,6	56,7	75,3	84,2
Самарканд	X	33,4	95,2	76,3	54,7	47	76,4	91,7
Каттақургон	X	37,6	99,2	78	37,5	63,1	77	88,2
Булунғур	X	100	99,9	88,3	37,4	68,7	60,6	80,5
Жомбой	X	18,3	98,8	100	48,6	68,9	70	86,4
Иштихон	X	44,4	100	99,1	43,9	57,5	70,7	83,6
Каттақургон т	X	30,1	94,4	98,6	35,7	56,9	79,3	82,2
Нарпай	X	31,4	99,5	100	43,5	66,1	86,8	82,7
Нуробод	X	100	95,9	76,6	25,2	58,9	84,3	85,5
Оқдарё	X	51,5	98,8	97,7	67,1	73,4	84,5	81,1
Пайарик	X	43,4	99,7	98,7	50,2	64,1	76,3	83,1
Пастдарғом	X	59,1	98,4	97,3	43,6	53,5	91,4	85
Пахтачи	X	54,5	99,5	98,6	29,3	66,3	65,4	80,9
Самарканд т	X	92,5	91,8	97,3	48,8	60,1	61,4	81

Тайлок	X	100	99,5	100	67,6	49	84,4	82
Ургут	X	92,9	99,9	98,6	55,5	59,6	81,7	79,5
Кушработ	X	98,6	99,4	100	35,2	73,3	74,8	86,2

Вилоят иктисодиёт бошкармаси.

Кейинги йилларда Самарканд вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши йилдан йилга узгариб бормокда бунга мисол килиб юкоридаги (2.3.1-жадвалидан) куришимиз мумкин. Бу йерда вилоятда ва туманларда иктисодий тармоklar буйича кичик бизнеснинг улушлари курсатиб утилган. Бу ҳолат Самарканд вилоятининг узида жами 77.4 %ни ЯХМ ташкил этган булса шундан саноат маҳсулотлари 45.3% га йетган, чакана савдо 47.6 %, аҳолига пуллик хизмат курсатиш 56.7 % ни ташкил этганлигини куришимиз мумкин. Туманларда худди шундай ҳолат Паярик туманида саноат маҳсулотлари 43.4%, аҳолига пуллик хизмат курсатиш 64.1 %, йуловчи ташиш 83.1 % ни ташкил этган. Бу йерда энг катта улушни эгаллаган туман эса Талок туманида эса саноат маҳсулотлари 100 %, кишлок хужалиги 99.5 %, курилиш ишлари 100% ни курсатиб турибди. Шу каторда Нуробод ва Булунғур туманлари ҳамдир.

Умумий ҳолат. 2014 йил давомида жами рўйхатга олинган кичик бизнес корхоналарининг сони 15096 тага етиб, рўйхатга олинган кичик бизнес корхоналарининг 85,2 фоизи (12860 таси) фаолият кўрсатиб келмокда, 2236 та (14,8 фоизи) кичик бизнес субъекти фаолият кўрсатмасдан турибди.

Фаолият кўрсатмаётган кичик бизнес субъектлари асосий қисми Самарқанд шаҳрида 916 та бўлиб, жами рўйхатдан ўтганларнинг 6,1 фоизни ҳамда вилоятда фаолият кўрсатмаётганларнинг 41,0 фоизини, Пастдарғом туманида 201 та рўйхатдан ўтганларнинг 1,3 фоизни ҳамда вилоятда фаолият кўрсатмаётганларнинг 9,0 фоизини, Булунғур туманида 110 та рўйхатдан ўтганларнинг 0,7 фоизни ҳамда вилоятда фаолият кўрсатмаётганларнинг 5,0 фоизини, Самарқанд тумани 116 та рўйхатдан ўтганларнинг 0,8 фоизни

ҳамда вилоятда фаолият кўрсатмаётганларнинг 5,2 фоизини, Каттакўрғон туманида 103 та рўйхатдан ўтганларнинг 0,7 фоизни ҳамда вилоятда фаолият кўрсатмаётганларнинг 4,6 фоизини ва Тайлоқ туманида 102 та рўйхатдан ўтганларнинг 0,7 фоизни ҳамда вилоятда фаолият кўрсатмаётганларнинг 4,6 фоизини ташкил қилиб вилоятнинг ушбу соҳадаги кўрсаткичини орқада қолишига сабаб бўлмоқда.

Фаолият кўрсатмаётган кичик бизнес субъектларининг 87,3 фоизи айланма маблағларининг етишмаслиги, 0,9 фоизи хом ашё муаммоси сабабли, 5,7 фоизи биноси йўқлиги сабабли, 2,1 фоизи ер муаммоси сабабли ва бошқалари ҳар хил сабабларга кўра фаолият кўрсатмасдан турибди.

Кичик бизнес субъектлари ҳамда кичик тадбиркорларга 2014 йилда 1508 та (135708,0 минг кв.м) фаолият кўрсатмаётган бўш турган майдонлар ижарага берилди.

Кичик бизнес субъектларига 2014 йилда жами 712,8 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Шу жумладан қисқа муддатли кредитлар 228,1 млрд. сўмни, узоқ муддатли кредитлар эса 484,7 млрд. сўмни ташкил қилди.

Иқтисодиёт тармоқларида кичик бизнес субъектларининг саноат маҳсулотларидаги улуши 45,3 фоизни, қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулотидаги улуши 98,3 фоизни, қурилиш ишларида 90,7 фоизни, чакана савдо айланмасида 47,6 фоизни ва аҳолига пулли хизмат кўрсатиш 56,7 фоизни ташкил қилган

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантириш мақсадида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар ушбу секторнинг миллий иқтисодиётдаги ўрнини янада мустаҳкамлаш ҳамда самарадорлигини оширишга йўналтирилмоқда. Ушбу ислохотлар қуйидаги чора-тадбирларни ўз ичига олади:

— тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш тизимини осонлаштириш ва рўйхатга олиш муддати ҳамда харажатларини камайтириш;

— тадбиркорлик субъектларининг маълум бир фаолият билан шуғулланишлари учун бериладиган рухсатнома ва лицензиялар олиш тизимини такомиллаштириш;

Президентимиз таъкидлаганларидек, бугунги кунда кичик бизнесни нафақат сон жиҳатидан кўпайтириш, балки уни аввало сифат жиҳатидан ҳам ривожлантиришимиз, бу борада оддий ишлаб чиқаришдан ички ва ташқи бозорга йўналтирилган мураккаб, юксак технологияга асосланган ишлаб чиқаришга ўтиш масаласига алоҳида эътибор қаратишимиз даркор.

Ушбу жараёнда тижорат банклари миллий иқтисодиётни, шу жумладан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қўвватлашда асосий ва муҳим ўрин эгаллайди ҳамда тижорат банкларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги ролини янада оширишга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохатларнинг ҳозирги босқичи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унга кенг иқтисодий эркинлик бериш билан тавсифланади. Шу жиҳатдан қараганда, ҳозирги кунда юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш масаласига давлатимиз иқтисодий сиёсатининг стратегик вазифаси, аҳоли фаровонлигини ошириш омили сифатида қаралмоқда.

Мамлакатимизда иш билан банд аҳолининг 75 фоиздан ортиғи айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида бандлиги бу соҳага эътиборни янада кучайтиришни, жумладан, тижорат банклари томонидан кредитлар ажратишни кўпайтиришни ва шу асосда янги иш ўринларини ташкил этиш, барқарор даромад манбаларини шакллантиришга замин яратиш зарурлигини тақозо этади. Кичик бизнес ва хусусий корхоналар учун ажратилаётган кредитлар юридик шахсларнинг ишини ривожлантириш учун янада яхши имкониятларни очиб беради ва би вилоятимизда фаолият

юритаётган корхоналарга ажратилаётган кредитлар микдорини ушбу жадвал оркали куриб чиқамиз.

(2.3.2-жадвал)

Кичик бизнес корхоналарига ажратилган кредитлар (2015-йил 1-январь ҳолатига.)

Шаҳар ва туманлар	Кичик бизнес корхоналарига ажратилган кредитлар млн сум	Шу жумладан		Хорижий кредитларни узлаштириш	
		Киска муддат	Узок муддат	АҚШ доллори минг	Евро минг
Вилоят буйича	712886	228123	484763	X	x
Самарканд	392798	125695	267103	X	x
Каттақурғон	18126	5800	12326	X	x
Булунғур	9758	3123	6635	X	x
Жомбой	29205	9346	19859	X	x
Иштихон	8440	2701	5739	X	x
Каттақурғон т	24266	7765	16501	X	x
Нарпай	30769	9846	20923	X	x
Нуробод	10069	3222	6847	X	x
Оқдарё	7456	2386	5070	X	x
Пайарик	10039	3212	6827	X	x
Пастдарғом	29334	9387	19947	X	x
Пахтачи	8881	2842	6039	X	x
Самарканд т	41373	13239	28134	X	x
Тайлоқ	15917	5093	10824	X	x
Ургут	68330	21866	46464	X	x
Кушработ	8125	2600	5525	X	x

Вилоят иқтисодиёт бошқармаси.

Бугунги кунда тадбиркорликка асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Чунки улар бозор шароитидаги ўзгаришларга, бозор конъюктурасига, талабнинг ўзгаришига тез мослашадиган бўлади. Уларнинг бу жиҳати хўжалик фаолиятини, айниқса маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотишни таҳлил қилишда ўта зийракликни, аниқ ҳисоб-китобларни амалга оширишни талаб қилади. Ушбу жадвал маълумотларидан эса кўриниб турибдики кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига ажратилган кредитлар вилоят кесимида 712886 сумни ташкил этди, шундан киска муддатли кредит 228123 сумни ташкил этган бўлса узок муддатли кредит 484763 сумни ташкил этди. Бундан Хорижий кредитларни ушлаштириш АКШ долларида ҳам Еврода ҳам ҳеч қандай суммани ташкил этмаган. Қушработ туманида 8125 млн сум, узок муддатли кредит 5525, киска муддатли кредитлар эса 2600 сумни ташкил этган. Кичик бизнес корхоналарига ажратилган кредитлар Оқдарё туманида ҳам уз хиссасини курсатиб бермоқда ва у 7456 млн сумни ташкил этмоқда. Худди шундай киска муддатли кредитлар миқдори 2386 млн. Узок муддатлиса эса 5070 млн.ни ташкил этган.

Европанинг иқтисодий ривожланган давлатларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият доирасини таҳлил қилиб, шундай хулосага келиш мумкинки, кичик тадбиркорлик йил сайин кенгайиб бормоқда. Кичик ва ўрта корхоналарнинг энг катта улуши хизматлар соҳасида, қишлоқ хўжалигида, саноат ва савдода кузатилди. Иқтисодий эркинлик, сиёсий танлаш имконияти ва юқори технологиялар соҳасидаги умумий таълим кўпгина ривожланган капиталистик давлатлар инновацион ишланмаларига, асбобсозлик, электроника, оптика ва ҳоказоларга махсуслаштирилган кичик корхоналарни ташкил этишга олиб келди. Самарқанд вилоятида 2014 йил январ-декабр ойларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши тўғрисида.

**Самарқанд вилоятида 2014 йил январ-декабр ойларида саноат
маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши таҳлили.**

Корхоналар буйича	Амалдаги нархларда маҳсулот ҳажми		Қиёсий нархларда маҳсулот ҳажми		Ўсиш суръати, %
	2014 йил	2013 йил	2014 йил	2013 йил	Млн. сум
Вилоят бўйича жами	4357229,6	3376687,5	4197057,1	3627428,8	115,7
жами йирик корхоналар	2234775,3	1820961,4	2157150,1	1945686,1	110,9
Республика хужалик бирлашмалари	2565612,9	2048496,5	2472695,3	2199404,7	112,4
Кичик корхоналар	2187695,9	1748667,6	2114509,3	1872759,6	112,9
Самарқанд шаҳри	377917,0	299828,9	358186,0	326645,1	109,7
"Сино" АЖ	1314400,9	1012010,5	1243461,4	1056264,4	117,7
Даке текс КК	9576,5	5506,4	9523,3	5562,7	171,2
Сигарет фабрикаси	21279,6	22133,4	22343,9	22321,5	100,1
Самарқандкимё ОАЖ	678612,6	506238,9	611724,7	537119,4	113,9
Самарқандлифтзаовд ОАЖ	45896,0	13410,4	40833,7	17129,5	238,4
8-март МЧЖ	155,4	1151,3	155,4	1151,3	13,5
Ховренко ОАЖ	367343,4	297821,1	362110,6	299904,1	120,7
Самдонмаҳсулотлари АЖ	2317,2	1510,5	6955,5	6332,6	109,8
Сам электр тармоклари	24527,0	19074,4	26038,5	22026,3	118,2
Каттакургон шаҳри	40404,0	39933,7	39486,6	39486,6	100,0
Ёғ –мой ОаЖ	124289,2	105230,4	124289,2	105230,4	118,1
Жомбой тумани	61789,5	50143,0	57593,5	54698,6	105,3
ЖВ МАН КК	61789,5	50143,0	57593,5	54698,6	105,3
Жомбойдонмаҳсулотлари	437964,6	329347,5	450346,5	397324,8	113,3
Амининвест интернатионал КК	363664,3	267558,2	344494	299158,3	115,2

ООО”узавтарейлар	60111,1	55662,3	58513,1	56521,1	103,5
Иштихон тумани	6960,0	4955,4	6878,9	6400,4	107,5
Митан пахта	7229,2	1171,6	40460,5	35245,0	114,8
Каттакурғон туман	37182,6	33883,4	36216,1	34113,1	106,2
Каттакурғон пахта	37182,6	33883,4	36216,1	34113,1	106,2
Нарпай тумани	41347,1	40274,2	41308,8	40428,8	102,2
Зирабулак пахта	41347,1	40274,2	41308,8	40428,8	102,2
Октошдон	98383,9	90468,0	96372,5	94599,8	101,9
ОАЖ	37322,5	36436,3	37309,7	36537,6	102,1
Оқдарё	61061,4	54031,7	59062,8	58062,2	101,7
Янгикурғон пахта	29589,0	26321,3	27885,7	26451,3	105,4
Паярик	29589,0	26321,3	27885,7	26451,3	105,4
Челак пахта ОАЖ	53828,2	49430,7	51152,6	50396,7	101,5
Пастдарғом тумани	53828,2	49430,7	51152,6	50396,7	101,5
Жума элеватор МЧЖ	59863,2	59743,9	59833,2	59832,1	100,0
Жума пахта ОАЖ	3828,2	3755,4	3828,2	3828,2	100,0
Пахтачи	56035,0	55988,5	56005,0	56003,9	100,0
Зиёуддин пахта ОАЖ	27700,5	25747,8	25953,6	25881,9	100,3
Ургут тумани	27700,5	25747,8	25953,6	25881,9	100,3
УЗБАТ	25646,4	31297,3	24385,4	32768,1	74,4

Манба Статистика бошкармаси

Демак юкоридаги жадвал маълумотларидан куришимиз мумкинки саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши ҳам йилдан йилга яхшиланиб бормокда, вилоятда жами корхоналар буйича, амалдаги нархларда маҳсулот ҳажми 2014-йилда 4357229,6. 2013-йилда эса 3376687,5 та шикл этган. Бундан, Қиёсий нархларда маҳсулот ҳажми 2013-йилда 3627428,8. 2014-йилда 4197057,1 ни курсатиб турибди. Буларнинг узиш суърати эса 2014-йилда 2013-йилга нисбаттан 115,7% курсатиб бермокда. Шу жумладан Самарканд шаҳрида жойлашган “СИНО”АЖ

корхонасида бу курсаткич 2014-йилда 1314400,9. 2013-йилда эса 1012010,5 ни курсатмокда. Бунинг йилдан йилга нисбати эса 117,7 %. Туманлардаги ишлаб турган корхоналарда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши ҳажми, биргина Паярик туманидаги Челак пахта ОАЖ ишлаб чиқариш корхонасида 2014-йилда маҳсулот ҳажми 53828,2 булган булса 2013-йилда 49430,7 ни ташкил этган эди. Бу ерда туманлар буйича энг катта уринни эгаллаб турган туман Жомбой ва Пастдарғом туманларидир.

Хулоса урнида урнида таъкидлаб утиш жоизки, ҳар қандай жамиятда ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш иқтисодий тараққиётнинг асосини яратади. Шу сабабли ҳам, иқтисодиётни эркинлаштириш, модернизациялаш шароитида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш жиддий масалалардан бири ҳисобланади. Вилоятимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ҳажми ва сифати ҳар тарафдан тадбиркорнинг ишбилармонлик қобилиятига боғлиқдир. Бу эса бизнинг тадбиркорлар ва бизнес вакилларида куч ва ғайратни талаб этади.

3.1. Самарканд вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги муаммо ва ечимлари.

Ҳозирги шароитда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик муҳитини таркиб топтириш нафақат миллий, балки халқаро муаммолардан ҳисобланади. Мавжуд бўлган мамлакатлараро гуруҳларда, масалан, Европа

Иттифоқи миқёсида ягона кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини юритиш Европа жамиятига кирувчи мамлакатларда бир-бирига ўхшаб кетмоқда.


Бозор муносабатлари шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига таъсир қилувчи омиллар жуда кўп. Чунки бозорда турли қутилмаган вазиятлар юзага келиши натижасида тадбиркорнинг режаси, кўзда тутган амаллари бузилиб кетиши мумкин. Бунда енг аввало кадрларнинг малакасизлиги ҳам катта урин тутади. Шу туфайли тадбиркорлик субъектлари фаолиятига таъсир қилувчи барча омилларни икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Ижобий таъсир қилувчи омиллар
2. Салбий таъсир қилувчи омиллар.

Ижобий таъсир қилувчи омиллар, албатта жуда муҳим омиллар. Шу туфайли ушбу омиллар таҳлили иқтисодий адабиётларда етарлича ёритилган. Тадбиркорни касодга учратадиган, унинг аҳволини оғирлаштирадиган омиллар бу салбий таъсир қиладиган омиллардир. Аммо бундай омиллар иқтисодий адабиётларда кам тадқиқ қилинган. Шу туфайли бундай омилларга алоҳида эътибор қаратишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Ўз навбатида салбий омиллар таъсир доираси бўйича икки гуруҳга бўлинади, яъни ички омиллар ва ташқи омиллар (3.1.1-расм). Кичик бизнес ва хусусийтадбиркорликнинг самарадорликка таъсир этувчи омиллар⁶

⁶ М.Қ.Пардаев, Ж.И.Исроилов. Хусусий корхоналар фаолияти таҳлилининг назарий ва методологик муаммолари. “Фан ва технология” нашриёти, 2007. –Б. 82.



Демак кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ута мураккаб ва серкирра соҳалиги сабаб унинг канча жабҳаси куп булса муоммоси хам шунча купдир. Шу туфайли кичик бизнесни ривожлантириш учун хам хар бир аник холатда аник муоммоларни хал этишга тугри келади. Агар худудда корхона ташкилотларга нисбаттан ишчи кучи ортикчалиги (профицит) рўй бериб, таклиф ҳажми талабдан юқори бўлса, у ҳолда давлат ишчи кучи таклифини камайитириш ва унга бўлган талабни кўпайитиришни рағбатлантириш

сиёсатини юритади. Аксинча ҳудудда ишчи кучи танқислиги (дефицит) кузатилса, у ҳолда давлат ишчи кучи таклифини кўпайтириш ва унга бўлган талабни камайитириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни белгилайди. Бу масала эса юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатлари, яшаши, ривожланиши ва эртанги куни билан боғлиқ. Республикамиздаги мавжуд меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, унга бўлган талаб ва эҳтиёжга қараб фойдаланиш, бозор иқтисодиётига ўтилаётган ҳозирги даврда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосини ташкил этади.

Юқори бўлимларда таъкидланганидек, иш ўринларининг қисқариши миллий иқтисодиётда таркибий ислоҳотларнинг амалга оширилиши, модернизациялаш ва либераллаштириш жараёнларининг жадаллашуви ҳамда мулкчилик шакллариининг ўзгариши натижасида кузатилган бўлса, шунингдек, бу ҳолатга ишлаб чиқариш корхоналарининг бозор иқтисодиёти қонуниятларига жавоб бера олмаслиги ва рақобат курашида мағлубиятга учраши оқибатида банкрот деб эълон қилиниши ҳам сабаб бўлган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги айрим камчиликларни санаб утадиган булсак.

-Кичик тадбиркорлик субъектлари учун муҳим муаммолардан бири моддий-техника ресурслари билан таъминланиш ҳисобланади;

- Аввало корхона, фирмаларда малакали кадрларнинг камлиги;
- Импортнинг куплигию, экспортнинг камлиги;
- ишлаб чиқарилаётган (айрим) маҳсулотларнинг талаб даражасида эмаслиги;
- чет ел корхоналари билан ҳамкорликнинг камлиги;
- ишлаб чиқарилаётган товарларнинг мавсумийлиги;
- айрим ишлаб чиқариш корхоналарининг атроф муҳитга зарар келтириши ва экологияни зарарлаши;

-айрим корхона ва ташкилотларда буш иш урни була туриб ахоли бандлигининг таъминланмаганлиги;

-тарғибот масалаларига етарлича эътибор берилмаганлиги туфайли хорижий фуқароларнинг аксариятида Ўзбекистон тўғрисида ҳеч қандай маълумотнинг йўқлиги;

- рақобат муҳитини шакллантириш:

- яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки хурматли бизнес вакилларининг четга чиқараётган товарларини уз мамлакатаида ҳам шу нархларда баҳоламасликлари;

Юқорида санаб ўтилганларни бартараф этиш учун биринчи навбатда кичик бизнес соҳасини сифатли бўлишига эришиш лозим. Бунинг учун бизнес вакилларининг ривожланган мамлакатларда малака ошириб туришларини ташкил этиш керак: ҳақиқатдан ҳам сифатли деб баҳоладиган хизматни ишлаб чиқаришдан аввал шу хизматни бошқалар қандай кўрсатишаётгани билан танишиш зарур! Иккинчи навбатда, маҳсулотларимизга нарх белгилаш тизимимизни қайта кўриб чиқиш; нархни белгилаётганда кўшни мамлакатларда, хусусан, Марказий Осиё давлатларида, бундан ташқари, Хитой, Эрон, Кореа ва Туркияда нархлар даражаси қандайлигига эътибор бериш керак. Чунки, бу давлатлар халқаро бозорда Ўзбекистоннинг асосий рақобатчилари бўлиб ҳисобланишади ва уларнинг ҳатти-ҳаракатларини кузатиб бориш корхоналаримиз учун фойдадан холи бўлмайди.

Куриниб турибдики агар бизда бу муоммоларни хал этиладиган булса, кичик бизнес соҳасининг ривожланиши оркали биз нафакат иктисодий даромад олишимиз балки ахоли бандлигини таъминлашимиз ҳамда уларни иш билан таъминлашимизга ҳам имкон яратилади.

3.2. Самарканд вилоятида аҳоли бандлигини таъминлаш муоммолари ва уларни ечишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг урни.

Хар қандай соҳада ҳам аҳоли турмуш фаровонлигини таъминловчи муҳим омиллардан бири – бу аҳоли бандлигидир. «Бандлик муоммоси – бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётнинг маҳсули, унинг ажралмас қисми сифатида вужудга келади ва ўта муҳимлиги сабабли ҳамиша давлат раҳбарларининг, иқтисодчи олимларнинг, жамоатчиликнинг диққат марказида туради. Хар қандай ижтимоий-сиёсий тузилмада аҳолини меҳнатда бандлик муаммоси мураккабдир. Ҳозирги вақтда Ўзбекистондаги аҳолини меҳнатда бандлик ҳолати меҳнат ва ижтимоий – сиёсат соҳасидаги баъзи камчиликлар билан боғлиқдир.

Ҳозирги вазиятнинг ўзига хослиги шундан иборатки, меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳолининг ўсиш суръатлари маълум даражада бир хил эмаслиги, меҳнат ресурслари сонининг ўсиши билан жамоат ҳўжалигидаги иш билан бандлик динамикаси ўртасидаги боғлиқликнинг қаттиклигидир. Меҳнат ресурслари таркибига аҳолининг табиий ҳаракати ўзгаришининг кўпайиши таъсир кўрсатмоқда. Шунини таъкидлаш муҳимки, меҳнатга қобилиятли ёшга кираётган йигит ва қизларнинг кўпчилиги меҳнатга қобилиятли аҳолини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни эмас, балки унинг табиий йўқ бўлиши ўрнини қоплайди, яъни авлодларнинг жадал алмашуви содир бўлади, у меҳнат ресурсларининг сифат таркиби кескин ўзгаришига сабаб бўлади. Айни вақтда келгусида ходимларнинг оммавий равишда бўшатилиши натижасида иш билан бандлик вазияти меҳнатга қобилиятли аҳолининг ўсиши сезиларли даражада кўпайиши туфайли мураккаблашуви мумкин. Биз алоҳида сўз юрутиб таъкидлаб ўтадиган бўлсак аҳоли бандлигини таъминлашдаги энг катта муоммоларидан яна бири бу жаҳон молиявий- иқтисодий инқирозининг таъсиридир. Жаҳоннинг ночор давлатларидан тортиб энг йирик ва бадавлат давлатлари ҳам бугун молиявий- иқтисодий инқирознинг энг оғир дамларни бошидан кечирмоқда. Глобал молиявий инқироз жаҳондаги энг йирик давлатларнинг иқтисодий тизимини

ишдан чиқарди. Халқаро Меҳнати ташкилоти (International Labor Organization (ILO) ҳар йили бандлик масаласига бағишланган ҳисобот эълон қилади. Яқинда эълон қилинган “2014 йилда бандлик масаласидаги жаҳон тенденциялари” (“Global Employment Trends 2014”) деб номланган Ҳисоботда жаҳон иқтисодиёти паст кўрсаткичлар билан ўсиб бораётгани сабаб бандлик муаммоси бартараф этилмаётгани таъкидланади.

Жаҳон иқтисодий инқирози кўплаб корхоналарни касодга учратди. Бу эса миллионлаб одамларни ишдан маҳрум қилди. Замонавий дунёда иш ўринларининг асосий юраги хусусий сектор бўлиб, ҳар 10 та иш ўрининг 9таси мана шу секторга тўғри келади.

Бандлик ривожланган ва ривожланаётган ҳар қандай давлатнинг асосий ва долзарб муаммоларидан биридир. Биринчи рақамли деб айтилаётган мазкур муаммони ҳал қилишнинг бирдан бир йўли янги иш ўринларини яратиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишдан иборатдир. Аммо таҳлилчиларнинг тан олишича, кенг аҳоли ўртасида кузатилаётган оммавий қашшоқлик ва уларнинг ижтимоий ҳимояланмаганлиги 21 аснинг ёрқин кўринишидир.

Айрим мутахассислар бугунги дунёда тахминан 21 миллион киши мажбурий меҳнатга (қулликка,) жалб қилинганлигини айтишади. Жаҳон Банки экспертларининг сўзларига қараганда, бугунги кунда жаҳонда 3 миллиарддан ортиқ киши иш билан банд. Шундан 1,65 миллиард киши ёлланма меҳнат билан шуғулланади.

Мавсумий ишлар, қишлоқ хўжалиги ва кичик оилавий корхоналарда 1,5 миллиард киши меҳнат қилади. Ривожланаётган мамлакатлар аҳолисининг ярмидан кўпроғи меҳнат бозоридан ташқарида экан. Бу мамлакатларда аҳоли асосан рўйхатдан ўтмаган фирма ва корхоналарда ижтимоий суғуртасиз ва меҳнат шартномасини имзоламаган ҳолда ишлайди. Халқаро ташкилот вакиллари сифатсиз меҳнатни таъминловчи “қора бозор”га қарши чиқиб келадилар.

Бугунги кунда ишга яроқли ёшларнинг тахминан 13,1 фоизи ишсиз экан. Бу катта ёшдагилар ўртасидаги ишсизликдан уч баробар кўпдир. Мазкур муаммо ўқиш ва ишламайдиган ёшлар кўпайиб бораётган Яқин Шарқ, Шимолий Африка, Лотин Америкаси, Жанубий Европа, Кариб ҳавзаси, Шарқий ва Жанубий Осиёдаги мамлакатларида яққол кўзга ташланмоқда. “2014 йил яқунларига қараганда, ўтган йили 202 миллион ишсиз рўйхатга олинган. Бу 2013 йилга нисбатан 5 миллион кўпдир” — деди Халқаро Меҳнат ташкилоти бош директори Гай Райдер. Кўриниб турибдики, жаҳон аҳолисининг ишга яроқли 6,1 фоизи ишсиз экан. 15 ёшдан 24 ёшгача бўлган ишсизлар сони 74,5 миллионга етганини таъкидлади.

Агар вазият шу даражада ривожланадиган бўлса, у ҳолда 2018 йилга бориб жаҳонда ишга яроқли аҳолининг 215 миллиони ишсиз бўлади. Шу давр мобойнида ҳар йили ўртача 42,6 миллион киши жаҳон меҳнат бозорида банд бўлиши керак. Аммо, атиги 40 миллионга яқин иш ўрни яратилиши кутилмоқда. Тўғри, айти дамда жаҳон иқтисодиётида жонланиш кузатилмоқда.

БМТ мутахассислари эса, жаҳондаги ишсизларнинг кўпайишига иқтисодиётдаги тараққиётнинг пастлиги сабаб бўлаётганини айтишади. Замонимизнинг долзарб ва ер шари аҳолисини ташвишга солаётган муаммоларидан бири шубҳасиз ишсизликдир. Бугунги кунда олий маълумотли бўлишга қармай нафақат яхши, балки, оддий иш топиш ҳам мушкул бўлиб қолди. Жаҳонда олий маълумот тўғрисида диплом олган мутахассисларнинг иш билан таъминланиши ҳам асосий муаммолардан бири бўлиб турибди. McKinsey консалтинг компанияси ўтказган тадқиқот натижаларига қараганда, дунёда олий ўқув даргоҳини битирган 75 миллион талаба иш билан таъминланмаган. Ишсизлар сони бўйича Мавритания биринчи ўринда турибди. Бу мамлакатда ишга яроқли аҳолининг 30,89 фоизи ишсиз экани маълум қилинди. Италияда бу рақам шу йилнинг феврал ойида 13% ташкил қилди. Мамлакат Миллий статистика институтнинг маълум қилишича, ўсмирлар ўртасидаги ишсизлик 42,3 фоизни ташкил қилади. Кипр

ва Грецияда ҳам шу каби ҳолатни кўриш мумкин. Еврохудудда февраль ойида ишсизлик 11,9 фоизни ташкил қилди. Ғарб иқтисодчиларининг сўзларига қараганда, ишсизлик нафақат қолоқ, балки ривожланган мамлакатларнинг ҳам асосий муаммоларидан бирига айланиб қолди.

Тадқиқотчилар ишсизлик рухий стрессга сабаб бўлишини айтишади. Америкалик олимларнинг сўзларига қараганда, бир йил ишсиз юриш беш йиллик умрнинг заволига айланар экан. Ишсизлик жиноятчилик ва гиёҳвандлар сонининг ортишига, ўз жонига қасд қилувчиларнинг кўпайишига сабаб бўлади шу боис биз ҳам вилоятимиздаги ишсизлар ва ишсизлик даражасида юрган аҳоли сонини ушбу (3.2.1-жадвал) орқали куриб чиқамиз.

(3.2.1-жадвал)

Самарканд вилоятидги ишсизлар ва ишсизлик даражаси таҳлили.

йиллар	Ишсизлар сони			Ишсизлик даражаси.		
	жами	Шу жумладан		жами	Шу жумладан	
		аёллар	эркаклар		аёллар	эркаклар
2011-йил	78.4	41.8	36.6	6.0	6.9	5.2
2012-йил	74.2	32.5	41.7	5.5	5.2	5.8
2013-йил	74.6	32.7	41.9	5.4	5.0	5.7
2014-йил	76.2	33.5	42.7	5.3	5.0	5.6

Юқоридаги жадвал маълумотларидан келиб чиққан ҳолда Самарканд вилоятидги ишсизлар ва ишсизлик даражасини таҳлил қиладиган бўлсак, 2011-йилда жами ишсизлар сони **78.4**, 2012-йилда **74.2**, 2013-йилда **74.6**, 2014-йилда эса **76.2** кишини ташкил этган. Бундан жами ишсизларнинг 2011-

йилда аёллар **41.8**, эркеклар **36.6** та. Ишсизлик даражаси эса аёлларда **6.9**, эркекларда **5.2** %ни ташкил этган. Бундай ҳолат 2014 – йилдан 2013-йилга нисбаттан жами ишсизлар ва ишсизлик даражаси буйича, аёллар **0.8** %га, эркеклар **0.8**%га, шу жумладан ишсизлик даражаси аёлларда **-0.1** % га камайган, эркекларда **-0.1** % га камайган бундан ташқари “Катта йигирмалик”(G20)ка аъзо мамлакатларнинг деярли ҳаммасида ишсизлик билан боғлиқ муаммо мавжуд. Бу муаммоларни давлатнинг иштирокисиз ҳал қилиб бўлмайди. Яъни ҳукумат бандлик муаммосини ҳисобга олган ҳолда макроиқтисодий сиёсат олиб бориши керак бўлади. G20га АҚШ, Европа Иттифоқи, Германия, Франция, Италия, Буюк Британия, Канада, Австралия, Япония, Хитой, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Аргентина, Бразилия, Мексика, Индонезия, Саудия Арабистони, Туркия, Жанубий Африка Республикаси ва Россия киради. Бу мамлакатларда (умумий ҳисобда 93 миллион кишининг ишсиз экани айтилади) ишсизлик даражаси бир-бирларидан тубдан фарқ қилади. Масалан, Япония, Корея, Хитой ва Ҳиндистонда ишсизлик 5%дан кам бўлса, Европа Иттифоқи, Франция ва Италияда 11 — 12%, Жанубий Африкада — 25,2%, Испанияда — 26,8% ташкил қилади. Бу мамлакатлардаги ёшлар ўртасидаги ишсизлик эса катталарга нисбатан икки баробар кўпдир. Ишсизлар деб, ишга яроқли, аммо иш топа олмаётганларга айтилади. Халқаро Меҳнат Ташкилоти меъёрларига кўра, ҳеч қачон ишламайдиган, иш қидираётган ва ишга киришишга тайёр 20 ёшдан 72 ёшгача бўлган одамлар (тўғрироғи, меҳнат биржасидан рўйхатдан ўтганлар) ишсиз дейилади. Бандлик муаммоси аҳолисининг катта қисмини қариялар ташкил қиладиган мамлакатларда анча долзарб масаладир. Дунёдаги бу бўлаётган ишлар эса бизнинг мамлакатга ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қўймайди. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобида «тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий инқирози мамлакатимизга таъсир кўрсатмайди, бизни четлаб ўтади, деган хулоса чиқармаслик керак. Масалани, бундай тушиниш

ўта соддалик, айтиш мумкин, кечириб бўлмас хато бўлур эди. Барчамиз бир ҳақиқатни англаб лозим – Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий – иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади» деб алоҳида таъкидланган эдилар.

Мамлакатизда аҳолини иш билан бандлиги муоммоларини ҳал қилиш қилишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш билан бирга, хизмат кўрсатиш соҳаси касаначиликнинг турли шакллари жорий этиш, кишлоқ жойларда чорвачиликни ривожлантириш ҳам анча яхши натижаларга олиб келади, ва биз бу борада иш билан таъминланиш учун қуйдаги бандликка кўмаклаштиш ташкилотларга мурожат қилишимиз мумкин ва бу масала бандликка кўмаклашувчи марказларнинг асосий вазифалари этиб белгиланган:

1. Иш билан банд бўлмаган аҳоли ҳисоби методикасига мувофиқ, ишсизлар тизимли равишда ҳисобга олиб борилишини, ишга жойлаштишга муҳтожлар, шуниндек мавжуд бўш иш жойлари тўғрисида маълумотлар банки шакллантирилишини таъминлаш;

2. Аҳоли бандлигининг самарали шакллари ривожлантириш, жумладан касаначилик меҳнатни жорий этиш, мустақил иш билан бандлик, шу жумладан шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш ҳамда бошқа турдаги иш билан бандликни рағбатлантириш;

3. Ишсизларни касибга ўқитиш қайт ўқитишни ташкил қилиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қонун ҳужатларида назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш, ҳақ тўланадиган жамоат ишларин кенгайтириш;

Бандликка кўмаклаштиш марказлари иш билан банд бўлмаган аҳолини ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга жалб қилиш, банд бўлмаган аҳолини йўллар қуриш ва аҳоли пунктларини ободонлаштириш бўйича қурилиш ишларини бажаришга кенг жалб этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, хизматлар ва сервис

соҳасини, чорвачилик ва касаначиликни ривожлантириш, бандликка кўмалашиш жамғармаси ва тижорат банкларининг маблағларидан имтиёзли кредитлар ажратиш ҳисобига янги иш ўринларини ташкил этиш, имтиёзли кредитларни иш билан банд бўлмаган аҳолининг юқори даражаси кузатилаётган туманлар ва шаҳарларга, ўрта махсус касб-ҳунар ўқув юртлари битирувчиларини ишга жойлаштириш йўналтириш орқали юқорида белгиланган вазифаларни амалга оширади.

(3.2.-2-жадвал)

Самарканд вилоятидаги ишга жойлашишга муҳтож аҳоли.

	2010 - йил	2011 – йил	2012 - йил	2013 -йил	2014 - йил	сўрати	
						2014 –йил 2010 -йил	2014- йил 2013-йил
Ишга жойлашишга муҳтож аҳоли сони	78,4	74,2	74,6	76,2	82,6	105,4	108,4
шундан, ишсиз сифатида меҳнат идораларида рўйхатда турувчилар, киши	1 024	912	1 114	1 787	160	15,6	9,0
Ишсизлик даражаси (ХМТ услубиёти бўйича), %	6,0	5,5	5,4	5,3	5,4	х	х
Ишсизлик даражаси, %	0,08	0,07	0,08	0,12	0,01	х	х
Иқтисодий нофаол аҳоли (меҳнат ёшидаги)	507,4	558,6	554,7	540,3	530,4	104,5	98,2

Юртимизда ишсизлик ва бандлик муоммоси мамлакатда юзага келган вазият билан чамбарчас боғлиқдир. Шу сабаб юқоридаги келтирилган маълумотларга кура ишга жойлашишга муҳтож аҳоли сони кундан кунга кескин ўзгариб бормокда. Жумладан Ишсизлик даражаси, 2010 –йилда ,00.8

%, 2011-йилда 00,7%, 2012-йилда 00.8 %, 2013-йилда 0,12%, 2014-йилга келиб эса бу ҳолат 0.01%ни ташкил этганлигини курамиз. Иқтисодий нофаол аҳоли (меҳнат ёшидаги) сони эса 2010-йилда 507.4 , 2011-йилда 558.6, 2012-йилда 554.7, 2013-йилда 540.3, 2014-йилга келиб 530.4 мингтани ташкил этди. Ва бу 2014-йилга 2010-йилга нисбаттан 104,5 минг тага узгарганини курамиз. 2013-йилга нисбаттан эса 98.3 минг тага узгарган. Бу жараён 2010-йилга нисбаттан анча салбий ва 2013-йилга нисбаттан озгина ижобийдир.

Шундан келиб чиққан ҳолда, 2007 йил 24 майда Вазирлар Маҳкамасининг “Ишга жойлаштиришга муҳтож иш билан банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш методикасини такомиллаштириш тўғрисида”ги 106-сонли Қарори қабул қилинди ва унга мувофиқ 2007 йилнинг 1 июлидан бошлаб “Ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳудудлар бўйича ҳисоблаб чиқиш” Методикаси ХМТ томонидан белгиланган нормалардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг иш билан таъминлаш ва меҳнат бозорининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олади. Унда ишсизлар “ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳоли” тушунчасига тенг деб қаралади.

Мазкур услубиятга кўра:

1. Ишга жойлаштиришга муҳтож шахслар сони меҳнат ресурслари сонидан меҳнат билан бандлар сони ва иқтисодий фаол бўлмаганлар сонини чиқариб ташлаган ҳолда қуйидаги формула билан аниқланади:

$$MM=MP-B-ИНФ,$$

бунда, ММ – ишга жойлаштиришга муҳтож аҳоли (ишсизлар);

МР – меҳнат ресурслари;

Б – иш билан бандлар;

ИНФ – иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли.

2. Меҳнат ресурслари сони меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сони ва меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик ва катта ёшдаги ишловчилар сони йиғиндиси сифатида қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$MP = MJA + I\ddot{U}P,$$

бунда, МЈА – меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли;

ИЎП – ишлаётган ўсмирлар ва пенсионерлар.

3. МЈА сони меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли (16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркеклар, 16 ёшдан 55 ёшгача хотин-қизлар) сонидан меҳнатга лаёқатли ёшдаги I ва II гуруҳ ногиронлари, шунингдек имтиёзли шартларда пенсия олаётган меҳнатга лаёқатли ёшдаги шахслар сонини чиқариб ташлаш йўли билан аниқланади:

$$MJA = \Xi(16-60) + X(16-55) - \text{Ног} - \text{Пи},$$

бунда, $\Xi(16-60)$ - 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркеклар;

$X(16-55)$ - 16 ёшдан 55 ёшгача хотин-қизлар;

Ног - меҳнатга лаёқатли ёшдаги I ва II гуруҳ ногиронлари

Пи - имтиёзли шартларда пенсия олаётган меҳнатга лаёқатли ёшдаги шахслар.

4. Меҳнат билан бандлар сони қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:

$$IT = IT_r + IT_{nr} + MM,$$

бунда, IT_r – иқтисодиётнинг расмий секторида ишловчилар;

IT_{nr} – иқтисодиётнинг норасмий секторида ишловчилар;

MM – мигрант меҳнатчилар – хорижда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси резидентлар, уларнинг мазкур мамлакатда рўйхатга олинган ёки олинмаганлигидан қатъи назар.

4.1. Расмий секторида банд бўлганлар давлат статистика ҳисобот маълумотлари бўйича аниқланади ва ҳисоблаб чиқилади.

4.2. Норасмий секторда банд бўлганлар сонини аниқлаш ва ҳисоблаб чиқиш ХМТ нормаларидан келиб чиқиб ҳамда Давлат Статистика қўмитасининг ҳисобга олиш ва таснифлаш амалиётига мувофиқ иқтисодиётнинг норасмий секторида банд бўлганлар жумласига ижтимоий суғурта ва солиқ органларида ҳисобга турмаган шахслар киради.

5. Иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли сони қуйидагича аниқланади:

$$\text{ИФА} = \check{Y} + A + \text{ИН} + \text{ИББ},$$

бунда, ИФА - иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли;

$\check{Y}$ – ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиётган ҳамда иш ҳақи меҳнат даромадига эга бўлмаган ўқувчилар ва талабалар;

A – уй бекалари ва болаларни парвариш қилаётган ишламайдиган аёллар;

ИН – ишламайдиган учинчи гуруҳ ногиронлари;

ИББ – ихтиёрий равишда иш билан банд бўлмаган шахслар, шунингдек кўчар ва кўчмас мулкдан даромад оладиган ишламайдиган шахслар.

6. Мустақил равишда иш қидираётганлар сони ишга жойлаштиришга эҳтиёж сезадиган аҳолининг ҳисобланган сонидан ҳисобот даври охиридаги ҳолат бўйича БК ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Марказларида расман ишсиз сифатида рўйхатдан ўтказилган шахслар сонини чиқариб ташлаш йўли билан қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{ИМ} = \text{ИБ} - \text{РР},$$

бунда, ИМ – иш билан банд бўлмаган, мустақил равишда иш қидираётганлар;

ИБ - ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳоли (ишсизлар);

РР - ишга жойлаштиришга муҳтож бўлганларни аниқлаш пайтида расман рўйхатдан ўтказилган ишсизлар.

(3.2.3-жадвал)

**Самарқанд вилояти бўйича ишсиз ёшларни тадбиркорлик
асосларига ўқитиш тўғрисида**

№	Кўрсаткичлар	2010	2013	2010-2013 йй. ўсиши (%да)
1	Танловга қатнашаш учун ариза берган ишсизлар сони	176	316	180
2	Шу жумладан:			
	Танловга қатнашганлар	124	290	2,3марта
	Танловдан ўтганлар	83	86	103,0
3	Ўқишга юборилганлар сони	83	86	103,0
4	Ўқишни битирганлар сони	30	86	2,9 марта
5	Тадбиркорлик билан шуғулланаётганлар сони	30	86	2,9 марта
6	Шундан:			
	Ўз ишини ташкил қилганлар:	16	67	4 марта
	Бошқа тадбиркорлар билан биргаликда ишлаётганлар сони:	14	19	130,0
7	Қолганлардан ишга жойлашганлар	0	0	

Манба: Самарқанд вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

3.2.3-жадвал маълумотларига кўра, Самарқанд вилояти бўйича ишсиз ёшларни тадбиркорлик асосларига ўқитиш бўйича танловга қатнашаш учун ариза берган ишсизлар сони 2010-йилда 176 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич

2009-йилда 180%га ўсган. Шу жумладан 2010-2013 йилларда танловга катнашганлар 2,3 мартага, танловдан ўтганлар ҳиссаси 103,0 %га ўсган.

Вилоятда таҳлил этилаётган даврлар ичида ўқишни битирганлар сони ва тадбиркорлик билан шуғулланаётганлар сони мос равишда 2,9 мартага ўсган. Тадбиркорлик билан шуғулланаётганлар сонида ўз ишини ташкил қилганлар 4 мартага, бошқа тадбиркорлар билан биргаликда ишлаётганлар сони 130%га ошган.

Бизнинг фикримизча, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятларининг иш самарадорлигини ошириш ва мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашнинг асосий шартларидан бири ахборот марказини ташкил қилишдан иборат.

Ҳозирги вазиятнинг ўзига хослиги шундан иборатки, меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳолининг ўсиш суръатлари маълум даражада бир хил эмаслиги, меҳнат ресурслари сонининг ўсиши билан жамоат ҳўжалигидаги иш билан бандлик динамикаси ўртасидаги боғлиқликнинг қаттиклигидир. Меҳнат ресурслари таркибига аҳолининг табиий ҳаракати ўзгаришининг кўпайиши таъсир кўрсатмоқда. Шунини таъкидлаш муҳимки, меҳнатга қобилиятли ёшга кираётган йигит ва қизларнинг кўпчилиги меҳнатга қобилиятли аҳолини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни эмас, балки унинг табиий йўқ бўлиши ўрнини қоплайди, яъни авлодларнинг жадал алмашуви содир бўлади, у меҳнат ресурсларининг сифат таркиби кескин ўзгаришига сабаб бўлади, айтилиши вақтда келгусида ходимларнинг оммавий равишда бўшатилиши натижасида иш билан бандлик вазияти меҳнатга қобилиятли аҳолининг ўсиши сезиларли даражада кўпайиши туфайли мураккабланиши мумкин.

Юқоридаги фикр мулоҳазалардан келиб чиқиб, тумандаги бандликка кўмаклашувчи марказларнинг фаолият самарадорлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги асосий чора – тадбирларни белгилашни таклиф этамиз:

1. Корхона ва ташкилотлардаги бўш иш ўринларини рўйхатга олишни қонуний асосда йўлга қўйиш ва унга қатъий амал қилган ҳолда фаолият юритиш. Бундан асосий мақсад шундан иборатки, кўпчилик корхоналарда бўш иш ўринлари бандликка кўмаклашувчи марказлар томонидан номигагина рўйхатга олинади, баъзи ҳолларда рўйхатга олинмайди ҳам. Бу эса ўз навбатида аҳолининг иш билан банд бўлмаган қисмининг бандлигини таъминлашни қийинлаштиради.

2. Бўш иш ўринлари ярмаркасини доимий равишда ҳар ойда ўтказиш зарур. Бизга маълумки, марказлар томонидан бундай ярмаркалар ҳар ярим йилликда ёки бўлмаса, айрим ҳолларда бир йилда бир марта ўтказилади. Бу ҳам аҳолининг иш билан банд бўлмаган қисмининг бандлигини таъминлашни қийинлаштиради.

3. Бўш иш ўринлари ярмаркасини нафақат вилоят, туман, шаҳар марказларида балки фуқаро йиғинлари ҳудудида ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Бу бандликка кўмаклашувчи марказларнинг аҳоли билан алоқасини янада яқинлаштиради ва натижада аҳоли бандлигини таъминлашда амалий аҳамият касб этади бу эса вилоятда ишсизлик муаммоларини ҳал қилиш, меҳнат бозорига кириб келаётган аҳоли қатламларини, энг аввал ёшларни, ишсиз хотин-қизларни, битирувчиларни иш билан таъминлаш, иш жойларининг барқарор бўлишлиги асосий вазифа қилиб белгилайди. 2015 йил 1 декабр ҳолатига вилоят аҳолиси ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда иштирок этмайдиган иқтисодий нофаол аҳоли **530 минг** кишини ташкил қилади. Ишга жойлашишга муҳтож аҳоли сони **82,0 минг**ни ёки ишсизлик даражаси ўртача **5,5 фоиз**ни ташкил қилади. Агар биз юқоридаги гапларга эътибор қаратсак бу ҳолат оз бўлсада камаяди, ва мамлакатимиз тараккиёти бунданда гуллаб яшнайди.

3.3. Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш асосида аҳоли бандлигини оширишнинг йуллари.

Бозор муносабатлари шароитида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Чунки, ишсизлик муаммосининг мавжудлиги бозор иқтисодиётининг ажралмас хусусиятидир. Шундай экан, ишсизлик муаммосини ўрганишдан асосий мақсад – аҳолининг иш билан бандлигини ошириш орқали мамлакат ишлаб чиқаришини кенгайтириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга алоқадор тадбирлар ишлаб чиқишдан иборат. Бунинг натижасида вилоятимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унга кенг иқтисодий эркинлик бериш билан тавсифланади. Шу жиҳатдан қараганда, ҳозирги кунда вилоятимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш масаласига давлатимиз иқтисодий сиёсатининг стратегик вазифаси, аҳоли фаровонлигини ошириш омили сифатида қаралмоқда. Иш билан бандлик характери кишиларнинг мулкӣ мақомига боғлиқ бўлади. Капитал соҳиблари тадбиркорлик билан банд бўлсалар, меҳнат аҳли ёлланиб ишлайди. Иш билан бандлик даражасини меҳнат бозоридаги талаб белгилайди, аммо бозор талаби доирасида иш билан бандлик шаклини танлаш имкони мавжуд бўлади. Ўтиш даврида иш билан бандликни таъминлашнинг бозор қоидалари билан биргаликда, унга давлатнинг аралашуви ҳам юз беради.

Биз эса шу йўналишлардан фойдаланган ҳолда вилоятимизда аҳоли бандлиги даражасини кескин ошириш учун қуйидаги муҳим тадбирларни амалга оширишимиз зарур:

- Аввало меҳнат ҳақи унинг якуний натижаларидан узилиб қолиши ва ишловчиларнинг касбий билимлари ва иш жойларининг унумли техника

билан таъминланишини пастлиги нафақат ишлаб чиқариш корхоналари қувватларидан самарасиз фойдаланишга, балки ички ва ташқи бозорларнинг талабларига тўлиқ мос келмайдиган паст сифатли товарларни ишлаб чиқаришга олиб келади. Натижада кўпгина ишчи ходимларнинг меҳнати ижтимоий тан олинмайди (амалда меҳнат ҳақи орқали тан олинган бўлса ҳам) ва халқ хўжалиги нуқтаи назаридан уларнинг иш билан бандлиги иқтисодий мазмунга эга бўлмайди.

- Иш билан бандлик хизмати фаолиятининг ривожланишида унинг асосий функцияларидан бири, меҳнат бозорида самарали тадбирларини ва иш билан бандлик соҳасида ҳар томонлама ўзаро самарали ҳамкорликни таъминлаши зарур.
- Янги иш жойларини яратиш шу жумладан кўп болали оилалар учун кафолатлаштирилган иш жойларини яратишга ҳамкорлик қилиш;
- иш жойлари билан "ишлашни хоҳловчи" фуқаролар ўртасидаги рационал нисбатга эришиш;
- банд бўлмаган ишсизлар учун янги иш жойларини яратиш бўйича давлат, маҳаллий ва хорижий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- қишлоқдақўшимча иш жойларини яратувчи хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш;
- ишчи кучига талаб, унинг таклифи ва нархи ҳақидаги маълумотларнинг статистик, банкини яратиш;

Шундай қилиб, бозор муносабатларининг вужудга келиши ва ишсизлик фактини унинг барча кўринишларида тан олиниши ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги тенгсизликни камайтириш бўйича масалани ҳал қилишни кўзда тутди. Аммо шундай бўлиши керакки, меҳнат ҳар бир иш жойида иқтисодий мақсадга мувофиқ бўлсин, яъни аҳолининг иш билан бандлигини оқилона тузилишига эришилсин.

**Самарқанд вилоятида иш кучига бўлган талаб тўғрисида маълумот
(2014-йил)**

	Шаҳар ва туманлар	қайд этилган бўш (вакант) иш ўринлар сони	яратилган янги иш ўринлари	Шу жумладан					хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида
				кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда	янги объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва кенгайтириш ҳисобига	ижтимоий ва бозор инфра-тузилмасини ривожлантириш ҳисобига	уй меҳнатини ривожлантириш ҳисобига	бошқа йўналишлар ҳисобига	
		бирлик	бирлик	бирлик	бирлик	бирлик	бирлик	бирлик	бирлик
	Вилоят бўйича	3201	95011	43937	4634	7435	17405	21600	17392
1	Самарқанд шаҳри	1117	16463	10555	1200	1516	2376	816	4398
2	Каттакўрғон шаҳри	182	2373	1181	183	201	768	40	543
3	Булунғур	68	5593	3282	156	533	530	1092	1314
4	Жомбой	150	4464	2267	411	387	569	830	767
5	Иштихон	61	5911	3469	150	250	801	1241	1601
6	Каттакўрғон	158	5708	1152	171	378	1860	2147	491
7	Нарпай	79	5432	1980	315	386	978	1773	638
8	Нуробод	67	4421	1443	280	358	1281	1059	710
9	Оқдарё	44	4289	2146	70	431	756	886	673
10	Пайариқ	77	6357	3068	0	464	1112	1713	1040
11	Пастдарғом	497	6179	3259	45	568	745	1562	1398
12	Пахтачи	66	4762	1297	102	461	1099	1803	598
13	Самарқанд	275	4488	1670	309	300	514	1695	447
14	Тайлоқ	135	4755	1929	120	405	573	1728	550
15	Ургут	156	10017	4301	494	432	2226	2564	2039

16	Қўшрабод	69	3799	938	628	365	1217	651	185
----	----------	----	------	-----	-----	-----	------	-----	-----


Манба:Иқтисодиёт бошқармаси.

Демак юкоридаги (3.3.1-жадвал) маълумотларидан куришиб турибдики 2014-йилда амалга оширилган ислохатлар натижасида иш кучига булган талаб яхши натижаларга олиб келган, асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда яратилган иш уринлари вилоят микёсида 43937минг аҳоли иш билан бандлигини таъминлаш мақсадида ишчи кучига булган таълабни курсатиб бермокда. Шундан уй меҳнатини ривожлантириш ҳисобига яни оилавий тадбиркорликда 17405 та аҳоли иш билан банд.Янги объектларни куриш, реконс-трукция қилиш ва кенгайтириш ҳисобига эса 4634 кишининг бандлиги таъминланган. Шу билан бирга туманлар микёсида. Паярик туманида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида банд аҳоли сони 3068 киши, оилавий тадбиркорликда 1112 кишининг бандлиги курсатилиб берилмокда. Тайлок туманида эса бу ҳолат 1929 та аҳоли иш билан банд биргина кичик корхоналарда, оилавий тадбиркорликда 573 киши. Жомбойда 2267 та банд аҳоли сони, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида эса 767 кишининг бандлиги таъминланган. Бу йерда енг куп корхоналар ва кичик бизнес субъектларида банд аҳоли сони эса Самапканд шаҳрининг узига тугри келмокда. 2-уринда Пастдарғом тумани уз аҳолисини иш билан таъминламокда. Демак хулоса урнида шуни таъкидлаб утиш жоизки мамлакатимизда кичик бизне ва хусусий корхоналарнинг янгидан барпо этилиши, аҳоли бандлигини таъминлашга уз хиссасини кушмокда. Асосан уй хужалиги яни оилавий тадбиркорларнинг яратаётган иш уринлари бунинг яккол мисолидир. Чунки бу соҳадаги яратилган иш уринлари ҳам оила азолари бандлигини таъминлайди ҳам бошка аҳолини. Кичик бизнеснинг ушбу соҳаси вилоятда аҳолининг иш билан бандлик даражаси жорий ҳолатини оширишда муҳим ўрин эгаллаши билан биргаликда, унинг келажак истиқболда ҳам бандликни таъминлашда катта салоҳиятга эга эканлигини кўрсатади, бу кам харажат эвазига куп даромад олиш мақсадида барпо килинаётган иш уринлари умид киламизки келажакда янада ривожланиб

аҳоли даромадларини янада ошириб унинг фаровонлигини юксалтиришиб вилоятимиз иктисодиётини яхшилашга уз хиссасини кушади.

Иктисодиётда бандларнинг уртача йиллик ҳолати

(3.3.1-жадвал)



Ушбу ва кейинги ўринлардаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2011-йил 14-мартдаги 71-сон қарорига асосан ўтказилган қўзғатув натижаларини ҳисобга олган ҳолда келтирилган.

Бу ерда иктисодиётда бандларнинг умумий 4 йиллик ҳолати бўйича, юқоридаги диаграмма маълумотларидан куришимиз мумкинки 2011-йилда ушбу ҳолат 11628 миң кишини ташкил этган бўлса, 2012-йилда 11919, 2013-йилда 12224, 2014-йилга келиб эса 12523 миң кишини ташкил этмоқда. Бу маълумотдан эса курамизки иктисодиётда банд аҳоли сони йилдан йилга ошиб бормоқда шу боис иқтисодиётни янгилаш шароитида иш билан бандликнинг фақат миқдорий эмас, балки сифатли жиҳати ҳам мавжуд, чунки иш билан бандлик ҳар бир шахсга турлича натижа келтиради. Шу жиҳатдан рационал, яъни оқилона иш билан бандлик борки, бу иш жойидаги меҳнат унумдорлигининг даражаси ва шунга монанд топилган даромад билан ўлчанади.

Мустақил иш билан бандлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш тизими. Ҳозирги вақтда меҳнат бозоридаги фаол сиёсатни амалга ошириш соҳасидаги фаолият доирасида мустақил иш билан бандликни ривожлантириш, тадбиркорлик малакаларини ўргатиш ва кичик бизнесни ташкил этишга кўмаклашиш дастурлари муҳим аҳамият касб этади. Меҳнат бозоридаги сиёсатнинг бу йўналиши энг муҳим ижтимоий вазифани – янгича меҳнат дунёқарашини шакллантиришдир.

Ишсизликни камайтиришнинг чора – тадбирларисифатида эса биз қуйидагиларни қайд этиб ўтамыз:

- корхонада янги ишчи ўринлари ташкил этиш йўли билан аҳолини ишга жалб қилиш;
- жамоат хизматини ташкил этиш;
- хусусий тадбиркорликни ҳамда аҳолининг ўз-ўзини иш билан таъминлашни рағбатлантириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш;
- камёб мутахассисликлар ва касблар бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш;
- иш билан бандликнинг турли шакллари қўллаш;
- аҳолини иш билан таъминлаш имкониятлари хусусида кенг миқёсда хабардор этиб туриш.
- Иш билан бандлик хизматининг яна бир вазифаси мустақил меҳнат фаолияти билан шуғулланишни истайдиганларни ўқитишдир. Бу кишилар ишга доир асосий кўникмаларни (нарх белгилаш асослари, муҳосиблик ҳисоби, режалаштириш ва ҳоказолар) ўқиш жараёнида эгаллаб чиқадилар. Иш билан бандлик хизматининг вазифаси тадбиркорга мустақил иш билан бандлик нималарни билдиришини (масалан, ижтимоий неъматларнинг бирмунча қисқариши, иш вақтининг давомийлиги бирмунча ортиши, юқори даражадаги таваккалчилик, хонавайрон бўлиш эҳтимоли борлиги, қонунларнинг ҳали тўла мукамал эмаслиги ва ҳоказоларни) тушунтиришдир.

Шу имкониятлардан фойдаланган ҳолда, бизнинг тадбиркорларнинг киладиган биргина ишимиз эса ушбу имкониятлардан оқилона ва тўғри фойдалана олишдир.

3.4 Самарканд вилоятида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари орқали аҳоли банлиги хавфсизлигини таъминлаш масалалари

Ёнувчи модда билан ҳаводаги кислороднинг ўзаро таъсири натижасида жуда тез кечувчи ва кўп миқдорда иссиқлик ажралиб чиқувчи кимёвий реакцияга ёниш дейилади.

Инсониятнинг ҳаёти ва иш жараёнида содир бўлиш эҳтимоли кўп бўлган ва катта талофат келтирадиган бахциз ҳодисалардан бири ёнғин ҳисобланади. Шунинг учун корхоналарда ёнғин хавфсизлиги чораларини кўриш, ёнғин содир этган ҳолларда уни ўчиришга мослашган асбобларга эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга.

Корхоналарда, ташкилотларда хавфсизликни таъминлаш ва иш шароитини яхшилаш маъмуриятнинг асосий вазифаси сифатида меҳнат қонунлари ва кодексида ёзиб қўйилган.

Ҳар қандай корхонада ишлаб чиқариш технологияси, ишлатиладиган хом ашёси, чиқарадиган маҳсулот ва жойлашган биносининг конструкцияси ҳисобга олинган ҳолда ёнғин чиқишга, портлашга ва ёнғин чиққан тақдирда унинг тарқалишига, шунингдек ёнғиннинг асоратига асосланган ҳолда ёнғинга ва портлашга хавфлилик даражаси белгиланади.

Албатта, ҳар бир корхонада ёнғин хавфи биринчи навбатда, у ёрда ишлатилаётган хом ашёнинг ва чиқарилаётган маҳсулотнинг ёнғинга хавфлилик даражаси билан ўлчанади. Шунинг учун ҳам корхоналарни категорияларга ажратганда ишлатилаётган моддаларнинг физик-кимёвий хусусиятлари ҳисобга олинади.

Корхоналарда ёнғинга қарши кураш ишларини шу корхоналарнинг ёнғинга хавфлилик даражасига қараб, корхона маъмурияти белгилайди. Агар корхонада ёнғин хавфи бўлса, унда ёнғинга қарши кураш бўлими ташкил қилинади. Бундай бўлим ўзининг махсус ёнғинга қарши кураш командаларини ташкил қилади.

Ҳозирги вақтда давлат ёнғинга қарши кураш назоратини Ички ишлар вазирлигининг ёнғиндан муҳофаза қилиш бош бошқармаси амалга оширади. Унинг асосий вазифаси корхоналарда ёнғин ва портлашга олиб келадиган сабабларни йўқотишга қаратилган ташкилий ва техник чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишдан иборатдир.

Қабул қилинган технологик лойиҳалашнинг амалдаги меъёрларига биноан барча ишлаб чиқариш корхоналари технологик жараёнларнинг портлаш ва ёнғин хавфи бўйича беш тоифага бўлинади (А, Б, В, Г ва Д).

«А» ҳамда «Б» тоифалар портлаш ва ёнғин хавфи мавжуд корхоналардир.

«В» тоифасига фақат ёнғин хавфи мавжуд корхоналар киради. Улар «А» ва «Б» тоифаларида учрамайдиган ёнувчи суюқлик, чанг ва толалар, қаттиқ ёнувчи модда ҳамда материаллар мавжудлиги билан ҳарактерланади.

«Г» тоифага ёнмайдиган моддалар ва материалларни иссиқ, чўғланган ёки эриган ҳолда ишлайдиган, иш жараёнида нурсимон иссиқлик ажраладиган учқун, аланга чиқиб турадиган, шунингдек, қаттиқ, суюқ ва газсимон ёқилғи ёқиладиган сеҳлар киради. «Д» тоифага ёнмайдиган моддалар ва материаллар совуқ ҳолатида ишлатиладиган сеҳлар киради.

Ёнғин саноат корхоналари, халқ хўжалигининг барча тармоқларида юз бериб, йетказадиган зарари жиҳатидан табиий офатларга тенглашиши мумкин бўлган ҳодиса ҳисобланади. Улар катта моддий зарар келтириши билан бирга оғир бахциз ҳодисаларга - заҳарланиш, куйиш ҳамда кишилар ҳалокатига сабаб бўлиши мумкин.

Ёнғинга қарши кураш ишлари давлат миқёсида амалга оширилади. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, унинг ривожланиб, тарқалиб кетмаслиги чоратadbирларини олдиндан кўриш, унгақарши самарали кураш олиб бориш ёнғинни ўчиришда қўлланиладиган бирламчи воситалардан тўғри фойдаланишга қаратилган.

Корхонани лойихалашда, куришда, технологик жараёни амалга оширишда эътиборга олинадиган ёнғинхавфсизлигичора тadbирлари келажакда ёнғиннинг олдини олиш ва ундан огоҳлантиришда муҳим ҳисобланади.

Ёнғинхавфсизлиги қоида-талабларининг бузилиши, технологик жараённинг режимга тўғри келмаслиги, электротехник асбоб-ускуналарнинг носозлиги, улардан фойдаланишқоидасининг бузилиши саноат корхоналарида ёнғин, портлаш бўлишига олиб келади.

Ёнғин содир бўлиши асосан техника хавфсизлиги қоидаларинингбузилиши, корхона ва сех маъмурияти томонидан камчиликларга йўл қўйилиши билан боғлиқ. Ишлаб чиқариш корхоналарида мавжуд бўлган сабаблар, бериладиган ёки қўйиладиган компонентлар таркиби ва тезлигининг ўзгариши, аралаштирилмаслиги, ускунага бегона модда тушиб қолиши, хом-ашё таркибининг ўзгариши, газ, буғларни йўқотиш усулининг бузилиши ва бошқа ҳолатлар аварияга, портлашга олиб келади.

Технологик жараёнларда ёнғин хавфсизлигини таъминлашда қуйидаги умумий тadbирлар амалга оширилади:

- 1) хавфли технологик усулларни хавфсиз турига алмаштириш;
- 2) ускуна-мосламаларни тусикланган ҳолатда жойлаштириш;
- 3) корхона биноларидаги қўлланадиган ёнувчи ва портлашга хавфли моддаларнинг миқдорини камайтириш;
- 4) ускуна, газ қувурларида, ҳаво алмаштириш тизимида ёнувчи моддаларнинг портлашга хавфли қоицентрацияси ҳосил бўлишига юл

кўймаслик;

5) ёнувчи аралашмаларга ингибиторлар, инерт моддалар қўшиш;

6) ёнғин алангаланадиган моддаларни сақлашда, улар билан ишлашда инерт муҳитини яратиш;

7) ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, механизациялаш, узлуксизлигини таъминлаш;

8) технологик ускуна ва коммуникацияларнинг герметиклигини таъминлаш ва жараёнда вакуум қўллаш;

9) белгиланган технологик режимни аниқ бажариш, стандартларга амал қилиш;

10) технологик ускуналарни таъмирлаш, тузатишдан сўнг ва ишга туширишдан аввал сув буғи ёки инерт газ билан ишлаш;

11) хавфли жойларда ўт манбаининг пайдо бўлишига йўл қўймаслик;

12) ёнғин ва портлашнинг тарқалишига йўл қўймаслик;

13) кўрик, синов, режали-огоҳлантирувчи таъмирлаш ишларини ўз вақтида олиб бориш, касб эгалари, мутахассисларни талабга мувофиқ танлаш.

Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари бино ва иншоотларида ёнғинни ўчириш учун сув, сув буғи, кўпик, инерт газлар, кукунлар, сиқилган ҳаво ва қаттиқ моддалар кенг қўлланилади. Ўт ўчириш моддалари электр ўтказиш ва электр ўтказмаслик хоссаларига эга бўлади. Шунингдек, зарарли кам захарли ва захарсиз турларига бўлинади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.

Таткикот жараёнида мамлакатимизда иктисодиётнинг асосий тармокларидан бири кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш асосида аҳоли турмуш даражасини ошириш буйича куйидаги илмий хулосалар ва таклифлар ҳосил қилинди:

1. Аҳолини иш билан бандлик тушунчасини фуқаронинг ўз шахсий ва жамоат эҳтиёжини қондирадиган ҳамда даромад келтирадиган фаолияти деб тушуниш мумкин. Иш билан биндликни ижтимоий, иқтисодий ва демографик жараёнлар тизимида меҳнат ресурсларини йетиштиришнинг табиий асоси сифатида қараш лозим.

2. Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик самарадорлигини оширишга қаратилган масалалар мамлакатимиз олимлари томонидан кам ўрганилган. Натижада унинг кўпгина назарий ва амалий муаммолари ўз ечимини топмасдан қолиб кетмоқда.

3. Бугунги кунда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни соҳасини ривожлантириш борасида қатор тажрибалар тўпланди. Аммо амалиётда бу имкониятлардан тўлалигича фойдаланила олинмаётганлиги ҳам асосланди. Ишда улардан самарали фойдаланиш юзасидан бир қанча тавсиялар ишлаб чиқилди. Буларга:

- солиқ юкининг енгиллаштирилганлиги;
- иш фаолиятига ноқонуний аралашувнинг олдини олиш борасида кўплаб меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилинганлиги;
- кичик тадбиркорлик субъектларига киритишга асос бўладиган умумий мезонлар белгиланганлиги (ходимлар сони, низом жамғармасининг миқдори, активлар миқдори, айланма маблағлар ҳажми, фойда, даромад ва ҳ.к.);

- табиий монополия соҳаларига кичик бизнес вакилларининг кириши учун шарт-шароитларнинг яратилганлиги;
- бўш турган бино ва иншоотлардан фойдаланиш учун кенг имкониятларнинг мавжудлиги;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига молиявий кўмак берилиши;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун зарур инфраструктураларнинг яратилиши;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи бирлашмалар, Кенгаш ва бошқа ташкилотлар фаолият кўрсатаётганлиги, йирик ташкилот ва бирлашмалар, акционерлик жамиятлари ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликлардан ёрдами аямаслиги каби тартибларни киритиш мумкин.

4. Янги иш жойларини яратувчи кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ва ижтимоий ишларни ташкил қилиш энг кам инвестиция талаб қилади ва ишчи кучига талабни оширишда муҳим ўрин тутади. Кичик ва ўрта бизнесни ташкил қилишни маблағлар билан таъминлаш манбалари сифатида маҳаллий бюджет, бандликка кўмаклашиш жамғармаси ва бизнес — фонд маблағлари ҳамда хусусий тадбиркорларнинг шахсий жамғармалари хизмат қилиши яхши самара беради.

5. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий ривожлантиришдаги ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини оширишдаги ролининг катталиги асосланди.

6. Демак кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ута мураккаб ва серкирра соҳадир. Унинг канча жабҳаси куп булса муоммоси ҳам шунча купдир. Шу туфайли кичик бизнесни ривожлантириш учун ҳам ҳар бир аниқ ҳолатда аниқ муоммоларни ҳал этишга тугри келади. Меҳнат ҳақи унинг

якуний натижаларидан узилиб қолиши ва ишловчиларнинг касбий билимлари ва иш жойларининг унумли техника билан таъминланишини пастлиги нафақат ишлаб чиқариш корхоналари қувватларидан самарасиз фойдаланишга, балки ички ва ташқи бозорларнинг талабларига тўлиқ мос келмайдиган паст сифатли товарларни ишлаб чиқаришга олиб келади. Натижада кўпгинаишчи ходимларнинг меҳнати ижтимоий тан олинмайди (амалда меҳнат ҳақи орқали тан олинган бўлса ҳам) ва халқ хўжалиги нуқтаи назаридан уларнинг иш билан бандлиги иқтисодий мазмунга эга бўлмайди. Меҳнат натижаси ижтимоий тан олинган иш билан бандликни оқилона деб ҳисоблаш мумкин.

7. Бозор муносабатлари шароитида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Чунки, ишсизлик муаммосининг мавжудлиги бозор иқтисодиётининг ажралмас хусусиятидир. Шундай экан, ишсизлик муаммосини ўрганишдан асосий мақсад – аҳолининг иш билан бандлигини ошириш орқали мамлакат ишлаб чиқаришини кенгайтириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга алоқадор тадбирлар ишлаб чиқишдан иборат.

8. Шу туфайли кичик бизнесга, мамлакатимизда иқтисодиётнинг асосий соҳаси деб қаралиб, унга катта эътибор берилиши лозимдир, шу сабабкичик ва ўрта бизнесни хизмат кўрсатиш ва шахсий меҳнат тармоқларида ташкил қилиш зарур. Чунки бу тармоқлардаги иш жойларининг қиймати юқори эмас. Шу йўл билан кўплаб ишсиз аёллар учун янги иш жойларини яратиш мумкин. Яна шуни аҳолида такидлаш жоизки нафақат мамлакатимизга балки вилоятимизда туманларимиз микёсида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш жуда уринлидир.

Агар бизнинг таклиф ва тавсияларимиз мамлакатимизда ушбу соҳани такомиллаштиришда ва амалиётда фойдаланилса, уйлаймизки, кичик бизнес соҳасини янада ривожлантириш, унда мавжуд булган улкан салоҳиятдан мамлакат ижтимоий – иқтисодий тараққиёти ва равнаки йулида унумли

фойдаланиш учун яхши имкониятлар пайдо булади. Бу аҳолига фаравон турмуш даражасини таъминлашда ута муҳимдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент Фармонлари ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари

1.Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1.1. Ўзбекстон Республикаси Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009

1.2. Ўзбекстон Республикасининг Меҳнат кодекси. – Т.: “Иқтисодиёт ҳуқуқ дунёси”, 2010.

1.3. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрир). –Т.: Адолат, 1998.

2. Ўзбекстон Республикаси Президентининг Фармонлари ва қарорлари

2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори “Баркамол авлод йили” Давлат дастури тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 5-сон.

2.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22.01.2009 йилдаги 1045-сонли “Инқирозга қарши дастур ва бошқа қўшимча чоралар тўғрисида”ги Қарори. “Халқ сўзи” газетаси, 2009 йил 23 январь.

2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 20 январь, ПҚ-1041-сон.

2.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш

юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 26 январь, ПҚ-1047-сон.

2.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисида. 2010 йил 27 январь.

2.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 29 январь, ПҚ-1051-сон.

2.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 28 январь, ПҚ-1050-сон.

2.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини кучга киритиш тўғрисида. 2009 йил 26 январь, ПҚ-1046-сон.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

3.1. Ишга жойлашишга мухтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш методикасини такомиллаштириш тўғрисида. №106. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга оид меъёрий ва услубий ҳужжатлар тўплами. Т.: «Меҳнат», 2010 йил, 72-бет.

3.2. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Низом. «Халқ сўзи» газетаси, 11.01.2014 йил.

3.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 9 апрелдаги 104-сонли Қарори. «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2013 йил 15сон,

Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва маърузалари

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1.1. И.А.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009.

1.2. И.А.Каримов. Энг асосий мезон - ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2009.

1.3. И.А.Каримов. Юксак маънавият - енгилмас куч.– Т.: “Ma’naviyat”, 2008.

1.4. И.А.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2005.

1.5. Баркамол авлод орзуси // Тузувчилар: Ш.Қурбонов, Х.Саидов, Р.Аҳлиддинов. – Тўлдирилган 2– наشري. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2000.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг маърузалари

2.1. И.А.Каримов. Асосий вазифамиз - ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2010 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи”, 2010 йил 30 январь, №21 (4936).

2.2. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь, №19 (4934).

2.3. И.А.Каримов. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганини 17 йиллигига бағишланган маросимдаги маърузаси. “Халқ сўзи”, 2009 йил 6 декабрь, № 237 (4900).

**Президент Фармонлари, Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг
қарорлари, турли дастурлар, йўриқнома ва бошқа меъёрий
ҳужжатлар**

1. “2005-2006 йилларда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида”ги Қарор 2005 йил 14 март.
2. “Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. 2005 йил 14 июн.
3. “Тадбиркорлик субъектларини юридик ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. 2005 йил 14 июн.
4. “Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида”ги Қарори. 2005 йил 15 июн.
5. “Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. 2005 йил 20 июн.

6. “Ташқи иқтисодий ва савдо алоқалари, хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони. 2005 йил 21 июл.
7. “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида”ги Қарори. 2006 йил 24 май.
8. “Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. 2009 йил 10 январь.
9. Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. 2009 йил 15 май.
10. “Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. 2011 йил 4 апрель.
11. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. 2011 йил 24 август.

Дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

1. Абдурахманов Қ.Ж. Меҳнат иқтисодиёти (назария ва амалиёт): Дарслик. –Токшент: Меҳнат, 2004. -670 б.
2. Абдуғаниев А., Толаметова З. Ўзбекистоннинг меҳнат салоҳияти. Т.: «Меҳнат», 1998. 96 б.
3. Актуальные проблемы Европы. Занятость и безработица в Западной Европе: Сборник научных трудов РАН ИНИОН; Центр научн-информ. исслед. Глобальных и региональных пробл.; Отд. Зап. Европы и Америки; Бўлов В.Г. (отв. ред.). – М., 2002. –204 с. – (Актуальные проблемы Европы; Европа.ХХІ век. /Редкол.: Пархалина Т.Г.(гл. ред.) и др. ISSN № 235-5626; 2002,№ 3).

4. Абдурахмонов Қ.Х. таҳрири остида. –Т.:Инсон тараққиёти. Дарслик. и.ф.д., проф. “Fan va texnologiya”, 2013.
5. Абдукаримов Б.А. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. –Т.: “Fan”, 2005. – 288 б.
6. Абдуллаев Ё.А., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари: 100 савол ва жавоб. (1-қисм) – “Меҳнат”, 2000. – 352 б.
7. Анализ экономики. Страна, рынок, фирма. Под ред. Проф. В.Е.Рыбалкина. Учебник. – М.: Международные отношения, 1999. – 304 с.
8. Абдуллаев А., Муфтайдинов Қ., Айбешов Х. Кичик бизнесни бошқариш. – “Молия”, 2003. – 191 б.
9. Абдуллаев А., Сотволдиев А., Ўринбоев И, Абдуллаев С. ва бошқалар. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: ташкил этиш, режалаштириш, бошқариш. – Т: “Фан ва технология”, 2005. - 243 б.
10. Жалолов Ж.Ж. ва б. Хорижий мамлакатлар бозор иқтисодиёти моделлари. – Т.: ТДИУ, 1994. – 184 б
11. Жумаев Н.Х. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози: моҳияти, сабаб – оқибатлари ва Ўзбекистонга таъсири. Рисола. – Т.: ЖИДУ, 2009. – 56 б.
12. Зайнутдинов Ш.Н., Кадирходжаева Н.Р. Бозор назарияси. Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2007. – 319 б.
13. Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза. “Ўзбекистон”, 1996, 1997, 1998, 1999. 2000, 2001, 2002, 2003, 2004, 2005, 2006, 2007.
14. Исроилов Ж.И. Тадбиркорлик субъектларида товарларни ишлаб чиқариш ва сотишни таҳлил қилиш усуллари. (Услубий тавсия). –Самарқанд. СВТИЧТП, 2004.- 38 бет.
15. Қосимова М.С., Ходиев Б.Ю., Самадов А.Н., Мухитдинова У.С. Кичик бизнесни бошқариш. “Ўқитувчи”, 2003.- 139 б.
16. Мирзаев Қ.Ж., Мусаев Б. Кичик бизнесни бошқариш. Самарқанд. 2008. – 137 б.
17. Раицкий К.А. Экономика предприятия. Учебник.- М.: ИВЦ “Маркетинг”. 2003. - 683 с.

- 18.Расулов М. Бозор иқтисодиёти асослари. Дарслик. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999. – 484 б.
- 19.Сариков Э., Маматов М. Иқтисодиёт ва бизнес асослари. (Ўқув қўлланма). – Т.: “Шарқ”, 1997. – 240 б.
- 20.Пардаев М.Қ. Корхонанинг иқтисодий ва молиявий мустаҳкамлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш усуллари. - Самарқанд, СамКИ, 1997. - 20 бет.
- 21.Пардаев М.Қ. Исроилов Б.И. Молиявий таҳлил. Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашр уйи, 1999. - 346 бет.
- 22.Пардаев М.Қ., Абдукаримов И.Т., Исроилов Б.И. Корхонанинг иқтисодий салоҳияти таҳлили. Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 2003.- 256 бет.
- 23.Пардаев М.Қ ва бошқалар. Бошқарув таҳлили. Ўқув қўлланма. Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 2005.- 328 бет.
- 24.Пардаев М.Қ., Исроилов Ж.И. Хусусий корхоналар фаолияти таҳлилининг назарий ва методологик муаммолари, (Монография), Т: “Фан ва технология”, 2007.-163 б.
- 25.Усмонов А.С. Научные основы регулируемых рыночных отношений. – Тошкент: ПЛСНТЛ“Ўзинфорагпром”. 1992. – 160 с.
- 26.Ходиев Б.Ю., Беркинов Б., Кравченко А. Бизнес қийматини баҳолаш. Т.: - “Иқтисод-молия”.- 2007.- 254 б.
- 27.Ходиев Б.Ю. ва б. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “Иқтисодиёт”, 2009. – 120 б.
- 28.Кейнс Дж. Общая теория занятости процента и денег. –М.: “Прогресс”, 1948.- 240 с.
- 29.Экономика предприятия. Пер. с нем. – М.: ИНФРА - М,1999. -928с.
- 30.Эргашев Ш. ва б. Жаҳон мамлакатлари. – Т.: “Шарқ”, 2006. – 384б.
- 31.Ўлмасов А. Иқтисодиёт асослари. // “Меҳнат”, 1997 - 192 б.

32. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: “Меҳнат”, 1996.
33. Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. – Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. 2002.-365 б.
34. Қосимова М.С., Ходиев Б.Ю., Самадов А.Н., Мухитдинова У.С. Кичик бизнесни бошқариш. –Т: “Ўқитувчи”, 2003. - 239 б.
35. Қудратов Ғ.Ҳ., Пардаев М.Қ., Абдукаримов Б.А. Сервис ривож – аҳолининг бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини ошириш омили. Рисола. –Т.: “Fan va texnologiya”, 2007. – 28 б.
36. Қудратов Ғ.Ҳ., Мирзаев Ҳ.Ж., Пардаев М.Қ. Агросервисни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Рисола. –Т.: “Fan va texnologiya”, 2007. – 16 б.
37. Султонов Ш.А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши. Рисола. – Т.: “Молия”, 2009.- 32 б.

Статистика тўплamlари маълумотлари

1. Самарканд вилояти статистика бошкармаси маълумотлари.
2. Самарканд вилояти иқтисодиёт бошкармаси маълумотлари.
3. “Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида меҳнат бозори ва аҳоли меҳнат миграциясини тартибга солиш” мавзусидаги илмий-амалий анжуман тезислари тўплами. –Т.: ТДИУ, 2007. 176 б.

Диссертация ва диссертация авторефератлари

1. Аминов З.Ю. Хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш йўллари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Самарқанд: СамИСИ, 2009. - 26 б
2. Очилов И.С. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш

учун ёзилган диссертация автореферати. – Самарқанд: СамИСИ, 2010.- 24б.

3. Суюнов Д.Х. Кичик ва ўрта бизнес субъектларида бошқарувни ташкил қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш йўналишлари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, 2004. – 23 б.

Журналлардаги мақолаларга ҳаволалар

- 1.Абдукаримов Б.А., Шарипов Т.С. Хизмат соҳаси ва сервис корхоналари учун иқтисодчи мутахассисларни тайёрлаш сифатини ошириш масалалари // Сервис. – Самарқанд, 2009. № 1. – Б. 122-127.
- 2.Султонов Ш.А. Тадбиркорлик ва бандлик. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2010. № 5. – Б. 37.
3. Батирова Л.Ш Самарқанд вилоятида аҳоли бандлигини ошириш ва фаровонлини юксалтириш усуллари. (Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари мисолида// Сервис журнали.

Интернет сайтлари

- 1.Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати расмий веб сайти www.gov.uz
- 2.Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий веб сайти, www.stat.uz
- 3.Ўзбекистон Ахборат Агентлиги веб сайти, www.uza.uz
- 4.www.4p.com.ua/books/4.html
- 6.www.classis.ru/pages/classis/6/48/
- 7.www.finansy.ru/publ/mark/
8. www.samarqand.uz

